

**РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқи  
УДК*

**Бобожонов Шавкатжон Улугбековичнинг**

**“ЖАНУБИ – ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ВА МУСТАҚИЛ  
ЎЗБЕКИСТОН: ЎЗARO ҲАМКОРЛИКНИНГ ЮТУҚ ВА  
МУАММОЛАРИ (1991-2015 йй.)”**

**Мутахассислик: 5А 120302 Тарих (йўналишлар ва мамлакатлар бўйича)**

**Магистрлик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:  
тарих фанлари номзоди, доцент  
М.Б.Қурбонова**

**Бухоро-2017**

## МУНДАРИЖА:

|  |        |
|--|--------|
| <b>КИРИШ</b> .....   | 3-12   |
| <b>1-БОБ. ЖАНУБИ - ШАРҚИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИГА УМУМИЙ ТАВСИФ</b> .....  | 13-38  |
| 1.1. Хорижий Осиёнинг йирик региони - Жануби–Шарқий Осиё ҳақида умумий маълумот.....                                     | 13-28  |
| 1.2. Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ўзаро муносабатида АСЕАН ташкилотининг ўрни.....                        | 29-38  |
| <b>2-БОБ. ЖАНУБИ - ШАРҚИЙ ОСИЁ ВА МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ</b> .....                | 39-60  |
| 2.1.Ўзбекистоннинг Тинч океани ҳавзасидаги Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан алоқаларининг юридик-меъёрий асоси..... | 39-52  |
| 2.2.Давлатларнинг саноат, ишлаб чиқариш соҳасидаги келишувларининг кенгайиб бориши.....                                  | 53-60  |
| <b>3-БОБ. ЖАНУБИ - ШАРҚИЙ ОСИЁ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛМ - ФАН ВА МАДАНИЯТ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАРИ</b> .....                    | 61-92  |
| 3.1.Таълим, фан ва техника йўналишидаги ҳамкорликнинг ютуқ ва истиқболлари.....  | 61-67  |
| 3.2.Мамлакатлараро туризм индустрияси ривожини.....  | 68-76  |
| 3.3.Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Ўзбекистоннинг маданий соҳадаги муваффақиятлари.....                              | 77-92  |
| <b>ХУЛОСА</b> .....  | 93-96  |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....  | 97-101 |
| <b>ИЛОВАЛАР</b>  |        |

## КИРИШ

**Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги:** Бугунги кунда республикамизда фаол “халқ дипломатияси” асосида чет элдаги ватандошларимиз билан мунтазам ва ўзаро фойдали муносабатларни йўлга қўйиш, хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ва маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлаш орқали Ўзбекистонда яшаб келаётган барча миллат ва этник диаспораларнинг тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, миллий анъаналари ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш тамойилларига асосан олиб бораётган Республика байналмилал маданият маркази, 138 та миллий маданий марказлар, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, шунингдек, 34 та дўстлик жамиятлари мувафаққиятли фаолият юритиб келмоқда<sup>1</sup>.

Бугунки кунда Ўзбекистонни суверен давлат, халқаро муносабатлар субъекти сифатида 180 ортиқ давлат тан олган, шулардан 120дан ортиғи билан дипломатик алоқалар ўрнатилган.

Тошкентда 42 та хорижий давлатлар элчихоналари, 1 та Бош консуллик, 9 та фахрий консуллик, 10 та халқаро ташкилотлар ваколатхоналари, 5 та халқаро молия ташкилотлари, 3 та савдо ташкилотлари ваколатхоналари фаолият юритмоқда<sup>2</sup>.

Мустақил Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан муносабатлар тарихи масалалари тарихий тадқиқотлар тизимида муҳим бўғин ҳисобланади. Истиқлол йилларида Ўзбекистон хорижнинг ўнлаб давлатлари билан ҳар қандай воситачиларсиз, тенг ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ҳамкорлик алоқаларига киришди. Халқаро муносабатларнинг чорак асрлик бой тажрибаси тўпланди.

---

<sup>1</sup> Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи. 2017 йил, 23 май, № 101 (6795). –Б.1.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги. <http://mfa.uz>

Айниқса, дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан олиб борилаётган кўп томонлама муносабатлар Ўзбекистон юксалишида, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринга эга бўлишида муҳим ўрин эгаллапти. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти масалалари тажрибасини умумлаштириш, бу борада тегишли хулосалар чиқариш, шунингдек, ютуқ ва муаммоларни сарҳисоб қилиш зарурати магистрлик диссертацияси мавзусининг долзарблигини ифодалайди.

Ўзбекистоннинг Тинч океани ҳавзасидаги тараққий этган давлатлар билан ўзаро муносабатлари техника ва технология, таълим алмашинувлари, инвестиция киритиш, ҳамкорлик корхоналарини ташкил этиш, ишлаб чиқариш соҳасини замонавий андозалар даражасига кўтариш, илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш, туризм, сервиз хизмати, маданият кунларини ташкил этиш каби кўплаб тармоқ ҳамда йўналишларни ўзида мужассам этган.

Жануби – Шарқий Осиё мамлакатлари ва Ўзбекистон ҳамкорлик алоқалари тарихида кўпгина ёрқин саҳифалар очди. 2008 йилда Тошкентда Сингапур Менежментни ривожлантириш институти филиалининг ташкил этилиши мамлакатимиз ёшларига айна иазкур соҳанинг 11 йўналиши бўйича халқаро андозаларга мос таълим олиш имконини берди. 2007 йилда Президент Ислом Каримов Сингапурга ташрифи чоғида 52 гектар майдонни эгаллаган экваториал ўрмонда минглаб турда парвариш қилинадиган орхидея гулларининг янги нави ўша пайтда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номи билан аталди<sup>3</sup>.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Ўзбекистоннинг маданий, иқтисодий ва илм-фан соҳадаги ўзаро ҳамкорлик ютуқлари тарихшунослиги тўлиқ тадқиқ этилмаган. Мамлакатларимиз ҳамкорлик алоқалари тарихини очиб бериш орқали Ўзбекистоннинг бугунги кундаги истиқболлари ўзаро муносабатлари, Тинч океани ҳавзасидаги ишончли ҳамкорлари

---

<sup>3</sup> Давлат ташрифи бошланди. // Ўзбекистон овози. 2007 йил, 25 январь. 11 (27.656)-сон.1-бет.

тараққийнинг муҳим гаровларидан бири бўлиши, шунингдек, мамлакатимизнинг энг янги тарихи тараққийи Ўзбекистонни қисқа муддатда ривожланаётган давлатлар сафига қўшилиши сабабларини кўрсатиши ҳамда ундан тегишли хулосалар чиқариш эҳтиёжи танланган мавзу долзарблигидан далолат бермоқда.

Тадқиқот жараёнида маълум бўлдики, Тинч океани ҳавзасидаги АСЕАН (инг. Association of South East Asian Nations) давлатлари хорижий Осиёнинг энг тараққий этган мамлакатларидир. Ўзбекистон эса Марказий Осиё минтақасининг шиддат билан ривожланиб бораётган давлатларидан бири. Мамлакатлар бир-бирига руҳияти ва этник жиҳатдан бирлиги, диний эътиқодлари ва қарашларининг бирлиги уларнинг ишончли шериклар, дўст портнерлар, мустаҳкам ҳамкорлар бўлишига сабаб бўлган. Ўзбекистон 1992 йилда Конституцияни тайёрлашда айни миллий, этник жиҳатдан бизга яқин бўлган Жанубий Шарқий Осиёнинг Малайзия ва Индонезия Конституциявий қурилиш тажрибаларидан андоза ва намуна олган. Мазкур ўхшаш параллелликларни узоқ давом эттириш мумкин. Ушбу жиҳат мамлакатларимиз ҳамкорлик алоқалари билан боғлиқ мавзу долзарблигини яна бир ноғона кучайтирди.

Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари ва Ўзбекистон ҳамкорлик алоқалари тарихи 1991-2015 йилларда яхлит, битта мавзу доирасида ўрганилмаганлиги уни ягона магистрлик диссертацияси доирасида тадқиқ қилиш заруратини туғдирди.

**Тадқиқот объекти ва предмети:** Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатлари ва Ўзбекистон ҳамкорлик алоқаларини тадқиқ қилиш диссертация объекти ҳисобланади.

Тарихий адабиётлар, даврий-матбуот материаллари, интернет сайтлари, Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг мамлакатимиздаги элчихоналарининг расмий сайтлари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтларининг

сайтлари ҳамда манбавий аҳамиятга эга тарихий манбалар орқали мавзу мазмуни тадқиқ қилиш.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари:** Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ва мустақил Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий, маданий, илмий-техникавий ҳамкорлик алоқаларининг тарихи ҳамда 1991-2015 йиллардаги даврини яхлит ҳолда ўрганиш диссертациянинг асосий мақсади ҳисобланади. Юқоридаги мақсаддан келиб чиқиб диссертант ўз олдида куйидагича аниқ вазифалар қўяди.

- Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари – Ўзбекистон ҳамкорлик алоқаларининг тарихий тажрибаси ҳақида фикр юритиш;

- Мамлакатларимизнинг илм-фан ва маданий соҳадаги алоқалари ҳамда уларнинг амалиётдаги ижобий рўёбини таҳлил этиш;

- Давлатларнинг чорак аср мобайнида иқтисодиётида эришилган ютуқлар, имзоланган ҳуқуқий ҳужжатлар – меморандум, шартномалар мазмунини баҳолаш ва уларни очиқ бериш;

- Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлиги ютуқ ва муаммоларини батафсил шарҳлаш;

- АСЕАН (Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси) давлатлари ҳар бирининг Ўзбекистон билан тенг ва кўп томонлама ҳамкорлик масалаларини алоҳида-алоҳида кўрсатиб бериш;

- Ўзаро ҳамкорлик тарихий тажрибасини умумлаштириш асносида тегишли хулосаларга келиш ва ҳоказо.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:** Мазкур магистрлик диссертациясида Жанубий – Шарқий Осиё-Ўзбекистон ҳамкорлик алоқаларининг чорак асрлик тарихий босқичи яхлит илмий иш доирасида ўрганилганлиги унинг илмий янгилиги ҳисобланади. Шунингдек, диссертацияда мустақил Ўзбекистоннинг Осиёнинг Жануби-Шарқий қисмидаги мамлакатлари билан алоқалари масаласини ўзига хос жиҳатлари ва мутаносибликлар аниқлаштириб берилганлиги, тарихийлик ва замонавийлик нуқтаи назаридан туриб муаммога ёндашилганлиги ҳам ишнинг янгилигидан далолат бериб

турибди. Тадқиқотда Жануби-Шарқий Осиё ва мустақил Ўзбекистон муносабатларига таъсир қилган омиллар фойданилмаган имкониятлар, ютук ва муаммолар таҳлил қилинишига эришилди ва тегишли хулосаларга келинди.

Магистрлик диссертациясида Жануби-Шарқий Осиё ва Ўзбекистон алоқалари истиқболга қаратилган тавсия ва таклифларнинг ишлаб чиқиши ҳам унинг илмий-назарий янгилиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари:** Тадқиқотда ўрганилаётган мавзунинг асосий масалалари сифатида қуйидагилар кўриб чиқилади.

- Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Ўзбекистоннинг тарихан таркиб топган ҳамкорлик алоқаларининг ўзига хос умумий жиҳатларини кўрсатишга эришиш;

- Мустақиллик йилларида янгидан шаклланган ҳамкорликнинг аҳамияти, йўналишлари ва янгидан-янги шакл ва воситалари юзага келишининг динамикасини очиб бериш;

- Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг дунёнинг энг тараққий этган давлатлари сифатида Ўзбекистон учун энг муҳим ҳамкор ва ишончли шерик эканлигини очиб бериш;

- Истиқболда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш;

- мамлакат ўртасидаги муносабатлар доирасини кенгайтиришнинг янги йўналишлари ҳақида фаразлар қилиш.

**Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили):** Мавзу баёни бўйича адабиётлар ҳамда унинг тарихшунослигига оид тадқиқотларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бўйича энциклопедиялар<sup>4</sup>, справочниклар<sup>5</sup>, қисқача қомуслар<sup>6</sup>ларда давлатларнинг тўлиқ тарихи, географияси, табиати, демографик маълумотлари ўз аксини топган. Шунингдек, Г.А.Шпажников<sup>7</sup>, Н.П.Малетин<sup>8</sup> Т.И.Сулицкая<sup>9</sup>, В.В.Самойленко<sup>10</sup>, Ю.А.Плеханов ва А.А.Рогожин<sup>11</sup>ларнинг илмий изланишлари муҳим ва қимматли аҳамиятга эгадир.

2. Мустақиллик йилларида ҳам Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан фаол алоқалари ҳамда интеграциясига бағишлаб Р. Касымов<sup>12</sup>, Н.Сиражиддинов<sup>13</sup>, Ф. Курбанов<sup>14</sup>, К.Каримов<sup>15</sup>лар қатор илмий тадқиқотларни амалга оширдилар. Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари муносабатлари тарихи жуда катта тарихий тадқиқот объекти бўлиб, бу борада Ф.У. Усаров<sup>16</sup>, Г.С.Саидазимова<sup>17</sup>лар ўзларининг фундаментал, назарий-концептуал тадқиқотлари билан муносиб ҳисса қўшдилар.

---

<sup>4</sup> Новейший энциклопедический справочник Страны Мира. М.ОЛМА. Медиа Групп.2007; Страны и народы. Зарубежная Азия. Юго-Восточная Азия. – Москва: Мысль, 1979; Этнические процессы в странах Юго-Восточной Азии. М.,1974.

<sup>5</sup> Большой Иллюстрированный Справочник. Страны и континенты. Москва. «Махаон».2005; Государства Юго-Восточной Азии//Страны мира. Новейший энциклопедический справочник (Авт.-сост.Д.О.Хвостова).М.ОЛМА Медиа Групп.2007; Юго-Восточная Азия. // Большой иллюстрированный справочник. Страны и континенты.М., «Махаон», 2005.

<sup>6</sup> Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари. Қисқача сиёсий иқтисодий справочник (А.Ф.Маловнинг умумий таҳрири остида). “Ўзбекистон” нашриёти. Т.1967.

<sup>7</sup> Шпажников Г.А. Религии стран Юго-Восточной Азии.М.,1980.

<sup>8</sup> Малетин Н.П. АСЕАН: три десятилетия (1967-1997)-три политика. Учебное пособие (часть I). М., МГИМО, 1997.

<sup>9</sup> Сулицкая Т. И. Страны АСЕАН и международные отношения в Юго-Восточной Азии. М., "Наука", 1985.

<sup>10</sup> Самойленко В. В. АСЕАН: политика и экономика.М., “Наука”, 1982.

<sup>11</sup> Плеханов Ю. А., Рогожин А. А. Экономика и политика АСЕАН. М., “Мысль”, 1985.

<sup>12</sup> Касымов Р. Особенности экономической стратегии стран Юго-Восточной Азии//Экономика и статистика. 1997. №2., 32-34с

<sup>13</sup> Сиражиддинов Н. Экономическая политика в Малайзии после обретения независимости и ее результаты// Экономические обозрения, 2003. №8.

<sup>14</sup> Курбанов Ф. Опыт развития стран Юго-Восточной Азии и возможности его применения в Узбекистане// Vozor, pul, kredit, 2003 3-son.

<sup>15</sup> Каримов К. Обеспечение безопасности в азиатско-тихоокеанском регионе и роль АСЕАН// Ijtimoiy fikr, 2000. №3. 36-40с.

<sup>16</sup> Усаров Ф.У. Ўзбекистон Республикаси ва Жануби – Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик (Малайзия давлати мисолида: 1991-2005 йиллар) тарих фанлари номзодлигини олиш учун диссертация автореферати. Тошкент, 2010.

<sup>17</sup> Саидазимова Г.С. Интеграция глобал жараён сифатида ва унинг Марказий Осиё давлатлари учун аҳамияти (АСЕАН давлатлари мисолида) Сиёсий фанлар номзодлигини олиш учун диссертация автореферати. Тошкент, 2001.



**Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи:** Мазкур диссертациянинг назарий-методологик асосини Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ҳамда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг тарих фани ва уни ўрганишга қаратилган нутқ ҳамда асарларида илгари сурилган фикр-мулоҳазалар, тавсия ва кўрсатмалар ташкил қилади. Тарихий тадқиқотлар олиб боришнинг цивилизацион миллий ва умуминсоний манфаатлар муштараклиги нуқтаи-назаридан ёндашув тамойилига амал қилинди. Шунингдек, воқеаларни таҳлил қилишда анализ ва синтез, объективлик, холисоналик, тарихийлик принциплари асосида иш кўрилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти:** Диссертацияда биринчилардан бўлиб Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ҳамкорлик алоқаларининг йўналишлари илмий-назарий жиҳатдан комплекс равишда ўрганилиб таҳлил этилди. Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари муносабатларининг тарихий тажрибаси умумлаштирилиб илмий хулосалар чиқарилди. Давлатлар алоқаларидаги ўзига хос жиҳатлар тадқиқот нигоҳидан ўтказилди. Диссертацияда келтирилган материаллар, рақам ва далиллар Ўзбекистон энг янги тарихини маълумотлар билан бойитишда, халқаро муносабатлар тарихига оид қўлланма ва рисолалар ёзишда қўл келади. Шунингдек, унда келтирилган хулосавий фикрлардан фойдаланиб муассаса ва ташкилотларда маърузалар ўқиш мумкин.

**Тадқиқотнинг жорийланиши:** Магистрлик диссертация мавзуси юзасидан Бухоро давлат университети профессор-ўқитувчилар ва талаба-магистрантларнинг 2015, 2016, 2017 йиллардаги анъанавий илмий-назарий анжуманларида, магистрантларнинг илмий анжуманларида, “XXI аср – Интеллектуал авлод асри” шиори остидаги талаба ва ёш олимларнинг анъанавий конференциясида маъруза қилинган. Жануби-Шарқий Осиё ва Ўзбекистон ҳамкорлик алоқалари масалаларини ёритишга қаратилган

Республика миқёсидаги илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманлари материалларида 20 га яқин мақола ҳамда тезислар чоп этилди.

- “Ўзбекистон ва Индонезия: ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий кафолати” (“Конституция – жамиятнинг бугунги ривожини ва истиқболдаги тараққиётининг кафолатидир” мавзuidaги республика илмий-назарий анжуман материаллари. Бухоро. (Бухоро Давлат тиббиёт институти) 2015.Б.13-16 бетлар);
- “Ўзбекистон ва Сингапур: самарали ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари” (“Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб масалалари”. Бухоро. (Бухоро Муҳандислик-технология институти) 2015.-Б.308-310 бетлар);
- “Она ва бола саломатлигини бўйича халқаро ҳамкорлик” (“Соғлом Она ва бола – бахтли келажак асоси” мавзuidaги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Бухоро. (Бухоро Давлат тиббиёт институти) 2016 йил 23 январь.-Б.45-47 бетлар);
- “Сингапур – Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги ишончли ҳамкори” (“Тарих тилга кирганда...” Илмий мақолалар тўплами. Даврий тўплам №8. Наманган Давлат университети “Наманган”. 2016.-Б.324-329 бетлар);
- “Ўзбекистон ва Малайзия давлати маданий алоқалари” (Бухоро Давлат университети Илмий ахбороти (илмий журнал).2016 йил 1-сон. 120-124 бетлар);
- “Таълимда инновацион ҳамкорлик (Малайзия давлати мисолида)” (“Юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг долзарб масалалари” мавзuidaги илмий-амалий халқаро конференция. (Бухоро давлат университетининг 85 йиллигига бағишланади) .Бухоро.2016 йил, 11 март.-Б.256-258 бетлар);
- “Ўзбекистон – Таиланднинг Ўрта Осиёдаги яқин ҳамкори” (XI Международная научная конференция “Актуальные научные

- исследования в современном мире”. г.Переслав-Хмельницкий. Украина. 26-27 марта 2016 г. –С.39-42 бетлар);
- “Ўзбекистондаги соғлом бола тарбияси Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари нигоҳида” (“Халқимизнинг маънавий мероси ва соғлом авлод тарбияси”. Республика илмий-назарий конференцияси. Бухоро.2016 (Соғлом она ва бола йилига бағишланади).-Б.195-196 бетлар);
  - “Мьянма – қадимги цивилизация ўчоқларидан бири” (Тарихий хотира – маънавият асоси. IX республика илмий-назарий анжумани материаллари. Бухоро.2016. –Б.486-487 бетлар);
  - “Ўзбекистон ва Вьетнам: туризм индустрияси ривожини” (“Ўзбекистонда ижимоий-иқтисодий ва этномаданий ҳаёт: тарих ва таҳлил” мавзусидаги республика илмий анжумани материаллари. Термиз давлат университети. 2016 йил, 10-11 май. 108-109 бетлар);
  - “Ўзбекистон ва Жанубий – Шарқий Осиё таълим ҳамкорлигини йўлида” (Тафаккур ва талқин. Бухоро давлат университети магистрантларининг илмий мақолалар тўплами. Бухоро.2016 йил. 8-11 бетлар);
  - “Ўзбекистон “баркамол авлод”ининг халқаро эътирофи” (“Ўзбекистонда фан, таълим, ишлаб чиқариш ва ёшлар тарбияси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари”. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Қарши давлат университети. 2016 йил, 11 июнь. 308-310 бетлар);
  - “Ўзбекистонда соғлом бола камолотига қаратилган эътибор” (“Глобаллашув даврида ёшларда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш кўникмаларини шакллантириш: назария ва амалиёт”. Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. Қарши. “Насаф”. 2016. 190-194 бетлар);
  - “Бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик: Бухоро ва Жанубий Шарқий Осиё” (“Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача)”.

Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Бухоро. 2016 йил, 9-10 декабрь. 218-220 бетлар);

- “Ўзбекистон – халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти” (“Ўзбекистонда жамият ва шахс муносабатларининг Конституциявий – асослари” мавзuidaги Республика илмий – амалий конференцияси материаллари. Бухоро Муҳандислик-технология институти. 2016 йил);
- “Ўзбекистон-Малайзия: ҳамкорликнинг янги уфқлари” (“Инсон манфаатлари – энг олий қадрият”. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Бухоро. 2017 йил, 27 январь. 52-54 бетлар);
- “Ўзбекистон ва Сингапур: илғор тараққиёт йўлида” (Бухоро давлат университети Илмий ахбороти. 2017 йил 1-сон),
- “Диний хавфсизлик – Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош омили” (Навоий давлат педагогика институтида бўлиб ўтган республика конференцияси).

**Иш тузилмасининг тавсифи:** Мазкур магистрлик диссертацияси кириш, уч боб, етти банд, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар қисмларидан иборат. Диссертациянинг ҳажми иловаларсиз 101 бетни ташкил этади.

# 1-БОБ. ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИГА УМУМИЙ ТАВСИФ

## 1.1. Хорижий Осиёнинг йирик региони - Жануби–Шарқий Осиё хақида умумий маълумот

Евроосиё қитъасининг жануби-шарқий қисмидаги Ҳиндихитой ярим оролида ва қўшни Малайя архипелаги оролларида ўзига хос маданиятга эга бўлган турли элатлар яшайди. Хорижий Осиёнинг ушбу региони тахминан 4,6 млн.км<sup>2</sup> бўлиб, унда бир неча йирик мустақил давлатлар жойлашган<sup>18</sup>.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари Шарқий ярим шарда, Европа-Осиё материгининг чекка жануби-шарқидан ўрин олган. Бу мамлакатлар Ҳинди-Хитой ярим оролини, ундан шимолдаги (Тибет ясси тоғларининг жанубий чеккасига қадар) тоғли районларни ва Малайя архипелагини эгаллаб ётади. Ҳинди-Хитой территориясида Бирма, Таиланд, Камбоджа, Лаос, Вьетнам, Малайзия, Сингапур мамлакатлари, Малайя архипелаги доирасида эса Индонезия, Бруней, Филиппин, Тимор мамлакатлари бор.

Ҳинд ва Тинч океанлари Жануби-Шарқий Осиё куруқлиги ичига кириб, йирик қўлтиқлар ва денгизлар, яъни шарқда Тонкин қўлтиғи, жанубда Сиам қўлтиғи, ғарбда Андаман денгизи ҳамда ороллар ўртасидаги Сулу (чуқурлиги 5600 метргача), Целебкс (8547 метргача), Молукка (4750 метргача), Банда (7360 метргача) чуқур денгизлар ҳосил қилади<sup>19</sup>.

Малайя архипелаги доирасида Катта Зонд ороллари билан Янги Гвинея (Ғарбия Ириан)дагина тизма тоғлар яхши сақланган, ваҳоланки, Кичик Зонд ва Молукка оролларида палахсалардан ташкил топган тик ёнбағирлари тоғ массивлари ва тоғ орасидаги ботиқлар асосий ўринни эгаллайди. Ғарбий Ириан тоғлари баланд ва тик ёнбағирлари бўлиб, оролни кенглик бўйлаб кесиб ўтади ва шимолий ҳамда жанубий паст текисликларга ажратиб туради. Қорли тоғлар айрим чўққиларининг баландлиги 5 минг метрдан ҳам баланд бўлса, Оранье тоғлари айрим чўққиларининг баландлиги 4800 метргача

<sup>18</sup> Адҳамжон Аширов. Этнология. Тошкент. Янги нашр. 2014. –Б.323-324.

<sup>19</sup> Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари. Қисқача сиёсий иқтисодий справочник (А.Ф.Маловнинг умумий таҳрири остида). “Ўзбекистон” нашриёти. Т.1967.

келади. Баланд ўқ тизма тоғлардан шимолга қараб Готье, Фоя сингари пастроқ тизмалар чўзилиб кетган.

Жануби-Шарқий Осиёнинг доимий (туб) аҳолиси хорижий Осиёдаги бутун аҳолининг 13.0 фоиздан кўпроғини ва ер юзидаги аҳолининг 7.48 фоизга яқинини ташкил қилади. Аҳолисининг таркибида индонезлар, вьет ёки кинь (асл вьетнамликлар), кхон-таи (сиамликлар), мянь

Жануби-Шарқий Осиё - Осиёнинг жанубий-шарқидagi табиий географик область. Ҳиндихитой ярим ороли, Малай архипелаги ва унга ёндош ҳудудларни ўз ичига олади. Майдони 4,5 млн. км<sup>2</sup>. аҳолиси 2012-йилги маълумотларга кўра 324 млн.дан ортиқ. Энг катта ярим орол (жаҳонда майдони жиҳатдан учинчи ўринда) ҳисобланган Ҳиндихитойда Вьетнам (89,730 млн.), Лаос (6,374 млн.), Комбоджа Халқ Республикаси (14,478 млн.), Бирма (32,6 млн) ва Таиланд қироллиги (46 млн.) жойлашган. 15 мингдан ортиқ ороллардан ташкил топган Малайя архипелагида энг катта ҳудудни эгаллаган Индонезия (148 млн.) ва Филиппин (45 млн.) республикалари, Малайзия Федерацияси (13,5 млн.), Сингапур Республикаси (2,4 млн.) каби давлатлар мавжуд<sup>20</sup>.

Рельефи ўртача баландликдаги тоғ ва текисликлардан иборат. Тропик ўрмон ва саванналар кенг тарқалган. Иқлими нам экваториал ва субэкваториал муссонли иқлим. Жануби-Шарқий Осиёда бир неча йирик мустақил давлатлар - Бруней, Вьетнам, Индонезия, Камбожа, Лаос, Малайзия, Мьянма, Сингапур, Таиланд, Филиппин давлатлари жойлашган. Баъзан Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган давлатларни Жанубий Осиё таркибига ҳам киритадилар<sup>21</sup>.

Жануби-Шарқий Осиё минтақаси географик жиҳатдан Ҳиндихитой, Малакка ярим ороллари, Катта ва кичик Зонд ороллари, Молук ва Филиппин ороллари, шунингдек, Андаман, Тимор ва Банда денгизларига кирувчи Ҳинд ва Тинч океанлари акваториясини ўз ичига қамраб олган. Минтақанинг

---

<sup>20</sup> Адхамжон Аширов. Этнология. Тошкент. Янги нашр. 2014. –Б.323-324.

<sup>21</sup>Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат Илмий нашриёти. 2003.т.4. –Б.89.

умумий майдони қарийб, 4,5 млн км.кв. бўлиб, у ерда 510 млн.дан ортиқ аҳоли яшайди. Жануби-Шарқий Осиё қалай, вольфрам, хром, табиий каучук каби фойдали қазилмалар, шунингдек, нефть, газ, мис, кўрғошин, рух, темир, никел, боксит, олтин ва кумушнинг йирик захираларига эга. Шу билан бирга Жануби-Шарқий Осиёдаги денгиз ва бўғоз орқали Европа, Яқин Шарқ ва Африкани, Узоқ Шарқ ва АҚШ билан боғловчи, стратегик аҳамиятга эга бўлган халқаро денгиз йўллари ўтган. Бундан ташқари, Жанубий Осиё ва Яқин Шарққа олиб борувчи Америка учун муҳим бўлган денгиз ва ҳаво йўллари ҳам шу ердан ўтади<sup>22</sup>.

Бугунги кунда, Жануби-Шарқий Осиё халқаро муносабатларда ўзининг давлатлар ва халқларнинг тинчлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш сиёсатини олиб боришга интилаётган минтақадир. 1967 йилда Бангкокда ташкил этилган Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ҳамкорлиги (АСЕАН)нинг замонавий халқаро муносабатлардаги фаолияти ҳам бу ҳолни тасдиқлайди. Дастлаб, бу ташкилотга Индонезия, Малайзия, Сингапур, Тайланд, Филиппиннинг, кейинроқ эса минтақанинг қолган давлатлари аъзо бўлишган.

**Мьянма** 1989 йилга қадар Бирма деб аталган. Пойтахти-Нейпидо шаҳри. Худуди 678 500 км.кв. Мамлакат аҳолиси 55 167 330 киши<sup>23</sup> дан иборат (2015 йил маълумоти). 76 га яқин миллат ва элат: мьянма (бирмаликлар), карен, шан, чин, качин, мон, ҳиндлар, хитойлар, европаликлар (асосан, инглизлар) ва бошқа халқлар истиқомат қилади<sup>24</sup>. Расмий тили - мьянма тили. Аҳолининг 70% и буддавийлик динига эътиқод қилиб, мусулмон, ҳинду ва христиан жамоалари ҳам умргузаронлик қиладилар<sup>25</sup>.

Мьянма “олтин мамлакат” деб номланади. Бутун мамлакат йирик археологик қўриқхона ҳисобланиб, бунда қадимги цивилизация излари яхши

---

<sup>22</sup> Страны и народы. Зарубежная Азия. Юго –Восточная Азия. – Москва: Мысль, 1979.- с.10.

<sup>23</sup> Қаҳрамон Ражабов., Баҳодир Қандов. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари. Т.: “Ўзбекистон”.2015. 2-китоб (1795-1960). –Б.239.

<sup>24</sup> Государства Юго-Восточной Азии// Страны мира. Новейший энциклопедический справочник (Авт.-сост.Д.О.Хвостова).М.ОЛМА Медиа Групп.2007.-С.119.

<sup>25</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. Ўзбекистон давлат илмий нашриёти. 2003.–Б.121.

сақланган<sup>26</sup>. Мьянмадаги энг қадимги археологик ёдгорликлар қуйи палеолит даврига бориб тақалади. Неолит даврида мон-кхмерлар қабиласи яшаган. Ушбу ҳудудда милоддан аввалги иккинчи минг йилликда шимолдан тибет-бирма қабилалари келиб ўрнашган. Милодимиз бошларидан бу ерда Аракан, Шрикшетра, Раманадас каби шаҳар-давлатлар пайдо бўла бошлайди. VII-IX асрларда Иравади водийсига Хитойнинг шимоли-ғарби ва жануби-ғарбидан ҳозирги мьянмаликларнинг аجدодлари кўчиб келган. Мьянмалар IX-XII асрлардан бир бутун халқ сифатида ташкил топа бошладилар. XI-XIII асрларда Мьянма ҳудудидаги Паган давлатида будда дини қарор топади.

Мьянма 1948 йил 4 январьда ўз мустақиллигига эришади ва ҳар йили ўша санада миллий байрами ўтказилади. 1974 йилдаги Конституцияга асосан мамлакат унитар Республика ҳисобланади. Маъмурий жиҳатдан етти маъмурий вилоятга бўлинади. Йирик шаҳарлари: Янгон, Ман-далай, Моламьян. Давлат ва ҳукумат бошлиқлари – қонун ва интизомни тиклаш Давлат Кенгаши раиси ва бош вазир ҳисобланади. Мьянма 1948 йилдан БМТ аъзоси<sup>27</sup>.

Мьянма аграр давлат бўлиб, аҳолисининг учдан икки қисми қишлоқ хўжалиги билан банд. Бу ерда қадимдан шоли, шунингдек, буғдой, тарик, маккажўхори, кунжут, дуккакли экинлар ҳам етиштирилади. Айрим экинлардан йилига икки, уч мартагача ҳосил олинади. Аҳоли боғдорчилик, полизчилик, чорвачилик ва бошқа савдо-сотик ишлари билан ҳам шуғулланади. Мамлакат ҳудудининг олтмиш фоизи ўрмонлардан иборат бўлиб, у ерда қимматбаҳо дарахтлар, айникса, каучук дарахтлари кўплаб учрайди<sup>28</sup>.

Мамлакатнинг ташқи савдоси асосан Хитой, Таиланд, Сингапур, Ҳиндистон, Япония, Гонгконг, Малайзия ва Европа Иттифоқи мамлакатлари билан яхши йўлга қўйилган. Мьянма темир йўллари 3,1 минг, автомобиль

---

<sup>26</sup> Новейший энциклопедический справочник. Страны мыра. Москва. 2007. - С. 120.

<sup>27</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. "Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти. 2003. т. 6. - Б. 204.

<sup>28</sup> Мьянма – қадимги цивилизация ўчоқларидан бири // Тарихий хотира – маънавият асоси. IX республика илмий-назарий анжумани материаллари. Бухоро. 2016. – Б. 487.



йўллари 23,5 минг километрдан иборат. Дарё ва денгизларда кема қатновига ҳам эга. Четга чиқариладиган энг муҳим маҳсулотлар: гуруч, тахта-ёғочлар, рангли металллар. Четдан келтириладиган энг муҳим маҳсулотлар эса машиналар ва транспорт ускуналари, ип-газламалар ва калава ип, қоғоз<sup>29</sup>.

Мьянма адабиёти минг йиллардан буён ривожланиб келади. Қадимий палма ёдгорликлари, тошларга битилган шеърӣй ва насрий ёзувлар халқнинг адабий анъаналаридан дарак беради. Навадейжа, У Той, Жеймс Хла Жо, У Жи, У Лат каби адиблар Мьянма адабиётининг етук намояндalари ҳисобланади. “Ботатаун” (“Илғор”) мьянма тилида чиқадиган кундалик газета, 1958 йилда ташкил топган. “Гардиан” (“Посбон”) инглиз тилида, 1953 йилдан буён чоп этилади. “Дочаунда” (“Бизнинг талаба”) ёшларнинг ойлик журнали каби кўплаб нашрлар шулар жумласидандир. Мьянма ахборот агентлиги ҳукумат хизмати бўлиб, 1963 йилда ташкил топган. Театрларда азалдан диний маросим ва халқ байрамлари намойиш этилган. Мамлакат санъати ва маданиятида Хитой ва Ҳиндистон анъаналари таъсири кучли<sup>30</sup>.

Мьянма меъморӣй обидalари ўзига хос услубга эга. Уларнинг энг қадимийлари ўрта асрларга бориб тақалади. Ёдгорликлар маҳобатли бўлиб, мураккаб жимжимадор безакларга бой, серҳашам кўринишда. Ибодатхоналар ёнида қадимий китоблар сақланадиган кутубхоналар бўлган. Булардан энг машҳури Питакаттейкдир. Кейинги даврларда қурилган бинолар ўрта асрда қурилганларидан унчалик фарқ қилмайди. Мьянма халқи ўзининг амалий санъати – ўймакорлик ва каштачилиги билан ҳам машҳурдир. Мусиқаси театр ва рақслар билан боғлиқ. Унинг манбаи қадимий диний маросимларга бориб тақалади. Буддавийликдан анча олдин (IX аср) чолғу мусиқа шаклланган. Паган давлати (XI-XIII асрлар) даврида юксак ривожни диний пагода (қаср) деворларидаги суратларда раққослар билан машшоқлар ифодасида тасвирланган. Хитой йилномаларида эса қўшиқ ва рақслар билан мусиқа асбобларининг тасвири ва тавсифи берилган.

---

<sup>29</sup> Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари. Қисқача сиёсий иқтисодий справочник (А.Ф.Маловнинг умумий таҳрири остида). Т. “Ўзбекистон”.1967. –Б.111.

<sup>30</sup> Дилноза Абдуллаева. Мьянма. Жуғрофий саёҳат. // Хуррият. 2015 йил, 2 декабрь.-Б.5.

**Бруней** – Жануби-Шарқий Осиёдаги давлат. Калимантан оролининг шимолида жойлашган. Майдони 5,8 минг км кв, аҳолиси 401 890 киши. Пойтахти —Бандар Сери Бегаван шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 4 округга бўлинади. Давлат тузуми — конституцияли монархия (султонлик)<sup>31</sup>. Ҳамдўстлик таркибига киради. Амалдаги конституция 1959 йил 29 сентябрда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — султон. Мамлакатдаги қонун чиқарувчи ҳокимият тўла тўқис унинг қўлида. Султон Бруней мусулмонларининг диний бошлиғи ҳам ҳисобланади. Султон ҳузурида бир неча маслаҳат органлари бор. 1962 йилдан буён амал қилаётган фавқулодда ҳолат сабабли мамлакатни бошқариш фақат султон декретларига мувофиқ амалга оширилади. Ижроия ҳокимият ҳам султонга ва ҳукуматга қарашли. Султон айна вақтда бош вазир ҳамдир<sup>32</sup>.

Ҳудудининг 75% дан кўпроғи доимий яшил тропик ўрмонлар б-н қопланган, хилмахил дарахтлар ўсади. Ҳудудининг 20% ботқоқлик ва бутазорлардан иборат. Дарёлари: Тембурон, Белайт, Тутонг ва Бруней. Аҳолиси асосан малайялар (66,5%), шунингдек индонез тилларида сўзлашувчи кедаян, дусун, меланав, ибан каби маҳаллий гуруҳлардан, хитойлар, ҳиндлардан иборат. Бир неча минг инглиз ҳам яшайди. Аҳолининг ярмидан кўпроғи — мусулмонлар. Шаҳарларда аҳолининг 90% яшайди. Расмий тили — малайя ва инглиз тили.

Бруней XIV асрда, чамаси, ҳозирги Индонезияда ҳукм сурган Мажапахит империясига тобе бўлган. XV асрда Бруней ҳукмдори Алакбер Тата исмли шахс Муҳаммад номини олиб, Брунейнинг биринчи султони бўлди. XVI асрнинг 1-ярмида султонлик ғоят раванқ топди, Калимантаннынг бутун шимоли соҳили ва бир қанча қўшни ороллари буйсундирди. 1580 йилда Брунейни испан мустамлакачилари босиб олди. 1941—1945 йилларда Бруней Япония томонидан босиб олинди. 1948—1959 йилларда уни инглиз губернатори идора қилди. 1984 йил 1 январда Бруней мустақилликка эришди.

<sup>31</sup>Государства Юго-Восточной Азии// Страны мира. Новейший энциклопедический справочник (Авт.-сост.Д.О.Хвостова).М.ОЛМА Медиа Групп.2007.-С.117.

<sup>32</sup>Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.Т.“Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2001. т.2.-Б.223.

Бруней 1984 йилда БМТга аъзо бўлиб кирган. Мамлакат 1984 йилдан бошлаб 23 феврални миллий байрам сифатида нишонлаб келади.

**Вьетнам Социалистик Республикаси** - Жануби-Шарқий Осиёда, Ҳиндихитой ярим оролидаги давлат бўлиб, умумий майдони 331 минг 210 км.кв.ни ташкил этади. Аҳолиси 92 477 857 киши (2015 йил маълумоти)<sup>33</sup>. Мамлакат маъмурий жиҳатдан 63 вилоят (тинь) ва марказга бўйсунувчи 4 шаҳар - Ханой, Хошимин (собик Сайгон) Хайфон ва Хюэга бўлинади. Давлатнинг расмий тили - Вьетнам тилидир <sup>34</sup>. Аҳолининг 20,1 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади. Диндорларнинг - 55 фоизи, буддавийлар, 7 фоизи католиклар бўлиб, ислом динига эътиқод қилувчилар ҳам бор. Йирик шаҳарлари: Ханой, Хошимин, Дананг, Хайфон, Намдинь. Пойтахти - Ханой шаҳри бўлиб, йирик мегаполис мақомига эга бўлган<sup>35</sup>. Шаҳарда 3 млн.га яқин аҳоли истиқомат қилади. Ханой Хонгха дарёси бўйидаги йирик порт шаҳар бўлиши билан бирга мамлакатнинг энг йирик иқтисодий ва маданий марказлардан биридир. 1918 йилда Ханой университетига асос солинган<sup>36</sup>. Амалдаги конституцияси 1980 йил 19 декабрда қабул қилинган (кейинчалик ўзгартиш ва тузатишлар киритилган). Давлат Миллат мажлиси томонидан 5 йил муддатга сайланадиган президент томонидан бошқарилади. Вьетнам 1977 йилдан БМТ аъзоси.

**Индонезия Республикаси** - Жануби-Шарқий Осиёдаги давлат. Дунёдаги энг катта Малай архипелагининг 17,5 минг ороли ва Янги Гвинея (Ғарбий Ириан) оролининг ғарбий қисмида жойлашган. Майдони 1904,6 минг км кв. Аҳолиси 228,4 млн. киши (2001). Пойтахти - Жакарта шаҳри<sup>37</sup>. Маъмурий жиҳатдан 26 вилоят (province)га бўлинади. Шунингдек,

---

<sup>33</sup> Қахрамон Ражабов., Баходир Қандов. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари. Т.: “Ўзбекистон”.2015. 2-китоб (1795-1960). –Б.219.

<sup>34</sup> Государства Юго-Восточной Азии// Страны мира. Новейший энциклопедический справочник (Авт.-сост.Д.О.Хвостова).М.ОЛМА Медиа Групп.2007.-С.117.

<sup>35</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2001.т.2. –Б.511-515.

<sup>36</sup> Аширов А. Этнология. Т., “Янги нашр”.2014. –Б.330.

<sup>37</sup> Жаҳон мамлакатлари: Қисқача маълумотнома (масъул муҳаррир А.Ҳазратқулов).Т.: “Шарқ”.2006.-Б.116-118.

Индонезия 7 та минтақа, 34 та музофотга бўлинади<sup>38</sup>. Давлат унитар республика. Амалдаги конституцияси 1945 йилда 18 августда қабул қилинган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи - 5 йил муддатга сайланадиган президент (2001 й. июлдан Мегавати Сукарнопутри хоним). Давлат ҳокимиятининг олий органи - Халқ маслаҳат конгресси. У конституцияни тасдиқлайди, унга ўзгаришлар киритади.

Энг йирик дарёлари: Капуас, Барито, Хари, Кампар, Муси, Мамберамо, Дигуль. Индонезияда 150 га яқин элат ва этник гуруҳ яшайди. Мамлакат аҳолисининг 96% тили, маданияти ва урф-одатига кўра малайяполинезия тил оиласининг индонез гуруҳига мансуб<sup>39</sup>. Булардан энг йириклари: яваликлар, сундлар, мадуралар, малайялар, жакарталиклар, ачелар, батаклар, даяклар ва бошқалар. Булардан ташқари, Индонезияда меланезлар, папуаслар, хитойлар, араблар, голландлар, ҳиндлар ва бошқа халқлар яшайди<sup>40</sup>. Давлат тили - индонез тили. Асосий дин - ислом дини. Аҳолининг 80% мусулмонлар, 10% христианлар, қолган қисми ҳин-дуилик, буддавийлик, конфуцийлик ва маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади. Аҳолисининг 2/3 қисми мамлакат ҳудудининг 7% ини ташкил этган Ява оролида истиқомат қилади. Аҳолининг 70% қишлоқларда яшайди. Йирик шаҳарлари: Жакарта, Сурабайя, Бандунг, Семаранг, Медандир<sup>41</sup>.

Мамлакат 1811 йилда инглизлар томонидан босиб олинган. Бирок, 1814 йилдаги Англия-Нидерландия битимига кўра, давлат яна Нидерландия кўлига ўтди. 1942-1945 йилларда Индонезияни Япония босиб олди. Япония II-жаҳон урушида мағлубиятга учрагач, мамлакат мустақил Индонезия республикаси деб эълон қилинди. 1949 йилда давлат 16 ҳудудга бўлиб ташланди ва “Индонезия Кўшма Штатлари” номи билан юритила бошлади.

<sup>38</sup> Қаҳрамон Ражабов., Баҳодир Қандов. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари. Т.: “Ўзбекистон”.2015. 2-китоб (1795-1960). –Б.218.

<sup>39</sup> Юго-Восточная Азия. // Большой иллюстрированный справочник. Страны и континенты.М., «Махаон», 2005.-С.328-333.

<sup>40</sup> Государства Юго-Восточной Азии// Страны мира. Новейший энциклопедический справочник (Авт.-сост.Д.О.Хвостова).М.ОЛМА Медиа Групп.2007.-С.117.

<sup>41</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2002.т.4. –Б.155.

Мамлакат 1950 йилда БМТга аъзо бўлиб кирган. Миллий байрами 17 август. 1945 йилда мустақиллиги тўлиқ эълон қилинган.

**Камбоджа Қироллиги** - Жануби-Шарқий Осиёда, Ҳиндихитой яриморилининг жанубий қисмида жойлашган давлат. Майдони 181 040 км кв. Аҳолиси 15 205 539 киши<sup>42</sup> (2005 йил маълумоти). Пойтахти - Пномпень шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 20 вилоят (кхет)га ва марказ қармоғидаги 2 шаҳарга бўлинади. Конституцияли монархия давлатнинг амалдаги конституцияси 1993 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи - қирол. Қонун чиқарувчи ҳокимият - икки палатали парламент (Миллий ассамблея ва Сенат)дан иборат. Ижроия ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади<sup>43</sup>.

Аҳолисининг 80% кхмерлар, асосан, Камбоджанинг марказий пасттекислик қисмида яшайди. Шаҳарларда, Меконг дарёси водийси ва Тонлесап атрофида вьетнамлар, хитойлар, шунингдек, чамлар, малайялар, тоғлик кхмерлар, французлар (шаҳарларда) ва бошқа халқлар истиқомат қилади. Расмий тили — кхмер тили. Француз тилида ҳам сўзлашишади. Кхмерларнинг кўпчилиги буддавийликка, хитойлар — конфуцийликка эътиқод қилади, французлар билан вьетнамларнинг бир қисми католик мазҳабида. Аҳолининг 12% дан кўпроғи шаҳарларда. Йирик шаҳарлари: Пномпень, Баттамбанг, Сиануквиль<sup>44</sup>.

XIX аср ўрталарида Франция Камбоджага бостириб кириб, 1863 йил уни протекторат ҳақида шартнома тузишга мажбур этди. 1940 йилда Камбоджани Япония босиб олди. 1946 йил сайланган Маслаҳат мажлиси мамлакат тарихида биринчи конституцияни тасдиқлади. (1953 й. 9 нояб.). Бу сана миллий байрам — Камбоджа мустақиллиги куни деб эълон қилинди. 1955 йил 25 сентябрда давлат конституциясига тузатиш киритилди, 1993 йилда янги конституция қабул қилинди, 1953 йилдан буён 9 ноябр - Мустақиллик куни миллий байрам сифатида нишонлаб келинади.

<sup>42</sup> Қаҳрамон Ражабов., Баҳодир Қандов. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари. Т.: “Ўзбекистон”.2015. 2-китоб (1795-1960). –Б.255.

<sup>43</sup> Государства Юго-Восточной Азии// Страны мира. Новейший энциклопедический справочник (Авт.-сост.Д.О.Хвостова).М.ОЛМА Медиа Групп.2007.-С.118.

<sup>44</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2002.т.4. –Б.411.

**Лаос Халқ Демократик Республикаси** Жануби-Шарқий Осиёда, Ҳиндхитой ярим оролининг марказий қисмида жойлашган давлат. Майдони 236,8 минг км кв. Аҳолиси 6,5 млн. киши<sup>45</sup> (2015 йил маълумоти). Пойтахти Вьентьян шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 13 кхуэнг (вилоят)га бўлинади<sup>46</sup>.

Амалдаги конституцияси 1991 йил 14 августда қабул қилинган. Давлат бошлиғи - президент (1998 йилдан Кхам- тай Сипхандон), у Миллат мажлиси томонидан 5 йил муддатга сайланади, бош вазир, вазирлар ва бошқа мансабдор шахсларни тайинлаш ҳуқуқига эга. Қонун чиқарувчи ҳокимият Миллат мажлиси (бир палатали парламент) бўлиб, у аҳоли томонидан умумий тўғри овоз бериш йўли билан 5 йил муддатга сайланади. Ижроия ҳокимият - бош вазир бошчилигидаги ҳукумат.

Асосий аҳолиси лао (70%); шунингдек кхму, мео, яо ва бошқа халқлар-хитойлар, вьетнамлар, ҳиндлар ва бошқалар яшайди. Расмий тил - лао (лаос) тили. Аҳолисининг кўпчилиги буддавийликка, қолганлари анъанавий маҳаллий динларга эътиқод қилади. Аҳолисининг 19% шаҳарларда яшайди. Йирик шаҳарлари: Вьентьян, Саваннакхет, Луанг-прабанг, Паксе, Тхакхек. Иккинчи жаҳон уруши даврида мамлакатни Япония босиб олди. 1955 йил декабрда Лаос БМТга аъзо бўлди. 1975 йил 2 декабрда республика деб эълон қилинган боис миллий байрам сифатида нишонланиб келинади<sup>47</sup>.

**Малайзия** бундан 40 йил илгари бир неча қиролликлар иттифоқи сифатида пайдо бўлган. Ушбу иттифоқ орасидан мамлакат қироли ҳар беш йил муддатга сайланади. Мазкур мамлакатда маҳаллий қабила – “орангасли” (“илк одамлар” деганидир) деб аталади<sup>48</sup>. Ушбу ҳудудни Жанубий Ҳитой денгизи икки регионга ажратади. Бу ҳудудлар бир-биридан 650 км узоқликда жойлашган. Ғарбий Малайзия мамлакат ҳудудининг 40%ини, жанубий қисмида эса Малакка ярим ороли (Сингапурдан ташқари), Шарқий

<sup>45</sup> Қаҳрамон Ражабов., Баҳодир Қандов. Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари.Т.: “Ўзбекистон”.2015. 2-китоб (1795-1960). –Б.247.

<sup>46</sup> Государства Юго-Восточной Азии// Страны мира. Новейший энциклопедический справочник (Авт.-сост.Д.О.Хвостова).М.ОЛМА Медиа Групп.2007.-С.119.

<sup>47</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2003. т.5.–Б.224-226.

<sup>48</sup> Новейший Энциклопедический Справочник. Страны Мира. Москва, ОЛМА Медиа Групп. 2007. –С.119.

Малайзияни (Собах ва Саравак штатлари) ҳамда шимолий-шарқий ҳудудни Калимантан ороли ташкил этади<sup>49</sup>.

XV-асрда ярим орол ҳудуди Малакка султонлиги томонидан бирлаштирилган. 1511 йилда ушбу султонлик Португалия қўл остига тушади. XVIII – аср охири XX аср бошларида инглизлар Ғарбий Малайзияни босиб оладилар. II-жаҳон уруши даврида мамлакат япон босқини остига тушади. 1945 йилда Малайзияга инглизлар мустамлакачи ҳукумати қайтади. 1963 йилда Малайзия Федерацияси ташкил топади. 1965 йилда эса унинг таркибидан Сингапур ажралиб чиқади<sup>50</sup>.

Малайзияда аҳоли 30 минг йилдан буён яшаб келмоқда ва бугунги кунда ҳам мамлакат аҳолиси ўзига хос турли этник гуруҳлар ва маданиятлар қоришмасидан иборат. Малакка ярим оролининг туб аҳолиси – семанг, сенои, жакунлар 60 минг кишидан ортиқ. Шарқий Малайзиянинг энг йирик этник гуруҳлари ибанлар ва каданлар ҳисобланади. Калимантан ороли шимолий соҳилларида аҳолининг йирик қоришуви кўзга ташланади. Бу ерда асосан, малайяликлар, мамлакатнинг туб аҳолиси оролнинг ички қисмида яшайди. Малайяликлар мамлакат аҳолисининг 48%ини, хитойликлар 34 %ини, Ҳиндистондан келиб чиққанлар 8%ни ташкил этади. Бундан ташқари, Малайзияда 1 млн.га яқин Филиппин ва Индонезиянинг иммигрантлари истиқомат қилади<sup>51</sup>.

**Сингапур** - Жануби-Шарқий Осиёдаги тараққий топган мамлакат. Давлат номи “Шерлар шаҳри” маъносини англатади. Шунингдек, “Боғ-шаҳар” сифатида ҳам донг таратган. Ҳар томонда кўркам дарахтлар ва анвойи гуллар кўзни қувонтиради. Шу тариқа, аҳоли ниҳоятда зич яшаса-да, ҳавоси рутубатли бўлса-да, бу мамлакат озодаликни сақлаш муаммосини бир неча йиллар олдин батамом ҳал этган<sup>52</sup>.

<sup>49</sup> Государства Юго-Восточной Азии// Страны мира. Новейший энциклопедический справочник (Авт.-сост.Д.О.Хвостова).М.ОЛМА Медиа Групп.2007.-С.119.

<sup>50</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2003.т.5.-Б.416-417.

<sup>51</sup> Большой Иллюстрированный Справочник. Страны и континенты. Москва. «Махаон».2005.-С.326.

<sup>52</sup>Ўзбекистон ва Сингапур: илғор тараққиёт йўлида. // Бухоро давлат университети Илмий ахбороти (илмий журнал). 2017 йил 1-сон. –Б.138.

Бундан ташқари, мазкур Республика инглизчада Republic of Singapore, малайяча Repablic Singapura деб номланади. 1963-1965 йилларда Сингапур Малайзия Федерацияси таркибида бўлган<sup>53</sup>. Ушбу давлат 1965 йил 9 августда ўз мустақиллигига эришган. 1965 йил сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган. Мамлакатнинг умумий майдони 692,7 кв.км бўлиб, аҳолиси 4,5 миллионни ташкил этади. Аҳолининг кўпчилигини хитойликлар (76%) ташкил этади. Шунингдек, малайялар (14%), Ҳиндистон, Бангладеш, Покистон, Шри Ланкадан келганлар (7%), европаликлар ва бошқа этнослар яшайди<sup>54</sup>. Давлат пойтахти Сингапур ҳисобланиб, аҳоли инглиз, малайя, хитой, тамил тилларида сўзлашади. Аҳоли буддавийлик, конфуцийлик, ислом, ҳиндуийлик, таоизм динларига эътиқод қилади. Давлат тузуми парламентар республика бўлиб, бир палатали парламент қонун чиқарувчи орган ҳисобланади. Энг асосий шаҳар-давлатлари Пулау – Убин, Пулау-Теконг, Сентоза каби ороллар ҳамда 60 дан ортиқ катта-кичик ороллардан ташкил топган<sup>55</sup>.

Амалдаги конституцияси 1963 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи - президент, у умумий тўғри овоз бериш йўли билан аҳоли томонидан 6 йил муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни парламент, ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади<sup>56</sup>.

Тарихан қисқа даврда – 30 йилда Сингапур ўз халқининг тафаккури, иродаси, ғайрат-шижоати туфайли юксак даражада ривожланган мустақил мамлакатга айланди. Бугун у юқори технологиялар борасида дунёда етакчилардан бири, Осиё-Тинч океани минтақасининг илмий марказларидан. Сингапур бандаргоҳлари дунёнинг 600 йирик бандаргоҳи билан алоқа

---

<sup>53</sup>Государства Юго-Восточной Азии // Страны мира. Новейший энциклопедический справочник (Авт.-сост.Д.О.Хвостова).М.ОЛМА Медиа Групп.2007.-С.120.

<sup>54</sup>Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2004.т.7. –Б.626.

<sup>55</sup> Новейший энциклопедический справочник Страны Мира.М.ОЛМА. Медиа Групп.2007. –С.128.

<sup>56</sup> Курбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Сингапур – Ўзбекистоннинг Жанубий-Шарқий Осиёдаги ишончли ҳамкори. // “Тарих тилга кирганда...” (Илмий мақолалар тўплами). Даврий тўплам №8. “Наманган”. 2016.- Б.325.



ўрнатган. Жануби-Шарқий Осиёдаги кичик оролларда жойлашган бу давлат дунёдаги энг бадавлат мамлакатлардан бири ҳисобланади. Ушбу мамлакат, аввало, транспорт ва коммуникация соҳасида катта тараққиётга эришган. Савдо, банк-молия ва хизмат кўрсатиш соҳаларида жуда катта салоҳиятга эга. Юксак технологиялар, замонавий ахборот-телекоммуникация технологиялари борасида дунёнинг етакчи давлатлари қаторида туради.

“Сингапур мўъжизаси” сирини ўрганмоқчи бўлиб, бу мамлакатга келган киши аввало саришталик ва озодалиқдан ҳайратга тушади. Қатъий интизом сингапурликларнинг қон-қонига сингиб кетган. Чунки ҳукумат мустақилликнинг дастлабки давридан озодалиқка алоҳида эътибор қаратади: қоидабузарлар учун катта жарималар жорий қилинди. Дейлик, жамоат жойида чекканларга 1000 Сингапур доллари (тахминан 760 АҚШ долларига тенг) миқдорида жарима солинади.

“Сингапур мўъжизаси”нинг эътиборли жиҳати шундаки, у тарихан қисқа давр ичида қашшоқ мамлакатдан дунёдаги энг тараққий этган ва барқарор ривожланаётган давлатлар даражасига кўтарилди. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов Сингапурнинг юқори ютуқларга ниманинг ҳисобидан эришаётганини шундай таҳлил қилган эди: “Биринчидан, Сингапур ўз мамлакатининг бошиданоқ ривожланишининг тўғри йўлини танлаб олган, чуқур ўйланган дастур ишлаб чиққан. Бу прагматик модель ҳаётнинг барча жабҳаларини тўла қамраб олишига ва амалда кенг, қатъий татбиқ этилишига жиддий эътибор қаратилди. Иккинчидан, Сингапур ўз тараққиёти учун қулай ва зарур бўлган барқарор ижтимоий-сиёсий муҳитни таъминлай олди. Учинчидан, ҳар томонлама кучли ижтимоий сиёсатни давлат сиёсатининг устувор масаласи деб қарагани ҳам унинг ана шундай юксак натижаларга эришишида муҳим аҳамият касб этди”<sup>57</sup>.

Мамлакатда ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ таълим-тарбияга катта эътибор қаратилди. Ақлий салоҳиятни юзага чиқариш, ижодкорлик, меҳнатсеварлик ғояларини тарғиб қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ўзини

---

<sup>57</sup> Президент Сингапурга жўнаб кетди. // Ўзбекистон овози. 2007 йил, 25 январь. 11 (27.656)-сон.1-бет.

оқлади. Қумлику ботқоқликлардан иборат, табиий захиралари йўқ, ҳатто ичимлик сувини ҳам қўшни ўлкалардан келтирадиган Сингапур Жануби-Шарқий Осиёнинг энг ривожланган мамлакатига айланди<sup>58</sup>.

**Таиланд қироллиги** - Жануби-Шарқий Осиёда, Ҳиндихитой ярим оролининг марказий қисми ва Малакка ярим оролининг шимолий қисмида жойлашган давлат<sup>59</sup>.

Таиланд ҳудудида одамзод палеолит давридан буён яшайди. Милодий I-II асрларда монларнинг дастлабки давлати вужудга келган. XIII асрда шимолдан келган тай қабилалари монлар билан қўшилиб кетган. Биринчи йирик таи давлати 1238 йилда Суко-таи томонидан ташкил этилган. 1350 йилда асос солинган Аютия (Сиём) қироллиги бу давлатнинг ўрнини эгаллаган. XVI ва XVIII асрларда Сиём Бирма билан уруш олиб борган ва бироз вақт унга тобе бўлиб қолган. Озодлик курашига XVI асрда Наресуан, XVIII асрда Таксин бошчилик қилган. XIX аср ўрталарида Сиём Буюк Британия, Франция, АҚШ билан тенг ҳуқуқли бўлмаган битимлар тузган. XIX аср охири XX аср бошларида ер ислоҳоти ва бошқа бир қатор ислоҳотлар ўтказган. 1932 йилги давлат тўнтариши натижасида конституцияли монархия эълон қилинган. 1939 йилдан мамлакат Таиланд деб юритила бошланди<sup>60</sup>. 1940 йилда Таиланд билан Япония ўртасида дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. 1942 йил январь ойида Таиланд АҚШ ва Буюк Британияга уруш эълон қилди. 1943 йилга келиб мамлакат амалда Япония томонидан оккупация қилинди. Таиландда озодлик кураши кучайди. Шундан сўнг “Озод Тай” оммавий яширин ҳаракати ташкил топди. 1945 йил 19 августда Таиланд Японияга қарши урушаётган коалиция давлатларига сулҳ таклиф этди. Урушдан кейинги йилларда мамлакатда бир неча марта ҳарбий тўнтариш бўлиб, нотинчлик ҳукм сурди, ҳукуматлар

<sup>58</sup>Ўзбекистон ва Сингапур: илғор тараққиёт йўлида. // Бухоро давлат университети Илмий ахбороти (илмий журнал). 2017 йил 1-сон. –Б.139.

<sup>59</sup> Государства Юго-Восточной Азии// Страны мира. Новейший энциклопедический справочник (Авт.-сост.Д.О.Хвостова).М.ОЛМА Медиа Групп.2007.-С.121.

<sup>60</sup> Ўзбекистон – Таиланднинг Ўрта Осиёдаги яқин ҳамкори. // XI Международная научная конференция “Актуальные научные исследования в современном мире”. г.Переслав-Хмельницкий.Украина. 26-27 марта 2016 г. –С.39.

алмашилиб туради. 1991 йилги ҳарбий тўнтариш (1932 йилдан буён 17 тўнтариш)дан сўнг Жамоат тартибини сақлаш миллий кенгаши ҳокимият тепасига чиқади<sup>61</sup>.

Бугунги кунда Таиланд давлатининг майдони 514 минг км<sup>2</sup>ни ташкил этади. 2002 йил маълумотига кўра мамлакат аҳолиси 62,4 млн. кишидан иборат. Пойтахти — Бангкок шаҳри бўлиб, маъмурий жиҳатдан мамлакат 73 вилоятга бўлинади. Давлатнинг амалдаги конституцияси 1997 йил 27 сентябрда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — қирол (1946 йилдан Пумипон Адульдет). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий ассамблея (2 палатали парламент), ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Аҳолисининг 3/4 қисмини тай гуруҳига мансуб халқлар (сиём, чжуан, шай, тай, буи), 1/5 қисмини эса лаолар ташкил этади. Мамлакат жанубида малайялар, ғарби ва жануби-ғарбида каренлар, монлар, жануби-шарқда кхмерлар яшайди<sup>62</sup>. Расмий тили тай тилидир. Расмий дини буддавийлик бўлиб, аҳолисининг 94 фоизи ушбу динга этиқод қилади<sup>63</sup>. Бундан ташқари малайялар исломга, хитойлар будда ва даосизмга эътиқод қилдилар. Мамлакатда католик ва протестантлар ҳам бор. Шаҳар аҳолиси 18,3%ни ташкил этади. Йирик шаҳарлари Бангкок, Чиангмай, Чонбуридир.

Таиланд 1946 йилдан Бирлашган Миллат Ташкилоти (БМТ) аъзоси.

**Филиппин Республикаси** — Жануби-Шарқий Осиёдаги давлат, Тинч океандаги Филиппин архипелагида жойлашган. Майдони 300 минг км кв. Аҳолиси 84,526 млн. киши (2002). Пойтахти — Манила шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 74 вилоят (province)га бўлинади<sup>64</sup>.

Республиканинг амалдаги конституцияси 1987 йилда маъқулланган. Давлат бошлиғи — президент (2001 й.дан Глория Макапагал Арройо хоним), у тўғри умумий овоз бериш йўли билан 6 йил муддатга сайланади, икки

<sup>61</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2004.т.8. –Б.227-230.

<sup>62</sup> Большой Иллюстрированный справочник. Страны и континенты, М., «Махаон», 2005. – С.313.

<sup>63</sup> Жабборов И. Жаҳон этнологияси асослари.Т., “Ўқитувчи”, 2008.-Б.184.

<sup>64</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2004.

муддатга қайта сайланиши мумкин эмас. Президент ҳукумат бошлиғи ҳам ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Филиппин Конгресси (икки палатали парламент — сенат ва вакиллар палатаси), ижрочи ҳокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади. Филиппин архипелаги 7107 оролдан иборат, шундан 800 тасида одам яшайди<sup>65</sup>. Йириклари: Лусон, Минданао, Самар, Негрос, Палаван, Миндоро, Себу, Лейте. Қушларнинг 750 дан ортиқ тури яшайди.

Филиппинда ўзаро яқин тил ва шеваларда сўзлашувчи 90 дан зиёд элат ва қабилалар яшайди. Уларнинг йириклари: бисайя, тагал, илок, бикол, пампанган, пангасинан ва бошқалар. Бундан ташқари, хитой, осиелик, европалик ва америкаликлар ҳам бор. Шаҳар аҳолиси 56%. Расмий тиллар — тагал ва инглиз тиллари<sup>66</sup>. Диндорлари христиан, ислом динларига эътиқод қиладилар. Йирик шаҳарлари: Манила, Кесон Сити, Себу, Давао<sup>67</sup>. 1898 йил 12 июнда мамлакат икки марта мустақил деб эълон қилинди. 1899 — 1901 йиллардаги Америка — Филиппин уруши натижасида АҚШ Филиппинни босиб олди. 1934 йилда мамлакат мухториятга эга бўлди. II-жаҳон уруши йилларида мамлакат ҳудудини Япония оккупация қилди. 1946 йил 4 июлда Филиппин мустақил республика деб эълон қилинди. Филиппин 1945 йилдан БМТ аъзоси. 1898 йилдан буён 12 июн — Мустақиллик куни санаси миллий байрам сифатида нишонланиб келинади.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг ҳар бири ўзига маданият ва бой тарихга эгадир. Улар ўз бошидан тарихий тараққиёт босқичларини кечирган. Ҳозирда улкан потенциалга эга мамлакатлар сифатида тараққий этиб, “Осиё йўлбарслари” номи билан довруғ солмоқда.

---

<sup>65</sup> Жаҳон мамлакатлари: Қисқача маълумотнома (масъул муҳаррир А.Ҳазраткулов).Т.: “Шарқ”.2006.-Б.322-324.

<sup>66</sup> Юго-Восточная Азия. // Большой иллюстрированный справочник. Страны и континенты.М., «Махаон»,2005.-С.335-336.

<sup>67</sup> Государства Юго-Восточной Азии // Страны мира. Новейший энциклопедический справочник (Авт.-сост.Д.О.Хвостова).М.ОЛМА Медиа Групп.2007.-С.121.

## 1.2. Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ўзаро муносабатида АСЕАН ташкилотининг ўрни

Жаҳон ҳамжамиятида фаол иштирок этиш ва Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама сиёсат юритиш – давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир. Бунинг учун энг муҳим шарт-шароит – Ўзбекистонни дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакати тан олганлиги бўлиб, булардан 60 таси билан бизнинг мамлакатимиз дипломатик алоқалар ўрнатган. Эндиликда Ўзбекистон жаҳон сиёсат майдонидан муносиб ўрин эгалламоқда<sup>68</sup>.

Мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистонни халқаро ҳуқук субъекти сифатида белгилайдиган, республиканинг ташқи сиёсий, иқтисодий алоқаларини тартибга солувчи қатор қонунлар қабул қилинди. Уларнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил қилади. Ундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида” (1996 йил), “Чет эл инвесторлари тўғрисида” (1998 йил), “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида” (1995 йил), “Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилишнинг чора-тадбирлари тўғрисида” (2000 йил)ги ҳуқуқий ҳужжатларда устувор йўналишлари, стратегияси, тамойиллари белгилаб берилди<sup>69</sup>.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб халқаро муносабатларнинг замонавий тизимини шакллантириш жараёнининг фаол иштирокчисига айланди. Бунда мамлакат раҳбарияти жаҳонда рўй бераётган туб ўзгаришларни баҳолаган ҳолда ва мамлакатнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг давлатлараро ва минтақалараро муносабатлар ва ҳамкорликда кенг миқёсда иштирок этиши масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. “Бутун дунё яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда –

---

<sup>68</sup> Тараққиёт ва ҳамкорлик йилларида. Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатияси. Тошкент. Ўзбекистон. 1993.-Б.3.

<sup>69</sup> Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Т.: Академия, 2005. –Б.13.

деб таъкидларди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов. замонавий халқаро муносабатлар тизимига баҳо берар экан, - “Бу ҳол ҳозирги халқаро муносабатларни шакллантирганда, халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқаларда ва уларнинг фаолиятида иштирок этганда мутлақо янгича ёндошувларни ишлаб чиқишни зарур қилиб қўймоқда”<sup>70</sup>.

“Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида, хусусан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорликнинг асосий тамойилларини белгилашда буюк давлат қуриш йўлида бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишнинг ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтган буюк сиёсий давлат арбоби, соҳибқирон Амир Темурнинг тажрибаларига таянади”<sup>71</sup> деб таъкидлаганди Биринчи Президентимиз И.А. Каримов.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари тараққиёти ва ютуқлари ўзига хосликларни инобатга олган Ўзбекистон раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ улар билан ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантиришга алоҳида эътиборни қаратди. “Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида барча яқин ва узоқ қўшнилар билан ... ҳам ўзаро манфаатли, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик алоқаларини олиб боришнинг доимо тарафдори ва бу йўлдан биз ҳеч қачон қайтмаймиз”<sup>72</sup> жумладан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН - инг. Association of South East Asian Nations) ва мамлакатлари тажрибаси ҳам<sup>73</sup> жуда муҳим эканлигини таъкидларди Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов.

Юқори мустаҳкам ҳуқуқий асослар туфайли Жануби-Шарқий Осиёга нигоҳ ташлаган ҳолда ушбу минтақа билан Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолиятида ўзининг муносиб баҳосини топмоқда. Айни пайтда Республикамиз Жануби-Шарқий Осиёга нигоҳ ташлаган ҳолда ушбу минтақа

<sup>70</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва кафолатлари. – Т., Ўзбекистон, 1997-289 б.

<sup>71</sup> Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз// Янгича фикрлаш ва ишлаш даври талаби. 5 жилд.-Т: Ўзбекистон., 1997.- Б.186.

<sup>72</sup> Каримов И.А. Асосий максадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини катъият билан давом эттиришдир. - Т: Ўзбекистон., 2007. - Б.11.

<sup>73</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва кафолатлари. – Т., Ўзбекистон, 1997- Б.320.

билан кўп томонлама ва икки томонлама асосларда кенг миқёсда ҳамкорлик ўрнатишга катта қизиқиш билан қарамокда. Чунки, Жануби-Шарқий Осиёдаги денгиз ва бўғоз орқали Европа, Яқин Шарқ ва Африкани, Узоқ Шарқ ва АҚШ билан боғловчи, стратегик аҳамиятга эга бўлган халқаро денгиз йўллари ўтган. Бундан ташқари, Жанубий Осиё ва Яқин Шарққа олиб борувчи Америка учун муҳим бўлган денгиз ва ҳаво йўллари ҳам шу ердан ўтади<sup>74</sup>.

Бугунги кунда, Жануби-Шарқий Осиё халқаро муносабатларда ўзининг давлатлар ва халқларнинг тинчлиги ҳамда хавфсизлигини таъминлаш сиёсатини олиб боришга интилаётган минтақадир. Минтақа тараққиётида ҳамда дунё давлатлари қатори Ўзбекистон дипломатиясида муҳим омил бу Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси (АСЕАН)дир. АСЕАН (инг. Association of South East Asian Nations) 1967 йилда Бангкокда ташкил этилган. Дастлаб, бу ташкилотга Индонезия, Малайзия, Сингапур, Тайланд, Филиппиннинг, кейинроқ эса минтақанинг қолган давлатлари аъзо бўлишган.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ташкилотига асос солиш ташаббуси 1958 - йилнинг феврал ойида Малайзия бош вазири Абдул Рахман томонидан унинг Коломбо (Шри Ланка)га қилган ташрифи чоғида билдирилди. Абдул Рахман "минтақада бирликка эришиш" мақсадида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг йиғилишини ўтказиш ташаббусини билдирди. У ўз ғоясини қуйидагича баён этди: "Биз табиий ресурсларга боймиз, адолат принциплари, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва мустақиллигини қадрлаймиз. Аммо бизда умумий муаммолар талайгина. Бу муаммоларни ҳал этишнинг ягона йўли - бирлашиш, ҳамкорлик ва биргаликда режалаштиришдир"<sup>75</sup>.

Ўз мамлакатларини ривожлантириш мақсадида минтақавий ҳамкорлик қилишга бўлган талаб 1967-йилда Жануби-Шарқий Осиё давлатлари

---

<sup>74</sup> Страны и народы. Зарубежная Азия. Юго –Восточная Азия. – Москва: Мысль, 1979.- с.10.

<sup>75</sup> АСЕАН и ведущие страны АТР: проблемы и перспективы.Сборник статей. - М. «Гуманитарий» Академия гуманитарных исследований, 2002 г

Ассоциациясининг ташкил топишига сабаб бўлди. Ундаги илк аъзо давлатлар Индонезия, Таиланд, Малайзия, Филиппин, Сингапур мамлакатлари эди.

1967 йил Бангкок декларациясида АСЕАНга аъзо бўлиб кирган мамлакатлар қуйидагиларни ўз олдларига мақсад қилиб олдилар:

- ҳамкорлик дастурлари асосида иш олиб борган ҳолда минтақада иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётни қарор топтириш;

- минтақада сиёсий ва иқтисодий барқарорликни йирик давлатлар рақобатидан ҳимоя қилиш;

- минтақадаги ички зиддиятли масалаларни бартараф этишда АСЕАНдан форум сифатида фойдаланиш<sup>76</sup>.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлар Ассоциацияси аҳолиси 500 млн. кишини ташкил қилган, ЯИМ йиллик кўрсаткичи 800 млрд.АҚШ долларига тенг бўлган 10 та Жануби-Шарқий Осиёмамлакатларини ўз ичига олган ташкилотга айланди<sup>77</sup>.

Ҳозирги пайтда АСЕАН Жануби-Шарқий Осиёдаги тинчлик, хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда муҳим рол ўйнайди. У нафақат Осиё-Тинч океани минтақасида, балки бутун дунёда ҳамкорлик ва тараққиётга ўзининг муҳим ҳиссасини доимий равишда қўшиб келяпти. АСЕАН ташкил топган дастлабки давриданок асрнинг учдан бир қисмига тенг бўлган узоқ йўлни босиб ўтди. Бугун тўлиқ ишонч билан шуни айтиш мумкинки, АСЕАН Осиё-Тинч океани минтақасида илғор фаолият юритаётган минтақавий ташкилотдир.

Жануби-Шарқий Осиё дўстлик ва ҳамкорлик битимида АСЕАНга аъзо мамлакатлар ўзаро муносабатларни қуйидаги принципларга асосланиб олиб бориш тўғрисида келишиб олдилар:

- барча халқларнинг миллий ўзлиги, суверенитети, тенглиги, ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш;

---

<sup>76</sup> АСЕАН в системе международных политических отношений. М., "Наука", 1993, 231 с.

<sup>77</sup> Сиражиддинов Н. Экономическая политика в Малайзии после обретения независимости и ее результаты// Экономические обозрения, 2003. №8. 7-9с



- ҳар бир аъзо давлатнинг миллий яхлитлигига путур етказмаслик, зўрликсиз, ташқи аралашувларсиз бошқариш ҳуқуқига эгаллиги;
- давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;
- турли мунозарали масалаларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- таҳдидларга қарши курашда бирлашиш;
- ўзаро самарали ҳамкорлик олиб бориш.

1987-йилда Филиппинда АСЕАНнинг юқори даражадаги учинчи йиғилиши бўлиб ўтган эди. Ушбу учрашувда қабул қилинган Манила баёнотида АСЕАНнинг минтақада бирдамлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги қарори тасдиқланди, шунингдек, АСЕАНнинг ҳамкорлик дастурларида иштироки учун минтақанинг хусусий капиталини жалб қилиши масаласига алоҳида аҳамият қаратилди.

1995-йилда Вьетнам уюшманинг 7-аъзоси бўлиб АСЕАНга кирди. Бу АСЕАН учун ҳам, Вьетнам учун ҳам муҳим қадам бўлди. Жануби-Шарқий Осиёнинг узок вақт давомида қарама-қарши гуруҳларга ажралишининг тугатилиши, Вьетнам ва АСЕАНнинг душманлик муносабатларидан ахиллик ва ҳамкорликка ўтишини шубҳасиз, Жануби-Шарқий Осиё замонавий сиёсий тарихидаги муҳим воқеалардан бири сифатида белгилаш мумкин.

1997-йил АСЕАНнинг Куала Лумпурда бўлиб ўтган олий даражадаги 2-норасмий учрашувида “АСЕАН-2020” концепцияси илгари сурилди. Ундан кўзланган мақсад: 2020-йилга келиб АСЕАНни тинчлик, барқарорлик ва тараққиётда яшовчи, ўзаро ҳамкорлик муносабатлари билан боғланган, динамик ривожланиш шароити ва ўзаро ёрдам жамиятлари ҳамдўстлигида яшовчи жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашга қаратилган Жануби-Шарқий Осиёнинг муваффақиятли ва илғор ривожланаётган давлатлар ҳамжамиятига айлантиришдир.

1998-йил декабрида АСЕАН Вьетнамда 6-олий даражадаги йиғилишини ўтказди. Унда Ханой декларацияси ва Ханой дастури эълон қилинди, бу ҳужжатларда АСЕАН Жануби-Шарқий Осиёдаги инқирозни

бартаф этиш, 2020 - йил дастурини ҳаётга тадбиқ этиш, XX асрнинг сўнгги йиллари ва XXI аср бошида ҳамкорликни ривожлантириш чоратадбирларини илгари сурди.

АСЕАНнинг юқори органи давлат ва ҳукуматлар раҳбарларининг ҳар йили ўтаказиладиган учрашувлари ҳисобланади. 2007 - йил Сингапурда бўлиб ўтган саммитда АСЕАНнинг Устави имзоланди. Бу Ассоциацияга асос солинганига 40 йил бўлган вақт мобайнида ташкилотнинг барча аъзолари учун мажбурий юридик кучга эга бўлган, шунингдек, АСЕАН ҳамжамияти мавжудлигини юридик жиҳатдан таъминловчи дастлабки ҳужжат бўлди.

Ташкилотнинг бошқарувчи ва назорат қилувчи механизм-ташқи ишлар вазирларининг ҳар йили ўтказиладиган йиғилишларидир. Ассоциациянинг жорий раҳбарлик фаолияти Доимий қўмита-мамлакатларнинг ташқи ишлар вазирлари бошчилигида олиб борилади. Давлатлар кетма-кетлиги алфавитдаги тартибга кўра алмаштирилади. Покистон Ассоциациянинг секториал ҳамкори сифатида фаолият кўрсатади. Жакартада Бош котиб бошчилигидаги котибият ўз фаолиятини олиб боради. 2008-йилнинг январ ойидан 5 йиллик муддатда бу ўрин Таиланд вакили Сурин Пицуван (Сурин Пицуан)га берилган эди.

АСЕАН 11 та махсус қўмиталарга эга, ҳар йили 300 дан ортиқ тадбирлар ўтказилади, улар иқтисодиёт, савдо вазирлари, ҳуқуқ тартибот органлари билан бўлган учрашувларни ўз ичига солади. “Ўнлик”нинг маълум бир муддатдаги сиёсий ва иқтисодий устуворларини белгилаб берувчи асосий ҳужжат 1997-йил 5-саммитда қабул қилинган “АСЕАН-2020-йилда: барқарор ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик” дастуридир .

Иқтисод соҳасида Ассоциация мамлакатлари 2002-йил 1-январда кучга кирган АСЕАН эркин савдо зонасини ташкил қилиш шартномаси (АФТА), инвестициялар зонаси тўғрисидаги шартнома ва ОАСЕАН саноат ҳамкорлиги режалари асосида Жануби-Шарқий Осиё субминтақасини интеграциялаш ва либераллаштиришни амалга оширмоқдалар.

Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатларининг иқтисодий хавфсизлик тўғрисидаги доктринаси кучлар мутаносиблиги сифатида эмас, балки умумий ривожланиш асосида хавфсизликка эришиш сифатида белгиланади.

Қайд этиш жоизки, тадқиқотчиларнинг фикрича<sup>78</sup>, АСЕАНнинг барча аъзоларининг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини ҳисобга олмай туриб, бу минтақа ва бутун дунёда кенг миқёсдаги ҳеч қандай тадбирни амалга ошириб бўлмайди.

Минтақанинг жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида тутган ўрни борган сари ошиб бораётган бир пайтда бу минтақа мамлакатлари билан икки томонлама самарали ҳамкорлик олиб бориш Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бораётганлиги Президент И. А. Каримовнинг ушбу фикрида ўз аксини топган эди: “Жануби-Шарқий Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатларни йўлга қўйиш - Ўзбекистон ташқи сиёсатини кучайтиришнинг муҳим йўналишидир”<sup>79</sup>. Чунки, уларнинг иқтисодиётни янгилаш тажрибаси, ана шу давлатларнинг ҳам техникавий қишлоқ хўжалик экинларини қайта ишлашга, ҳам саноатнинг илм-фанга асосланган тармоқларига жалб этиш республикамиз учун каттагина аҳамиятга моликдир.

“Қондош- қардош мамлакатлар билан ҳамкорликни юқори даражада мустақкамлаш республиканинг ҳақиқатан ҳам тенг шерикчилик ва ўзаро ҳурмат принциплари асосида жаҳон хўжалик алоқалари тизимига киришига имкон беради. Биринчи навбатда Осиё ва Тинч океани минтақасидаги мамлакатлар билан ташқи алоқаларни ўрнатишга интилишимиз худди шу билан белгиланади<sup>80</sup> –деб таъкидларди буюк давлат ва сиёсат арбоби И.А.Каримов.

---

<sup>78</sup> Саидазимова Г.С. Интеграция глобал жараён сифатида ва унинг Марказий Осиё давлатлари учун аҳамияти (АСЕАН давлатлари мисолида) Сиёсий фанлар номзодлигини олиш учун диссертация автореферати. Тошкент, 2001.

<sup>79</sup> Каримов И.А. “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида” –Т.16 –Т.: “Ўзбекистон”, 2008 – 368 б.

<sup>80</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.- Б.56.

Ўзбекистон Республикаси ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида кўплаб умумий жиҳатлар мавжуд. Аввало, улардаги қадимий маданий-маънавий анъаналар, умуминсоний манфаатларга нисбатан гуманистик қарашлар мавжудлиги ҳамда аҳолисининг кўпчилиги орасида ислом динига эътиқот қилувчиларнинг кўпчилигини ташкил этиши билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдонда орттирган юксак обрўси, Марказий Осиёдаги геосиёсий ҳолати ҳамда жаҳон ҳамжамиятига шиддат билан қўшилиб бораётгани дунёнинг кўплаб минтақаларидан давлатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатиш ва уни ривожлантириш учун йўл очди. Кўриб турганимиздек, ана шундай минтақалардан бири Жануби-Шарқий Осиёдир.

Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари бўйича қарашлари ва нуқтаи назарларининг ўхшашлиги Жануби-Шарқий Осиё минтақа мамлакатлари хавфсизлик муаммоларини ҳал қилишда субминтақавий сиёсий, иқтисодий ташкилот - Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси (АСЕАН)га бирлашганлар.

Уюшманинг мақсади унга аъзо мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа турдаги ҳамкорлигини ривожлантиришдир. Бундан ташқари, ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири этиб, мазкур минтақа мамлакатларининг тўла қонли ривожланиши учун тинчлик ва барқарорлик шароитини таъминлаш зарурлиги белгиланган.

Ўзбекистон ҳам минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашда мустақилликнинг дастлабки кунидан бошлаб жиддий эътибор билан қарайди. Ўзбекистон Марказий Осиёда барқарорликни таъминлашда етакчи ўрин тутади. Шу билан бирга ушбу минтақада геосиёсий нуқтаи-назардан ҳам Ўзбекистон учун улкан стратегик аҳамиятга эга. Сабаби тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда қарашларнинг ўхшашлиги ва бир-бирига мослигидир.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи сиёсатида Осиёнинг тараққий топган мамлакатлари, хусусан Осиё ва Тинч Океани минтақасидаги Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлик қилишга катта аҳамият бериб келмоқда.

Ўзбекистон Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлиги, ҳамда жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлишида, иқтисодий, маданий, фан ва техника соҳасидаги ютуқларини айирбошлаш борасида катта ёрдам берувчи омил сифатида қарайди.

Ўзбекистон Республикаси Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари бўйича йўлга қўйилган ҳамкорликни ривожлантириб ва мустақамлаб борар экан, мамлакатнинг янгиланиши ва тараққиётини таъминлаган, ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, сиёсий фаолиятини ўзаро фойдали давлатлараро муносабатларни шакллантиришга қаратмоқда.

Ушбу минтақада ривожланаётган ўнта давлат мавжудлигини Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсий фаолиятида эътиборга олган. Мазкур минтақада Индонезия, Малайзия, Сингапур ва Филиппин каби давлатлар ижтимоий –иқтисодий аҳволи, даражаси ва тараққиёт суръатлари жиҳатидан ажралиб туради.

Бу тажриба янги мустақил давлатлар учун амалий сабоқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Жануби-Шарқий Осиё минтақаси мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантиришга жиддий эътибор бераётгани бежиз эмас.

Бозор муносабатларига асосланган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар йўлидан бораётган Ўзбекистон Республикаси учун Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари тўплаган тажриба ривожланиш йўлида учраган қийинчиликларни ҳал қилишда улар қўллаган ҳамкорлик шакллари жуда муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз навбатида дунёнинг кўплаб минтақаларидаги, жумладан Жануби-Шарқий Осиёдаги давлатлар учун катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бундан ташқари, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш усуллари ва иқтисодий инқирозларни бартараф этиш йўлларида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида фарқли ва айни пайтда умумий тарафлар мавжуд. Шунга кўра глобаллашув шароитида ўзининг сиёсий эътиқоди, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ҳамда истиқболга мўлжалланган вазифаларни белгилаши бўйича ўзаро яқин бўлган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўтказиш тажрибасини ўрганиш эҳтиёжи борган сари кўпроқ юзага келмоқда. Шу муносабат билан Жануби-Шарқий Осиё геосиёсий нуқтаи назардан, шунингдек ушбу минтақа мамлакатларининг ривожланиш тажрибасини ўрганиш нуқтаи назаридан Ўзбекистон Республикаси учун улкан стратегик қизиқиш уйғотади.

Дунёнинг тараққий топган давлатлари ҳисобланган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг Ўзбекистон юксалишида жуда катта ўрни мавжуд. Янги индустриал мамлакатлар деб номланган ушбу мамлакатлар билан нафақат алоқа ўрнатиш, балки уларнинг тараққиёт йўналишини, стратегиясини ўрганиш ва тажрибасини мамлакатимизда қўллаш ижобий маънода портлаш эффектини бериши муқаррар.

## **2-БОБ. ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ ВА МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИГИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ**

### **2.1. Ўзбекистоннинг Тинч океани ҳавзасидаги Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан алоқаларининг юридик-меъёрий асоси**

Жануби-Шарқий Осиёдаги янги индустриал мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатларини йўлга қўйиш – Ўзбекистон ташқи сиёсатини кучайтиришнинг муҳим йўналишидир. Уларнинг иқтисодиётини янгилаш тажрибаси, ...ҳам саноатнинг илм-фанга асосланган тармоқларига жалб этиш республикамиз учун каттагина аҳамиятга моликдир<sup>81</sup>. Тинч Океани ҳавзасидаги давлатлар билан йўлга қўйилган дипломатик муносабатларда таълим ҳамкорлиги муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб халқаро муносабатларнинг замонавий тизимини шакллантириш жараёнининг фаол иштирокчисига айланди. Бунда мамлакат раҳбарияти жаҳонда рўй бераётган туб ўзгаришларни баҳолаган ҳолда ва мамлакатнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг давлатлараро ва минтақалараро муносабатлар ва ҳамкорликда кенг миқёсда иштирок этиши масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати стратегияси, асосий тамойили ва устувор йўналишларини аниқ белгилаган ҳолда уларни рўйёбга чиқариш учун амалий чоралар кўрди.

Бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзосидир. У халқаро ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон ўз миллий манфаатларига жавоб берадиган тинчликсевар ташқи сиёсат олиб бормоқда. Давлатимиз ташқи сиёсатининг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қонунлаштирилган<sup>82</sup>.

---

<sup>81</sup> Ислон Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.// Ўзбекистон буюк келажак сари.Т.,Ўзбекистон. 1999. –Б.32.

<sup>82</sup> Ўзбекистон: мустақиллик одимлари. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1995.-Б.43.

Бош Қомусимизнинг “Ташқи сиёсат” деб номланган IV-бобининг 17-моддасида ушбу масала қуйидагича изоҳлаб берилган: “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидири. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидаларига ва нормаларига асосланади.

Мамлакатнинг реал сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий даражасидан келиб чиқиб, шунингдек республиканинг ривожланишдаги ўтиш босқичида унинг олдида турган вазифаларни инобатга олган ҳолда, индустриал жиҳатдан ривожланган янги давлатлар билан яқин алоқалар ўрнатишга алоҳида эътибор қаратди. Булар жумласига Жануби-Шарқий Осиё давлатларини киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишларига эътибор берганда Жануби-Шарқий Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли асосда ўзаро фойдали муносабатлар ва ҳамкорлик ўрнатганини кўришимиз мумкин.

Мазкур минтақада сиёсий қарашлар ҳамда ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш муносабати, шунингдек, инвестицияларини саноатнинг фан ютуқларидан кенг фойдаланувчи тармоқларига жалб қилиш бўйича тўплаган тажрибаси республикамиз учун ҳам катта катта қизиқиш уйғотадиган бир қатор янги индустриал давлатларнинг жойлашганлиги билан боғлиқдир.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари тараққиёти ва ютуқлари ўзига хосликларни инобатга олган Ўзбекистон раҳбарияти мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ улар билан ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантиришга алоҳида эътиборни қаратди. “Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатида барча яқин ва узоқ қўшнилар билан ... ҳам ўзаро манфаатли, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик алоқаларини олиб боришнинг доимо тарафдори ва бу



йўлдан биз ҳеч қачон қайтмаймиз”<sup>83</sup>жумладан, Жануби-Шарқий Осиё уюшмаси (АСЕАН) тажрибаси ҳам”<sup>84</sup>жуда муҳим эканлигини таъкидларди Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов. Яна шуни ҳам айтиш жоизки, мамлакат ташқи сиёсий фаолиятида бу йўналиш ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Биринчи Президентимизнинг 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилиши маърузаси бундан далолат беради. Жумладан, ҳозирги даврда мамлакат ташқи сиёсий фаолияти масалаларига эътибор бериб, “Биз Жанубий Корея Республикаси, Ҳиндистон, Жанубий ва Жануби- Шарқий Осиё, Яқин Шарқнинг кўплаб мамлакатлари билан яқин муносабатлар ўрнатганмиз”<sup>85</sup>, деб алоҳида таъкидлаган эди И.А. Каримов.

Ҳозирги кунда халқаро доирада шаклланаётган сиёсий қарашлар Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тутган ўрнини юқори баҳолайди. Дарҳақиқат минтақадаги мавжуд муаммоларнинг конструктив ечимини топишда Ўзбекистон кўп қиррали ташқи сиёсат олиб бормоқда<sup>86</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари орасида Жануби-Шарқий Осиё минтақасига алоҳида эътибор қаратилганлиги эса унинг ҳозирги халқаро муносабатларда эгаллаб турган геосиёсий ҳолати билан боғлиқ.

Мамлакатнинг реал сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий даражасидан келиб чиқиб, шунингдек республиканинг ривожланишдаги ўтиш босқичида унинг олдида турган вазифаларни инобатга олган ҳолда, индустриал жиҳатдан ривожланган янги давлатлар билан яқин алоқалар ўрнатишга алоҳида эътибор қаратди. Булар жумласига Жануби-Шарқий Осиё давлатларини киритиш мумкин.

---

<sup>83</sup> Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. - Т: Ўзбекистон., 2007. - Б.11.

<sup>84</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва кафолатлари. – Т., Ўзбекистон, 1997- Б.320.

<sup>85</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш. – Т., Ўзбекистон, 2005.

<sup>86</sup> Кўчаров Ч.Ш. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. Т. “Фан” нашриёти. 2008.- 203 б.

Ҳозирги кунда халқаро доирада шаклланаётган сиёсий қарашлар Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тутган ўрнини юқори баҳолайди. Дарҳақиқат, минтақадаги мавжуд муаммоларнинг конструктив ечимини топишда Ўзбекистон кўп қиррали ташқи сиёсат олиб бормоқда<sup>87</sup>.

Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг ҳар бири билан фаол дипломатик алоқаларни ўрнатиши катта ва мустаҳкам ҳуқуқий асосларни яратди. Давлатлар раҳбарларининг мамлакатларга расмий ташрифлари ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий кафолатларини белгилаб берди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Жануби-Шарқий Осиёнинг ҳар бир давлати билан алоҳида-алоҳида дипломатик алоқаларни ўрнатди. Жумаладан, **Малайзия** Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 1 январь кунини тан олган. Ўзбекистон мазкур мамлакат билан дипломатик муносабатларни ривожлантириш учун аввало ҳуқуқий негиз яратди. Икки мамлакат ўртасидаги дипломатик алоқалар 1992 йил 21 февральда ўрнатилган. 1992 йил 19 июнида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Малайзияга ташрифи вақтида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Малайзия ҳукумати ўртасидаги иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Малайзия ҳукумати ўртасидаги маданий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.<sup>88</sup>

Бундан ташқари, 1993 йил март—апрел ойларида Малайзия Бош вазири Мохатхир Мохаммаднинг Ўзбекистонга ташрифи якунида ҳам бир қанча ҳужжатлар қабул этилди.<sup>89</sup> 2003 йил Малайзия қироли Туанку Сайёд Сиражуддин Жамалуллаининг ташриф буюриши ўзаро ҳамкорликнинг мустаҳкам кафолати бўлиб хизмат қилди.

Ўзига хос маданият ҳамда юқори туризм потенциалига эга **Сингапур** эса 1992 йил 2 январда Ўзбекистон мустақиллигини тан олган.

<sup>87</sup> Кўчаров Ч.Ш. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. Т. “Фан” нашриёти. 2008.- 203 б.

<sup>88</sup> Тараққиёт ва ҳамкорлик йўлларида. Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатияси. Т., “Ўзбекистон”.1993.- Б.72.

<sup>89</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. Т.2003.т.5-Б.418.

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар 1997 йилнинг 8 апрелида ўрнатилган. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 22 та Ўзбекистон – Сингапур қўшма корхонаси мавжуд. Улар иқтисодийнинг енгил саноат, энергетика, электроника, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш сингари соҳаларида фаолият юритмоқда.<sup>90</sup>

Икки давлат ўртасида қатор ҳукуматлараро ва идоралараро келишувлар ҳам имзоланган бўлиб, уларнинг ижросига алоҳида эътибор қаратилаётир. “Ҳаво катнови тўғрисида”ги, “Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги битимлар, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Сингапур Савдо ва саноат вазирлиги ўртасидаги келишувлар<sup>91</sup> ана шулар жумласидандир.

Тарихдан маълумки, 2007 йил Ўзбекистон – Сингапур муносабатларида муҳим босқич бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сингапурга давлат ташрифи ва ушбу ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар мажмуи икки мамлакат ҳамкорлиги тараққиётининг ҳуқуқий асосини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарди. Сингапурда Ўзбекистон Республикасининг элчихонасини очиш тўғрисидаги қарор мазкур давлат ташрифининг муҳим натижаларидан бири бўлди. Юртимизнинг ушбу мамлакатдаги элчихонаси 2007 йилнинг июлидан эътиборан фаолият кўрсатиб келмоқда<sup>92</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов 2007 йил 24-26 январь кунлари давлат ташрифи билан Сингапур Республикасида бўлган эди. Ислом Каримов сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистлар билан мулоқотда ташрифдан кўзланган мақсад ва

---

<sup>90</sup> Қурбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон ва Сингапур: илғор тараққиёт йўлида. // Бухоро давлат университети Илмий ахбороти (илмий журнал). 2017 йил 1-сон. –Б.140.

<sup>91</sup> Ўзаро ҳамкорлик янада кенгаяди // Халқ сўзи. 2014 йил 1 апрель, № (62) 5992. –Б.2.

<sup>92</sup> Қурбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон ва Сингапур: самарали ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари. // “Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб масалалари”. Бухоро. 2015.-Б.309.

Ўзбекистон-Сингапур муносабатларининг истиқболлари ҳақида сўзлади. Мулоқот давомида Биринчи Президентимиз “XXI аср – Осиё тараққиёти асридир. Қитъанинг довруқ қозонган бир қатор давлатлари юксак тараққиёт суръатлари ва самаралари борасида эришаётган улкан ютуқлар буни яққол тасдиқлайди. Бу давлатлар ривожланишидаги ўзига хослик ўсиш суръатларининг барқарорлиги, тараққиётнинг чуқур ва мустаҳкам пойдеворга таянгани билан алоҳида ажралиб туради”.<sup>93</sup> Ислом Каримовнинг Сингапур сафари улкан таассуротларга бой тарзда ўтди. Биринчи Президентимизнинг давлат ташрифига алоҳида эътибор берилиб, катта тайёргарлик кўрилгани “Чанги” халқаро аэропортида яққол кўзга ташланади. Сингапурнинг бош ҳаво дарвозаси икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган. Таъкидлаш жоизки, “Чанги” аэропорти дунёнинг энг яхши ҳаво дарвозаси сифатида эътироф этилган ва ҳафтасига 55 мамлакатнинг 174 шахридан келиб-кетадиган 4,5 минг самолётга хизмат кўрсатади. Аҳоли жон бошига ўртача йиллик даромад 30 минг АҚШ долларини ташкил қилади.<sup>94</sup>

Ўзбекистон делегацияси мамлакат пойтахтига кириб борар экан, кўчалардаги Ўзбекистон ва Сингапурнинг давлат байроқлари ҳилпираб, чорловчи шиорлар порлайди. Ислом Каримов Сингапур Республикаси Президенти Селлапан Рам Натан билан учрашди.<sup>95</sup> Ислом Каримовни Сингапур Президентининг “Истана” саройида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шундан сўнг икки давлат раҳбарларининг яккама якка учрашувлари бўлиб ўтди. Бундан ташқари, Ислом Каримов ва Сингапур бош вазири Ли Сянь Лун раҳбарлигидаги икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги учрашувида давом эттирилди. Учрашувлар чоғида Президент Ислом Каримов Сингапур парламентида ташриф буюриб, Спикер Абдулла Тармуғий билан учрашди. Мулоқот чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашда олий қонун чиқарувчи органларнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этиши

<sup>93</sup> Президент Сингапурга жўнаб кетди. // Ўзбекистон овози. 2007 йил, 25 январь. 11 (27.656)-сон.1-бет.

<sup>94</sup> Анвар Бобоев. Ҳамкорликнинг янги уфқлари. Тошкент-Сингапур-Тошкент. // Туркистон. 2007 йил, 27 январь. №9 (15025)-сон. 1-бет.

<sup>95</sup> Давлат ташрифи бошланди. // Ўзбекистон овози. 2007 йил, 25 январь. 11 (27.656)-сон.1-бет.

таъкидланди. Мамалакатлараро мулоқотни йўлга қўйиш ва кенгайтириш учун, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари борасида ҳам барча имкониятлар мавжудлиги юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов ўзи учун ажратилган қароргоҳда Сингапурнинг “Темасек” холдинг компанияси ижрочи директори Саймон Израилни қабул қилди. Ўтган асрнинг 60-йилларида тузилган бу компания Сингапур ҳукуматининг ўзига хос сармоядор бўлинмаси ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси ишлаб чиқаришнинг янги соҳаларини вужудга келтириш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборатдир. Таъкидлаш керакки, Ислом Каримов Фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳам худди шундай вазифаларни бажаришга қаратилган<sup>96</sup>.

Бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик ҳамда маданий-гуманитар алоқаларни янада кенгайтиришни кўзда тутувчи 20 га яқин давлатлараро ва тармоқлараро ҳужжатлар ташкил этади.<sup>97</sup>

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Сингапур давлатларининг тенг томонлама самарали натижаларга эришаётганида, иқтисодиёт, туризм, таълим, маданият соҳасида қўлга киритилаётган муваффақиятлар замирида бундан 20 йил муқаддам икки давлат ўртасида имзоланган ўзаро шартномалар, элчилик алмашинувларининг алоҳида ўрни мавжуд. Сингапур мамлакати билан олиб борилаётган бу каби дўстона муносабатлар икки давлат тараққиёти ва фаровонлигини келгусида ҳам юксак босқичга кўтаришда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаверади.

Ўзбекистоннинг жаҳондаги давлатлар билан олиб бораётган дипломатик алоқаларида **Индонезия** мамлакати билан ўрнатилган ўзаро ҳамкорлик алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистоннинг мустақиллигини биринчилардан бўлиб 1991 йилнинг 28 декабрида Индонезия тан олган<sup>98</sup>. Илк

<sup>96</sup> Қурбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон ва Сингапур: илғор тараққиёт йўлида. // Бухоро давлат университети Илмий ахбороти (илмий журнал). 2017 йил 1-сон. –Б.141.

<sup>97</sup> Қурбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон – Сингапур: самарали ҳамкорликнинг 15 йили // Халқ сўзи. 2012 йил 10 апрель, № 69 (5489). –Б.1-2.

<sup>98</sup> Намозов Н. Индонезия. Самарқанд, 2007. –Б.20.

дипломатик алоқалар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг 1992 йил 22 июнь куни Индонезияга амалга оширган давлат ташрифи чоғида ўрнатилган. Ташриф чоғида Ислон Каримов Индонезия Республикаси Президенти Сухарто томонидан Истан Мердена номли Президент саройида кутиб олинади ҳамда Президентлар Висма Негарадаги қароргоҳига боришади. Шу куни Давлатимиз раҳбари Индонезия Вице-Президенти Судхармоно, Индонезия миллий банки бошқарувчиси Адриамус, савдо палатаси (Кадин) раҳбарлари билан учрашади. Икки мамлакат ўртасидаги музокаралар чоғида ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик, иқтисодий ва савдо, фан-техника ва маданият, дипломатик алоқалар ўрнатиш бўйича бир қатор ҳужжатлар имзоланади.<sup>99</sup>

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб Индонезия билан ҳамкорликни фаол йўлга қўйганлигини бир қатор омиллари мавжуд.

Биринчидан, Индонезия давлати Ўзбекистон сингари узоқ йиллик мустамлакадан сўнг ўз суверенитетига эришган давлатдир.

Иккинчидан, Индонезиянинг ташқи сиёсат тамойилларидаги ўзаро ўхшаш жиҳатлари ҳам ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилишига ва ривожланишига асос бўлди.

Учинчидан, ижтимоий ҳаётдаги яқдиллик, яъни Индонезияда кўп миллат ва элат вакиллари истиқомат қиладилар, аҳолининг аксарият қисмини ислом динига эътиқод қилиши билан бирга, бошқа диний эътиқодлар ҳам кенг тарқалган. Давлатларнинг диний бағрикенглик, миллатлараро тотувликни таъминлаш борасидаги позициялари бир-бирига яқин.

Бешинчидан, Индонезия ҳам Ўзбекистон сингари бой тарихий-маданий меросга эга мамлакат. Мамлакатнинг моддий-маданий меросни, қадриятларни тиклаш борадаги қарашлари бир хил<sup>100</sup>.

---

<sup>99</sup> Тараққиёт ва ҳамкорлик йўлларида. Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатияси. Тошкент. Ўзбекистон. 1993.-Б. 72-73.

<sup>100</sup> Қурбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон-Индонезия: ўзаро ишонч ва манфаатли ҳамкорлик. // “Ўзбекистоннинг хорижий шарқ мамлакатлари билан ўзаро муносабатлари”. Республика илмий конференцияси материаллари. Т.2012. –Б.79.

Расмий дипломатик алоқалар ўрнатилганидан буён ўтган давр мобайнида Ўзбекистон-Индонезия ҳамкорлик муносабатлари икки босқични бошидан кечирди.

Биринчи босқич – дипломатик муносабатлар йўлга қўйилганидан то 2000 йилларгача бўлган муддатни ташкил қилади. Бу вақт оралиғида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асослари шаклланиши баробарида ҳамкорликка амалий қадамлар қўйилди.

Бу даврнинг ривожини нафақат, Ўзбекистон раҳбариятининг Индонезияга ташрифи, балки Сухартонинг 1995 йил 8-10 апрел кунлари Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи билан боғлиқ. Ташриф чоғида томонлар учун манфаатли бўлган битимлар билан бирга “Ўзбекистон ва Индонезия Республикаси ўртасида муносабатлар ва ҳамкорлик тамойиллари тўғрисида қўшма баёнот” имзоланган эди<sup>101</sup>. 1994 йилда Тошкентда Индонезия элчихонаси, 1996 йилда Жакартада Ўзбекистон элчихонаси ўз фаолиятини бошлади<sup>102</sup>.

Иккинчи босқич – 2000 йиллар бошларидан то ҳозирги вақтгача бўлган даврни ўз ичига олиб, бу муддат Ўзбекистон – Индонезия ҳамкорлигининг янги босқичга қўтарилганлиги, ўзаро муносабатлар нисбатан кенг соҳаларни қамраб олганлиги ва йилдан-йилга ривожланаётганлиги билан характерланади<sup>103</sup>.

**Таиланд** Ўзбекистон Республикаси суверенитетини 1991 йил 26 декабрда тан олган бўлиб, 1992 йил 6 майда дипломатия муносабатларини ўрнатган. Шунинг қувонч билан таъкидлаш жоизки, ўзаро ҳамкорлик ришталари боғланганлигига 20 йил тўлибдики, икки мамлакат барча жабҳада тенг томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиб келмоқда.<sup>104</sup>

---

<sup>101</sup> Халқ сўзи. 1995 йил, 9-10 апрель.

<sup>102</sup> <http://www.preesuzinfo.uz/index>

<sup>103</sup> Қурбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон-Индонезия: ўзаро ишонч ва манфаатли ҳамкорлик. // “Ўзбекистоннинг хорижий шарқ мамлакатлари билан ўзаро муносабатлари”. Республика илмий конференцияси материаллари. Т.2012. –Б.80.

<sup>104</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т., “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004.т.8. –Б.227.

2012 йил Бангкокда Ўзбекистон Республикаси ва Таиланд Қироллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 20 йиллигига бағишланган қатор тадбир бўлиб ўтган эди. Унда Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Б. Сайфуллаев бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси аъзолари иштирок этади.

Ушбу муҳим сана муносабати билан халқаро ташкилотлар, Таиланднинг ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, эксперт-таҳлил доиралари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда дипломатия корпуси раҳбарлари иштирокида Таиланд ташқи ишлар вазирлигида тантанали қабул маросими уюштирилди<sup>105</sup>.

Тадбирда Ўзбекистон делегацияси аъзолари Таиланд Қироллиги ташқи ишлар вазири С.Товичакчайкул билан учрашадилар, шунингдек, гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболлари юзасидан ўзаро фикр алмашувлар бўлиб ўтди.<sup>106</sup>

С.Товичакчайкул 20 йил мобайнида Таиланд ва Ўзбекистонни дўстона ҳамда ўзаро ишончга асосланган муносабатлар бир-бирига боғлаб келаётганини ҳамда юқори даражадаги қатор ўзаро ташрифлар бу ришталарни янада мустаҳкамлашга қўмак берганини қайд этди. Вазирнинг баёнот беришича, Таиланд Ўзбекистонга Ўрта Осиёдаги ўзининг яқин дўсти ва шериги сифатида қарайди. У ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун катта имкониятлар мавжуд эканини таъкидлагани ҳолда, Таиланд ҳукумати бундан кейин ҳам ушбу йўналишдаги шерикликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати билан яқин ҳамкорликда иш олиб боражагини билдирди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон ва Таиланд ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳозирги ҳолати икки давлат раҳбарлари саъй-ҳаракатлари натижаси ҳисобланади. Учрашувда Ўзбекистонда Таиланд кунлари юқори

---

<sup>105</sup> Қурбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон – Таиланднинг Ўрта Осиёдаги яқин ҳамкори. // XI Международная научная конференция “Актуальные научные исследования в современном мире”. г.ПЕРЕСЛАВ-ХМЕЛЬНИЦКИЙ.УКРАИНА. 26-27 марта 2016 г. –С.40.

<sup>106</sup> Миллий анъаналаримиз Таиландни мафтун этди. // Халқ сўзи. 2012 йил, 25 май, №102 (5522),-Б.1.



даражада ўтказилиши таъкидланди. Таиланд ташқи ишлар вазирлигида тантанали қабул маросими Ўзбекистон халқ амалий санъати ва суратлар кўргазмасига уланиб кетди. Ўзбек миллий ашулалари ва рақсларидан ташкил топган маданий дастур намойиши эса маросимга алоҳида шукуҳ бағишлади.

Чулалонгкорн университетининг Европа муаммолари тадқиқоти маркази директори Чарит Тингсабадх мазкур маросимда қатнашишни ўзи учун катта шараф эканлигини таъкидлар экан, тадбир ўзбек халқининг бой маданияти ва анъаналари, шунингдек, Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳияти билан яқиндан танишиш учун жуда қулай имконият яратганини айтиб ўтди. Унинг фикрича, турли цивилизациялар чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон минтақадаги стратегик мамлакат ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Осиё ва Европа ўртасидаги боғловчи бўғин ҳамдир. Таиландлик олим Ч.Тингсабадх маданият ва таълим йўналишидаги ўзаро икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари ташриф доирасида Таиланд маданият вазири С.Кунплом билан ҳам учрашдилар. Ўзбекистон ва Таиланд ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик ҳолати ҳамда уни янада ривожлантириш истиқболлари мулоқотларининг асосий мавзуси бўлди. Ушбу учрашув яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Таиланд Қироллиги Ҳукумати ўртасида маданият ва спорт соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди<sup>107</sup>.

С.Кунплом бу соҳада ҳар икки томонни қизиқтирадиган йўналишлар кўплигини, анъанавий мусиқа санъати ана шулардан бири эканлигини қайд этди. Унинг айтишича, имзоланган ҳукуматлараро Битим икки мамлакатнинг санъат ва спорт намояндалари ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтиришга йўналтирилган аниқ режа ва дастурларни ишлаб чиқишнинг муҳим механизми бўлиб қолиши баробарида, икки халқни бундан-да яқинлаштиришнинг замини сифатида хизмат қилади.

---

<sup>107</sup> Курбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон – Таиланднинг Ўрта Осиёдаги яқин ҳамкори. // XI Международная научная конференция “Актуальные научные исследования в современном мире”. г.ПЕРЕСЛАВ-ХМЕЛЬНИЦКИЙ.УКРАИНА. 26-27 марта 2016 г. –С.41.

**Вьетнам Социалистик Республикаси** Ўзбекистон Республикаси билан дипломатия муносабатларини эса 1992 йил 17 январда ўрнатган.<sup>108</sup> Вьетнам Социалистик Республикаси ташқи ишлар вазирининг 1994 йил февралда Ўзбекистон Республикасига ташрифи чоғида имзоланган “Савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим” ва ўзаро маслаҳатлашувлар ҳақидаги баённома иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга имкон яратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 1996 йил март ойида Вьетнам Социалистик Республикасига расмий ташрифи икки мамлакатнинг ўзаро муносабатларида янги босқич бўлди. Ташриф якунида “Ўзбекистон Республикаси билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома”, “Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Савдо-иқтисодий ва фан-техника ҳамкорлиги бўйича Ўзбекистон — Вьетнам ҳукуматлараро комиссиясини тузиш ҳақида”ги келишувлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Вьетнам ташқи савдо банки ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоладилар.

Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг ўзаро абадий дўстлиги, бардавом, мустаҳкам ва ишончли ҳамкорлиги давлатларимизни маданий ва маънавий жиҳатдан янада яқинлаштириб, иқтисодий тараққиётининг гуркираб ривожланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзига хос маданият ҳамда юқори туризм потенциалига эга **Сингапур** 1992 йил 2 январда Ўзбекистон мустақиллигини тан олган. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар 1997 йилнинг 8 апрелида ўрнатилган. Тарихдан маълумки, 2007 йил Ўзбекистон – Сингапур муносабатларида муҳим босқич бўлди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг Сингапурга давлат ташрифи ва ушбу ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар мажмуи икки мамлакат ҳамкорлиги тараққиётининг ҳуқуқий асосини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарди.

---

<sup>108</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. Ўзбекистон давлат илмий нашриёти. 2003. –Б.

Сингапурда Ўзбекистон Республикасининг элчихонасини очиш тўғрисидаги қарор мазкур давлат ташрифининг муҳим натижаларидан бири бўлди. Юртимизнинг ушбу мамлакатдаги элчихонаси 2007 йилнинг июлидан эътиборан фаолият кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий асосини сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик ҳамда маданий-гуманитар алоқаларни янада кенгайтиришни кўзда тутувчи 20 га яқин давлатлараро ва тармоқлараро ҳужжатлар ташкил этади.<sup>109</sup>

Икки давлат ўртасида қатор ҳукуматлараро ва идоралараро келишувлар ҳам имзоланган бўлиб, уларнинг ижросига алоҳида эътибор қаратилаётир. “Ҳаво қатнови тўғрисида”ги, “Сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги битимлар, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Сингапур Савдо ва саноат вазирлиги ўртасидаги келишувлар<sup>110</sup> ана шулар жумласидандир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 22 та Ўзбекистон – Сингапур қўшма корхонаси мавжуд.

**Филиппин** Ўзбекистон Республикаси суверенитетини 1992 йил 22 январда тан олган ва ўша йил 13 апрелда дипломатия муносабатларини ўрнатган.<sup>111</sup>

**Бруней** Ўзбекистон Республикаси билан дипломатия муносабатларини 1996 йил 23 июнда ўрнатган.<sup>112</sup>

**Мьянма (Бирма)** 2001 йилдан Ўзбекистон Республикаси билан дипломатик алоқаларни ўрнатган.<sup>113</sup>

---

<sup>109</sup> Ўзбекистон – Сингапур: самарали ҳамкорликнинг 15 йили // Халқ сўзи. 2012 йил 10 апрель, № 69 (5489). - Б.1-4.

<sup>110</sup> Ўзаро ҳамкорлик янада кенгайтирилади // Халқ сўзи. 2014 йил 1 апрель, № (62) 5992. –Б.2.

<sup>111</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2003.

<sup>112</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2001.т.2. –Б.223.

<sup>113</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2003.т.6. –Б.204.

**Камбоджа** 1955 йилдан БМТ аъзоси. Ўзбекистон Республикаси билан дипломатия муносабатларини 1995 йил 7 сентябрда ўрнатган.<sup>114</sup>

**Лаос Халқ Демократик Республикаси** Ўзбекистон Республикаси суверенитетини 1992 йил 2 январда тан олган ва ўша йили 10 сентябрда дипломатия муносабатлари ўрнатган.<sup>115</sup>

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ўрнатилган дўстона шерикчилик ва қон-қардошлик ҳамкорлиги Ўзбекистоннинг дунё давлатлари ичида халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлишига асос бўлмоқда.

---

<sup>114</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2002.т.4. –Б.411.

<sup>115</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2003.т.5. –Б.224.

## **2.2. Давлатларнинг саноат, ишлаб чиқариш соҳасидаги келишувларининг кенгайиб бориши**

Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан имзолаган ўзаро меморандум, халқаро шартномалар негизида аввало, савдо иқтисодий муносабатлар, давлатлар иқтисодиётининг юксалтиришга ҳисса қўшишдек, эзгу мақсад ва маслаклар мужассам.

**Ўзбекистон-Сингапур.** Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг Сингапурга 2007 йилда амалга оширган тарихий аҳамиятга давлат ташрифи икки мамлакат иқтисодий ҳаётида янги саҳифаларни очиб берди. Ташриф доирасида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форуми ўтказилди. Унда Ўзбекистон ва Сингапур томонидан ташқи савдо ва ташқи иқтисодий фаолият учун масъул вазирлик идоралар вакиллари, юзга яқин фирма ва компания раҳбарлари иштирок этди. Томонлар Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида сармоявий, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Икки мамлакатнинг салоҳият ва имкониятлари ҳақида маълумот алмашилди. Форумда Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш баробарида ишбилармон доираларнинг бевосита ҳамкорлиги учун ҳам кенг йўл очгани таъкидланди. Анжуман доирасида Ташқи Иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда “Ўзбектуризм” миллий компанияси томонидан Ўзбекистоннинг иқтисодий, сармоявий салоҳиятига, сайёҳлик соҳасидаги имкониятларига доир тақдимот-кўргазмалар ташкил қилинди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Сингапур билан ҳамкорлик ташкилоти ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, “Ўзбекнефтгаз” МХК билан “ОйлТекИП” компанияси ўртасида узоқ вақтдан буён ўзлаштириб келинаётган ва захираси тугаётган конлардан нефть қазиб олишни кўпайтириш ҳамда геология-разведка ишларида қатнашиш тўғрисида ҳамкорлик меморандуми, “Ўзбектелеком” акционерлик компанияси билан

“Юнион Тек Азия” компанияси ўртасида биргаликда оптик-толали алоқа кабеллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида ўзаро англашув меморандуми, “Ўзбекенгилсаноат” ДАК билан “Бедел Трейдинг” ҳамда “Толарам групп” компаниялари ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид протоколлар имзоланди.

Ўзбекистонда Сингапур ҳамкорлигида қатор қўшма корхоналар фаолият юритмоқда. 2011 йили 3 та қўшма корхона, шу жумладан, пахта толасини қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Indorama Kokand Textile” корхонаси ишга туширилди. Мазкур лойиҳаларда Сингапур сармояларининг умумий ҳажми қарийб 55 миллион АҚШ долларига тенг. Шунингдек, сингапурлик сармоядорларнинг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга бўлган қизиқишини алоҳида таъкидлаш лозим. 2011 йилдан бошлаб “Навоий” эркин-иқтисодий зонасида 2 та Ўзбекистон – Сингапур қўшма корхонаси – рақамли телеускуна маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “TelecomInnovations” қўшма корхонаси ҳамда турли энергия тежайдиган маҳсулотларни тайёрлайдиган “CFMProEnergies” қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда.<sup>116</sup>

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 22 та Ўзбекистон – Сингапур қўшма корхонаси мавжуд. Улар иқтисодиётнинг енгил саноат, энергетика, электроника, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш сингари соҳаларида фаолият юритмоқда.

Мамлакатларимизнинг ўзаро мустаҳкам алоқалари доимо Сингапур бизнеси доира вакиллари томонидан эътироф этилади. -Ўзбекистонда тўқимачилик корхонасини очиш ниятим бор, - деди “Толарам групп” компанияси раҳбари Моҳан Васуани ЎЗА мухбирига. – Президент Ислон Каримовнинг Сингапурга ташрифидан кейин бу қарорим янада қатъийлашди. Икки томонга ҳам наф келтирадиган бундай корхоналар мамлакатларимиз

---

<sup>116</sup> Ўзбекистон – Сингапур: Самарали ҳамкорликнинг 15 йили. //Халқ сўзи. 2012 йил 10 апрель № 69 (5489)-сон.-Б.2.

ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим қадам бўлур эди.

2013 йил якунларига кўра, икки давлат ўртасида ўзаро савдо айланмаси ҳажми 47,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу Ўзбекистонда ушбу мамлакат билан ҳамкорликда 33 та қўшма корхона фаолият юритаётгани, улардан 7 таси юз фоиз хорижий сармоя асосида тузилгани, 8 та компания ваколатхонаси рўйхатдан ўтганининг самарасидир.

Иқтисодий соҳада ҳам бир қатор нуфузли тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2016 йилнинг 12 октябр куни Тошкент шаҳрида XII халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтди. Ярмаркада жаҳон пахта бозорида савдо-сотик фаоллашган айти пайтда шу соҳа бўйича дунёда таниқли мутахассислар, олимлар, йирик компаниялар вакиллари ва трейдерлар пойтахтимизда жам бўлди. Зеро, Ўзбекистон унинг асосий иштирокчиларидан бири сифатида тан олинган бўлиб, бугунги кунда пахта етиштириш бўйича олтинчи, унинг толасини экспорт қилиш борасида эса АҚШ, Ҳиндистон, Австралия ва Бразилиядан сўнг бешинчи ўринда туради. Бугун ўзбек пахтасига жаҳон бозорида талаб катта ҳамда юксак эътироф этилмоқда. Ўзбекистон пахтаси 50 дан ортиқ давлатларга экспорт қилинмоқда.<sup>117</sup> Булар қаторида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан Сингапур давлатининг ҳам борлиги Ўзбекистон маҳсулотлари дунё бозорини эгаллаётганини исботламоқда.

Бугунги кунда Сингапур ҳамколигида қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз ҳудудларида ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, саноат, қишлоқ хўжалиги ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифазини бажарувчи, бош вазир Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 24 сентябрда Навоий ва Бухоро вилоятларига ташриф буюрди. Шу куннинг ўзида Шавкат Мирзиёев Бухоро

---

<sup>117</sup> Ўзбекистоннинг жаҳон пахта ва тўқимачилик бозоридаги мавқеи мустаҳкамланмоқда. // Халқ сўзи. 2016 йил, 13 октябрь. № 202 (6637)-сон.-Б.3.

вилоятидаги Қандим газни қайта ишлаш заводи қурилиш майдончасида бўлди. 2,6 млрд долларлик лойиҳа Россиянинг "ЛУКОЙЛ" нефть-газ компанияси билан ҳамкорликда Жанубий Кореянинг Hyundai Engineering ва Сингапурнинг ENTER Engineering компанияларини жалб қилган ҳолда амалга оширилмоқда.<sup>118</sup> Лойиҳанинг амалга оширилиши янги юқори технологик қувватлар ва замонавий инфратузилмани ишга тушириш ҳисобидан йилига 8,1 миллиард куб метр газ қазиб олиш ва қайта ишлаш, шу асосда харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради. Беш ой аввал – жорий йилнинг 18 апрель куни Қандим заводи қурилиши бошланишига бағишланган расмий маросим бўлиб ўтган эди. Ўтган давр мобайнида салмоқли тайёргарлик ва қурилиш ишлари амалга оширилди, жумладан, объектларнинг вертикал лойиҳалаштирилиши, ташқи инфратузилмани тайёрлаш ва барпо этиш якунланди, навбатдаги қурилиш ва монтаж ишлари бажарилмоқда, ишлаб чиқариш муддати узоқ бўлган барча ускуналарга буюртмалар берилди.<sup>119</sup> Қандим мажмуаси таркибига табиий газни қайта ишлаш қувватига эга заводдан ташқари, 114 қазиш қудуғи, 11 маҳсус майдон ва 4 йиғув пунктини ўз ичига олган табиий газни тўплаш тизими киради. Бундан ташқари, 370 километр газ қувури, 160 километр автомобиль йўли қуриш режалаштирилган. Мажмуа ва инфратузилма объектларини барпо этишга 7 мингга яқин киши жалб этилади. Заводнинг биринчи навбатининг фойдаланишга киритилиши 2018 йилга белгиланган.

Бугун Тошкендаги Сингапур Менежментни ривожлантириш институти мамлакатимиз иқтисодий бозорига, халқ хўжалигига малакали кадрларни етиштириб бермоқда. Мазкур олий ўқув юртини тамомлаётган ёшлар банк, молия, умуман иқтисодиётимиз турли тармоқларини янада тараққий эттиришда камарбаста бўлиб келишмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимиз банк тизимидаги ижобий ўзгаришлар, эришилаётган муваффақиятлар жаҳоннинг нуфузли рейтинг агентликлари

---

<sup>118</sup> Бобожонов Ш.У. Бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик:Бухоро ва Жанубий-Шарқий Осиё// “Бухоро тарихи масалалари (энг қадимги замонлардан ҳозиргача )”. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. Бухоро. 2016 йил, 9-10 декабрь. –Б.220.

<sup>119</sup> Истикболли лойиҳалар муҳокама қилинди. // Бухоронома. 2016 йил, 28-сентябр. № 78 (21. 920). 1-бет.



томонидан “барқарор” деб баҳоланмоқда. Буни хорижий экспертлар ва маҳаллий ишбилармонларнинг фикрларидан билиб олиш мумкин. Сингапурлик хорижий инвестор Дипак Рейнанинг қуйидаги сўзлари фикримизни исботлайди. “Ўзбекистон банк тизимининг барқарор ва кафолатли фаолият юритаётганлиги биз, хорижий ишбилармонларга ҳам ҳар томонлама маъқул. Бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатаётган тадбиркор сифатида айтишимиз мумкин, юртингизда нафақат эркин ишлашимиз, балки қўшма корхонамиз фаолиятини янада кенгайтиришимиз учун барча имконият яратилган. Банклар томонидан таклиф этилаётган хизматларни айтмайсизми?! Тўлов амалиётларини бажаришда ҳеч қандай муаммо йўқ. Барча банк операцияларини офисимиздан туриб, “Банк-мижоз” дастури орқали амалга ошириямиз. Бу, ўз навбатида, вақт ва харажатларни қисқартиришимизда қўл келмоқда”<sup>120</sup>.

Таъкидлаш ўринлики, 25 йиллик мустақил тараққиётимиз даврида енгил саноатимизда 2,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, 2000 дан зиёд лойихалар амалга оширилди. Қатор давлатлар билан бирга Сингапур инвесторлари билан ҳам биргаликда рўёбга чиқарилганлиги Ўзбекистоннинг ишончли иқтисодий ҳамкор сифатида тан олинганининг амалий тасдиғидир.

**Ўзбекистон-Малайзия.** Малайзия давлати ҳам Ўзбекистонга ишончли портнери сифатида катта инвестицияларни киритмоқда. Ушбу мамлакатнинг доимий юртимиздаги кўргазмалар ва ярмакаларга қатнашиши фикримиз тасдиғидир. Маълумки, пахта балки бугунги кун учун муҳим ва долзарб бўлган масала озиқ-овқат захиралари ҳам бутун дунё эътиборини тортмоқда. 2016 йилнинг 9 ноябр куни Тошкент шаҳридаги “ЎзэкспоМарказ” мажмуасида ўтказилган Халқаро мева-савзавот ярмаркаси айни шу масалага бағишланди.<sup>121</sup> Унда кўплаб қатор халқаро ташкилотлар ва давлатлар

---

<sup>120</sup> Ишончли ва барқарор банк тизими фаолияти маҳаллий ишбилармонларимиз ва хорижий экспертлар томонидан юқори баҳоланмоқда // Халқ сўзи. 2015 йил 1 апрель, № 64 (6247) –Б.3.

<sup>121</sup> Саид Раҳмонов. Она заминимиз мева-савзавотлари – юқори сифатли ва харидоргир. // Халқ сўзи. 2016 йил, 9 ноябрь. № 221 (6656)-сон.-Б.1.

каторида Малайзия мамлакати ҳам фаол иштирок этганлиги эътиборга моликдир.

**Ўзбекистон-Индонезия.** Ўзбекистоннинг Индонезия билан мустақамлаган ҳуқуқий асоси туфайли икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 2000 йилда 361,8 минг АҚШ долларини ташкил этди. Индонезия Ўзбекистондан калава ип сотиб олмоқда ва транспорт соҳасидаги хизматдан фойдаланмоқда. Айти вақтда Индонезия Ўзбекистонга электр асбоб-ускуналари, қора металлдан ясалган буюмлар ва балиқ маҳсулотлари сотмоқда. 2006 йилнинг биринчи ярми ҳолатига кўра, икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 4223,8 млн АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилнинг худди шу даврига нисбатан 6,8 баравар кўп демакдир. 2006 йилдаги умумий товар айирбошлаш ҳажми – 9,5 млн АҚШ долларини, 2007 йилда – 23,8 млн АҚШ долларини ташкил этган<sup>122</sup>.

Индонезиянинг “ПТ Бакри Коммуникейшн Корпорейшн” компанияси билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги барпо этган “Ўзтелекоминтернейшнл” кўшма корхонаси Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах ва Самарканд вилоятларида ўз филиалларини очган<sup>123</sup>.

Бундан ташқари, индонез инвесторларининг сармояси 100% бўлган 2 та корхона ташкил этилган. “Бузтел” ва “Бакри Инвестидо” корхоналари уяли телефон станциялари қуриш ва уларни ишлатиш ҳамда сайёҳларга хизмат кўрсатиш, меҳмонхона хўжалигини йўлга қўйиш билан шуғулланади. Ўзбекистон Республикасида “ПТ Тиртамас Комексиндо” ва “ПТ Бакри Коммуникейшн Корпорейшн” компанияларининг ваколатхоналари ишлаб турибди<sup>124</sup>.

2004 йилда Ўзбекистонда индонез маҳсулотларининг кичикроқ кўрғазмаси ташкил этилган бўлса, 2005 йилда ташкил этилган навбатдаги

<sup>122</sup> <http://www.jahonnews.uz>.

<sup>123</sup> Қурбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон ва Индонезия: ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий кафолати. // “Конституция – жамиятнинг бугунги ривожини ва истикболдаги тараққиётининг кафолатидир” мавзусидаги республика илмий-назарий анжуман материаллари. Бухоро.2015.-Б.13-16.

<sup>124</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2003. т.5.-Б.418.

кўрғазмада индонез ишбилармон доираларнинг аксарияти бевосита иштирок этишди<sup>125</sup>.

2006 йилнинг апрель ойида Жакартада ўзбек-индонез бизнес-форуми ташкил этилди. Ўзбек-индонез ишбилармон доира вакилларининг бизнес-форуми Тошкентда 2006 йилнинг 23-27 ноябрь кунлари ўтказилди. Бизнес-форум Le Grand Plaza меҳмонхонасида ташкил этилиб, унда Индонезиянинг машҳур аксессуарлар ва хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи – Heruwati Tri Palm, автомобиль эҳтиёт қисмлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи – Pt Tanamas Industry ва Nicky Greation, санитар қоқғоз ва гигиеник маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи – Pt Interkoneksi компаниялари иштирок этишди<sup>126</sup>.

**Ўзбекистон-Вьетнам.** Ўзбекистоннинг Вьетнам Социалистик Республикаси билан товар айланмаси 1996 йилда 4,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистон Вьетнамга пилла, ёғ ва мой, электр асбоб-ускуналари юборди ва ундан чой ҳамда турли хизматлар олади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида “Донгшон” ва “Ўз-Хишако-Интернейшнл” кўшма корхоналари ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатга олинган. Улар тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, савдо-воситачилик амалиёти, шунингдек пилла ва ипак чиқитларини харид қилиш билан шуғулланади. Бир неча йиллар давомида Ўзбекистонда Вьетнам учун мутахассислар тайёрланган. Мутахассислар асосан энергетика, қурилиш, автоматика ва ҳисоблаш техникаси, гидрогеология, инженерлик геологияси, тиббиёт, юриспруденция, шарқшунослик, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация каби соҳалар бўйича тайёрланган<sup>127</sup>.

---

<sup>125</sup> <http://www.novostiuzbekistan.st.uz>.

<sup>126</sup> Курбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон-Индонезия: ўзаро ишонч ва манфаатли ҳамкорлик. // “Ўзбекистоннинг хорижий шарқ мамлакатлари билан ўзаро муносабатлари”. Республика илмий конференцияси материаллари. Т.2012. –Б.81.

<sup>127</sup> Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон ва Вьетнам: туризм индустрияси ривожини. // “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ҳаёт: тарих ва таҳлил” мавзuidaги республика илмий анжумани материаллари. Термиз давлат университети. 2016 йил, 10-11 май. –Б.108.

Мамлакатларимизнинг саноат, ишлаб чиқариш, иқтисодий соҳасидаги тенг томонлама ва кенг қамровли алоқалари юқоридаги рақам ва далилларда ўз аксини топди. Мамлакатларимиз пойдевори ва мустаҳкам кўприги бўлиб хизмат қилаётган қўшма корхоналар, йирик лойиҳалар давлатларнинг манфаати учун ҳам бирдек хизмат қилиб, тараққиётда илдам қадам ташлаши шубҳасиз.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиёнинг саноат, ишлаб чиқариш борасидаги ўзаро ҳамкорликлари давлатларимизнинг тараққиёти учун муҳим омил бўлмоқда. Давлатларимизнинг бренд маҳсулотлари халқаро даражада эътироф этилиб, дунё бозорларини эгалламоқда. Қўшма корхоналаримиз самарадорлиги юқори бўлиб, икки мамлакатни янада бир-бирига яқинлаштирмоқда.

### **3-БОБ. ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ ВА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ СОҲАСИДАГИ АЛОҚАЛАРИ**

#### **3.1. Таълим, фан ва техника йўналишидаги ҳамкорликнинг ютуқ ва истикболлари**

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари нафақат, иқтисодий жиҳатдан гуркираб ривожланган, балки таълим, фан, техника борасида ҳам илдамлаб бормоқда. Мамлакатларимизнинг ўзаро таълим алмашинувлари ҳар бир давлат учун етук мутахассисларни етиштиромоқда. Таълим тажрибалари ўрганилиб, амалиётга тадбиқ этилмоқда.

**Ўзбекистон-Сингапур.** Сингапур давлати томонидан таълим тизимиغا, ўқув масканларига катта имтиёзлар берилгани, аҳоли, айниқса, ёшларни таълим олишга, касб эгаллашга рағбатлантириш имкониятлари таъминланган. Халқнинг маданиятини, маърифатини, сиёсий савиясини юксалтиришга эътибор жиҳатдан Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишларга хос – “Ислохотлар ислохотлар учун эмас, ислохотлар – инсон учун!” деган шиорга амал қилинишини Сингапур мисолида ҳам кўриш мумкин. Сингапур бу ютуқларга инқилобий сакрашларсиз, тадрижийлик, босқичма-босқич ривожланиш йўлидан дадил боргани туфайли эришганини кузатиш мумкин.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Сингапур Менежмент университети, Сиёсий тадқиқотлар маркази ҳамда Наньянг Технология университети ҳузуридаги Халқаро тадқиқотлар мактаби ўртасида академик ва илмий алоқалар йўлга қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳамда Сингапур давлат хизмати коллежи ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка ҳам асос солинди<sup>128</sup>.

---

<sup>128</sup> Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон ва Жануби – Шарқий Осиё таълим ҳамкорлиги йўлида. // Тафаккур ва талқин. Бухоро давлат университети магистрантларининг илмий мақолалар тўплами. Бухоро.2016 йил. 10-бет.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ва Сингапур маданий-гуманитар ҳамкорликни чуқурлаштиришга, иқтисодиёт, молия ва сайёҳлик соҳаларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича узоқ муддатли ҳамкорликни тараққий топтиришга ҳам катта эътибор қаратаётир. 2008 йилда Тошкентда Сингапур Менежментни ривожлантириш институтининг ташкил этилиши бунинг яққол мисолидир.

Мазкур олий ўқув юртида ўқиш муддати тўрт йил бўлиб, 11 йўналиш (Гуманитар фанлар бўйича бакалавр даражаси: *Бухгалтерия ҳисоби ва молия, Бизнесда информацион технологиялар, Бизнес ва корхона бошқаруви, Бизнес ва молия бошқаруви, Бизнес ва маркетинг бошқаруви*; Бизнес бакалавр даражаси: *Халқаро туризм ва меҳмонхона бошқаруви*; Табиий фанлар бўйича бакалавр илмий даражаси: *Банк иши молия, Саноат менежменти, Бизнес иқтисодиёти, Молия, сармоя ва таваккал*) бўйича бакалавр, икки йўналиш (Бизнес бошқаруви магистри (МВА): МВА – Молия / МВА - маркетинг) бўйича магистрлар тайёрланади.<sup>129</sup>

Ўзбекистон иқтисодиёти, унинг салоҳияти доимий равишда хорижий делегация вакиллари қатори сингапурлик вакиллар томонидан юқори эътироф этилади. 2013 йилнинг 20-23 ноябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган Осиё Қуёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишида Сингапур ишлаб чиқарувчилари Федерацияси аъзоси Майкл Тенгнинг билдирган фикрлари эътиборга молик: “Охирги беш йил давомида офтоб нуридан инсон манфаатлари йўлида фойдаланиш мақсадида соҳага 520 миллиард доллар миқдорида инвестиция йўналтирилгани кўп нарсани англатади. Бу ҳақда Президент Ислом Каримов форумнинг олтинчи йиғилишидаги нутқида алоҳида тўхталиб ўтди”.<sup>130</sup> Мамлакатларимиз тадбиркорлари доимий равишда ҳамкорлик форумларини ўтказиб келишади. 2013 йил пойтахтимизда Ўзбекистон – Сингапур бизнес форуми бўлиб ўтганлиги

<sup>129</sup> Халқ сўзи. 2013 йил 3 июль, № 128 (5802). –Б.4.

<sup>130</sup> Қуёш энергетикаси ривожига янги босқич. // Халқ сўзи. 2013 йил. 27 ноябрь. № 232 (5906). –Б.2.

хамда Сингапур Республикаси ишбилармонларининг мазкур форумда иштироки ана шундай ўзаро ҳамкорликлардан биридир.<sup>131</sup>

**Ўзбекистон-Малайзия.** Бугунги кунда Ўзбекистон-Малайзия давлатлари ўртасидаги тенг томонли имзоланаётган шартномалар, амалга оширилаётган истиқболли дастурлар эътиборга молик. “Истеъдод” жамғармаси билан Малайзия очик университети, Тошкент ахборот технологиялари университети билан Малайзия мультимедиа университети ўртасида имзоланган ўзаро англашув меморандумлари доирасида олий ўқув юртлари ўзаро алоқаларининг тобора кенгайиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Миллий кутубхоналар, академик доиралар, қатор илмий тадқиқот муассасалари ўртасида ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган.

2010 йили Ўзбекистонга Перлисдаги Малайзия университети (ПМУ) делегациясининг сафари уюштирилган эди ва унинг доирасида Тошкент давлат автомобил йўллари институти ҳамда Перлис университети ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Бундан илгарироқ, Перлисдаги Малайзия университети билан Тошкент давлат техника университети, Жаҳон тиллари университети ва Тошкент тиббиёт академияси каби Ўзбекистоннинг қатор олий ўқув юртлари ўртасида ҳамкорлик ҳақида меморандум, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Малайзия ўртасида олий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро меморандум имзоланган эди.<sup>132</sup>

Малайзия техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукумат дастури (МТХД) доирасида Ўзбекистон вазирлик ва идораларининг вакиллари Малайзиядаги турли қисқа муддатли таълим курслари ва семинарларда қатнашмоқда. 2013-йилнинг сентябрь ойига қадар бўлган давр оралиғида 500 га яқин ўзбек мутахассислари МТХД семиналарида таълим олишди<sup>133</sup>.

---

<sup>131</sup> Дилшод Жумабобоев. Ўзаро ҳамкорлик янада кенгайди. // Халқ сўзи. 2014 йил, 1 апрель. № 62 (5992). –Б.2.

<sup>132</sup> Ўзбекистон-Малайзия: самарали ҳамкорликнинг 20 йили. // Халқ сўзи. 2012 йил, 23 февраль. №38 (5458).2-бет.

<sup>133</sup> Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон ва Жануби – Шарқий Осиё таълим ҳамкорлиги йўлида. // Тафаккур ва талқин. Бухоро давлат университети магистрантларининг илмий мақолалар тўплами. Бухоро.2016 йил. 8-11 бетлар

Биргина 2014 йилнинг 5 май куни Малайзия Бош вазирининг ўринбосари, таълим вазири Муҳиддин бин Ҳожи Муҳаммад Яссиннинг юртимизга ташрифи чоғида қатор ишлар амалга оширилди. Муҳаммад Яссин Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасидаги алоқалар икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар асосида кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди.<sup>134</sup>

Ҳозирда Ўзбекистон ва Малайзия давлати ўртасида турли соҳаларни, жумладан, савдо-сармоя, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш, ҳаво транспорти қатнови, илм-фан, маданият, сайёҳлик, табиий ресурсларни ўзлаштириш каби йўналишларни қамраб олувчи 20 дан ортиқ ҳужжатдан иборат бўлган мустақкам шартномавий-ҳуқуқий асос мавжуд. Ташриф давомида Муҳиддин бин Ҳожи Муҳаммад Яссин Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири Алишер Ваҳобов билан учрашди. Музокараларда давлатларимиз ўртасидаги таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Малайзия Бош вазири юртимизда таълим соҳасида яратиб берилаётган кенг имкониятлар билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар билан ҳам учрашди. Мазкур университетда 20 га яқин хорижий тил, жумладан, малай тили бўйича ҳам сабоқ берилади. Олий ўқув юртида фаолият юритаётган Малай тили маркази талабаларнинг ушбу тилни чуқур ўзлаштиришига кўмаклашиш баробарида, университет билан ҳамкорликда қатор маданий тадбирлар ва анжуманлар ўтказиб келмоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Малайзиянинг қатор таълим муассасалари, жумладан, Перлис ва Султон Идрис университетлари ҳамда Аллианс тиббиёт коллежи билан фаол ҳамкорликни йўлга қўйган<sup>135</sup>.

Икки мамлакат ўртасидаги академик алоқаларни жадаллаштириш мақсадида ҳар йили Тошкентда Малайзия таълим ярмаркалари ўтказилади ва

---

<sup>134</sup> Малайзия делегацияси Ўзбекистонда // Халқ сўзи. 2014 йил, 6 май. 87 (6017)-сон. 1-бет.

<sup>135</sup> Курбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон ва Малайзия давлати маданий алоқалари. // Бухоро давлат университети Илмий ахбороти (илмий журнал). 2016 йил 1-сон. –Б.122.



уларда ушбу мамлакатнинг етакчи олий ўқув юртлари вакиллари иштирок этади.

Ўзбекистон, айниқса, пойтахтимиз азим Тошкент Марказий Осий минтақасида муҳим ижтимоий, сиёсий ва маданий марказ эканлиги боис мазкур кентда кўплаб халқаро анжуманлар ҳам ташкил этилди. Жорий йилнинг 10-11 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган “Фундаментал ва амалий физика ривожининг янги тенденциялари: муаммолар, ютуқлар, истиқболлар” мавзuidaги халқаро симпозиум фикримизнинг ёрқин далилидир. Унда дунёнинг қарийб 30 та давлатлари қаторида Малайзия давлатининг етакчи олимлари ҳам иштирок этди.<sup>136</sup>

**Ўзбекистон-Индонезия.** Минг ороллар мамлакати дея шуҳрат қозонган Индонезия давлати билан таълим ва илм-фан соҳасида олиб борилаётган кўп томонлама ҳамкорлик ҳам эътиборга молик. Шунини фахр билан эътироф этиш жоизки, Индонезия давлати вакиллари мамлакатимизда ўтказиладиган халқаро симпозиум ҳамда анжуманларда доимий иштирок этиб келади. Хусусан, 2013 йил 20-23 ноябрь кунлари Тошкентда Осиё куёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишида Индонезиянинг Гуандарма университети Ахборот технологиялари бўйича докторлик лойиҳалари котибияти раҳбари, профессор Эри Прасетйо Вибовонинг қатнашганлиги фикримизнинг далилидир. Олимнинг мазкур симпозиумда сўзлаган нутқи диққатга сазовордир: Халқингиз ниҳоятда меҳмондўст ва самимий экан. Юртингиз табиати хусусида фикр юритиш кишига завқ бағишлайди. Мусаффо ҳавоси, азим тоғлари, қиру адирлари ниҳоятда бетакрор. Мана шундай жаннатмонанд мамлакатда меҳмон бўлиб турганимдан, боз устига йирик форумда иштирок этаётганимдан жуда бахтиёрман. Таълим муассасамиз куёш энергетикаси жабҳасида ҳам илмий изланишлар олиб бормоқда. Бу йўлда турли ихтиролар қилганмиз, қурилмалар яратганмиз. Анжуманда ана шу янгиликлар билан ўртоқлашяпмиз. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг бу борадаги илмий ютуқлари, тажрибаларини яқиндан

---

<sup>136</sup> Симпозиум қатнашчилари Самарқандда. // Халқ сўзи. 2016 йил, 15 ноябрь. № 225 (6660)-сон. –Б.3.

ўрганаёпмиз. Бунда Фанлар академияси институтлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва тараққий топтиришдан манфаатдормиз.<sup>137</sup>

Шуни яна алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ва Индонезия давлатлари маданий-гуманитар соҳаларда ҳам ҳамфикр ва ҳамқадам. 2014 йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзuida бўлиб ўтган халқаро конференциянинг якунлари Ўзбекистоннинг Жакартадаги дипломатия ваколатхонасида Индонезия университетлари форумининг раиси Лаод Камолуддин билан бўлиб ўтган учрашув чоғида муҳокама қилинган ҳамда улуг ватандошларимиз илмий мероси тадқиқ этилган.<sup>138</sup>

Шунингдек, яқинда пойтахтимизда “Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш миллий тизими: мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар” мавзuida халқаро конференциянинг юқори савияда ўтказилганлиги эътиборга молик. Унда дунёнинг нуфузли суд-ҳуқуқ идоралари вакиллари иштирок этиб, мамлакатимизнинг ҳуқуқ тизимини ўрганиб, юксак баҳо берди. Анжуман иштирокчиси, Индонезия Республикаси омбудсмани Амзулиан Рифаининг таассуротлари ҳам диққатга сазовордир: Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ долзарб масалаларни ўрганиш, таҳлил қилиш, илғор тажрибаларни ўртоқлашиш, истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишда ушбу тадбирнинг аҳамияти беқиёс. Ўрни келганда айтиш керакки, Юртингизда фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар томонлама кафолатланган. Ўзбекистонда мазкур соҳада фаолият юритаётган миллий институтлар тажрибаси билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдим. Гувоҳи

---

<sup>137</sup> “Ўзбекистон билан муқобил энергетика соҳасида ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз”. Сўз форум иштирокчиларига. // Халқ сўзи. 2013 йил 23 ноябрь № 230 (5904).-Б.1-4.

<sup>138</sup> Лаод Камолуддин: “Юртингизда улуг аллома ва мутафаккирлар меросига кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром таҳсинга сазовордир”. //Халқ сўзи. 2014 йил 3 июнь, № 106 (6036).-Б.1.

бўлдикки, ушбу институтларнинг самарали иш олиб бориши учун давлат томонидан зарур шароитлар яратилган.<sup>139</sup>

Мана қарийб чорак аср бўлибдики, Мустақил Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан тенг томонлама манфаатли ҳаморлиги тараққиётнинг порлоқ истиқболи учун мустаҳкам пойдевор бўла олди. Буни йиллар давомида босқичма-босқич амалга оширилган ислохотлар, элчилик алмашинувлари, имзоланган шартномалар мисолида кузатиш қийин эмас. Айниқса, мамлакатларимизнинг таълим, илм-фан борасидаги яқдиллиги, ҳамфикрлиги нафақат, уларнинг қадимдан руҳияти ва этник жихатдан бир-бирига яқин бўлганлиги, балки узоқни кўзлаб олиб борилаётган стратегик сиёсатнинг нечоғли оқилона ва тўғри эканлигидан далолат бермоқда. Вақт синовидан ўтган ўзаро ҳамкорлик давлатларнинг иқтисодиётини юксалтирибгина қолмай, балки уларнинг дунёнинг етакчи ривожланган мамлакатлари қаторидан жой олишида, айниқса, фан ва таълим йўналишида тажриба ва салоҳиятларини мустаҳкамлаши шубҳасиз.

---

<sup>139</sup> Фариди Маҳкамова. Миллий тизим ва самарадорлик. // Халқ сўзи. 2016 йил, 22 октябр. № 209 (6644)-сон.- Б.1.

### 3.2. Мамлакатлараро туризм индустрияси ривож

Маълумки, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришиш бугунги замонавий давлатчилик тараққиётидаги муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Яқинда айтиш мумкин шу кўрсаткичлар бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида АҚШнинг Колумбия университети социологлари томонидан ижтимоий сўров ва тадқиқотлар ўтказилиб, шу асосда “Бутунжаҳон бахт индекси”нинг (“World happiness Index”) янги рейтинги эълон қилинди. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, ушбу рўйхатда Ўзбекистон 158 мамлакат орасида 44-поғонада, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар орасида эса биринчи ўринда қайд этилди. Айтиш жоизки, бундан икки йил аввал мазкур рўйхатда мамлакатимиз 60-ўринни банд этган эди.

Буюк Британиянинг нуфузли “Экономист” журналининг эътироф этишича, Ватанимиз пойтахти – азим Тошкент шаҳри ободлиги ва яшаш учун қулайлиги жиҳатидан дунё рейтингида 140 та шаҳар орасида 58-ўринни эгаллайди.

АҚШнинг “The Huffington Post” нашри томонидан Самарқанд шаҳри “Дунёнинг албатта бориб кўриш керак бўлган 50 шаҳри” рўйхатига киритилгани ва бундай эътирофга эришишда ҳам МДҲ мамлакатлари ўртасида Ўзбекистон ягона экани эътиборга сазовордир<sup>140</sup>. Бу рўйхатни янада давом эттириш мумкин. Аммо гап фақат рақам далилларда эмас, балки бундан халқаро микёсда юксак эътироф замирида, аввало, ўз вақтида тўғри танланган “ўзбек модели” деб ном олган, халқимиз манфаатларига тўла жавоб берадиган миллий тараққиёт стратегияси, эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати ҳал қилувчи омил ва мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Биргина мана шу статистикаларнинг ўзи Ўзбекистон нақадар бетакрор мамлакат, беқиёс туризм потенциалига эга давлат эканини намоён этади. Туризм соҳасини ривожлантиришда эса

---

<sup>140</sup> Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир.Т. “Ўзбекистон”.2015.-Б.11-12.

Ўзбекистон дунёнинг энг кучли туристик мамлакатлари саналган Жануби-Шарқий Осиёнинг Сингапур, Малайзия тажрибасидан кенг фойдаланади ва ҳозирда ҳам амалиётда қўлламоқда.

**Ўзбекистон-Малайзия.** 2015 йилнинг 23-27 апрель кунлари маданият ва туризм соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш доирасида Малайзия Маданият ва туризм вазири Дато Сери Моҳаммед Назри бин Абдул Азиз Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ушбу икки давлат сайёҳлик ва туризм соҳасида ҳам қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. 2014 йилнинг апрел ойида Куала-Лумпурда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимотнинг ўтказганлиги бунга ёрқин мисолдир. Тақдимот мамлакатимизнинг Малайзиядаги дипломатия миссияси томонидан Ўзбекистон Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси ҳамда Малайзия сайёҳлик агентликлари уюшмаси (МАТТА) ҳамкорлигида ташкил қилинди. Тадбирда Малайзиянинг туризм индустрияси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди<sup>141</sup>.

Унда Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси тараққиётининг асосий йўналишлари, ўзбек халқининг тарихий-маданий ва илмий меросини тиклаш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар тўғрисидаги атрофлича маълумотлар ҳавола қилинди. Мамлакатимизга дунёнинг турли давлатларидан, шу жумладан, Малайзиядан келаётган сайёҳларнинг сони тобора ортиб бораётгани баробарида, улар ислом тамаддунининг Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент сингари шаҳарларида қад кўтарган маҳобатли меъморий обидаларнинг мафтуни бўлишаётгани алоҳида қайд этилди.

Юртимизда туризмнинг анъанавий ва янги турлари, хусусан, тарихий ва меъморий обидаларни зиёрат қилиш, экологик, тиббиёт саёҳатлари, агротуризм ва альпинизм имкониятлари ҳақидаги ахборотлар тадбир меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, тақдимот доирасида

---

<sup>141</sup> Қурбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон ва Малайзия давлати маданий алоқалари//Бухоро давлат университети Илмий ахбороти (илмий журнал).2016 йил 1-сон. –Б.122.

катнашчилар 2014 йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган “Ипак йўлида туризм” XX-Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси тўғрисидаги атрофлича маълумотлар билан ҳам танишдилар.

Тақдиротда сўзга чиққан МАТТА президенти Ҳожи Ҳамза Раҳмат “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг тўғридан-тўғри мунтазам авиақатновлари туфайли Ўзбекистон бўйлаб саёҳатга йўл олаётган малайзияликлар сони тобора ортиб бораётганини таъкидлади. Бундан ташқари, Куала-Лумпур ва Тошкентда қўшма туризм ярмаркалари ташкил этилиши мўлжалланаётганини, улар икки мамлакат сайёҳлик компаниялари учун ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш ва ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишини айтди.

Тадбирда мамлакатимизнинг ривожланиш тарихи, ўзбек халқининг ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Имом Бухорий, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек сингари улуғ фарзандлари, уларнинг дунё цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссалари хусусида сўз борди. Тақдирот якунида ўзбек миллий ашула ва рақсларидан иборат маданий дастур намойиш этилди.<sup>142</sup>

Маълумки, ҳар йили юртимизнинг барча ҳудудларида шарқона янги йил байрами, миллий умумхалқ байрами ҳисобланган Наврўз жуда кўтаринки завқу шавқ билан қарши олинади. Айниқса, пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтадиган байрам тантаналари чет эллик сайёҳлар, хорижий элчилар ҳамда дипломатик корпус вакиллари билан гавжум бўлади. Хорижий меҳмонлар доимо ўзбек халқига ўзининг қутловларини изҳор этишади. Улар орасида малайзиялик меҳмонларнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Малайзиянинг Ўзбекистондаги Фавқулудда ва мухтор элчиси Абдул Азиз бин Ҳоруннинг билдирган фикрлари диққатга сазовордир: “Баҳор даракчиси – Наврўз байрамининг нишонланиши анъанаси кўҳна илдизларга ва кўп йиллик тарихга эга. Шуниси қувонарлики, Ўзбекистон раҳбарияти бу

---

<sup>142</sup> Ўзбекистон сайёҳлик имкониятлари Куала-Лумпурда тақдим этилди // Халқ сўзи. 2014 йил, 22 апрель. 77 (6007)-сон. 1-2 бетлар.

гўзал анъанани қайта тиклади. Наврўз ҳар йили нафақат Тошкентда, балки республиканинг барча ҳудудларида нишонланади. Мен Наврўз нафақат табиат уйғониши ва баҳор келишининг, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, бағрикенглик, миллатлараро ҳамжиҳатлик, халқ бирдамлиги ҳамда келажакка бўлган ишончининг рамзи ҳамдир. Дунёнинг айрим мамлакатларида уруш ва низолар давом этаётган бир шароитда Ўзбекистонда барқарорлик ва хавфсизлик ҳукмрон. Бугунги байрам тантаналари буни яққол намоён этмоқда. 2014 йил Ўзбекистонда “Соғлом бола йили” деб эълон қилинган нуктаи назаридан олиб қараганда, Наврўзи оламнинг нишонланиши алоҳида мазмун касб этади. Мен буни тўғри ташаббус, деб ҳисоблайман. Чунки болалар ҳар қандай мамлакатнинг келажэгидир. Қайси юртда ўсиб келаётган авлодга ғамхўрлик бўлса, унинг ажойиб келажаги таъминланган бўлади”<sup>143</sup>.

Ҳақиқатдан ҳам, “Binary” Менежмент ва тадбиркорлик университети ижрочи раиси Жозеф Адайкаламнинг қуйидаги сўзлари ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди: “Ўзбекистонда таълим тизимидаги ислохотлар кишида алоҳида таассурот қолдиради. Ўқитиш даражаси ҳамда сифатини оширишга йўналтирилган таълим меъёрлари ва дастурларининг такомиллаштирилгани, янги мактаб, академик лицей, коллеж ҳамда олий ўқув юртларининг барпо этилгани ва моддий-техника базаси мустаҳкамлангани алоҳида эътиборга сазовор”.<sup>144</sup>

**Ўзбекистон-Сингапур.** Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг 2007 йилда Сингапур давлатига ташрифи жараёнида Сингапурдаги Ботаника боғи ҳамда Осие цивилизациялари музейида бўлди. 1859 йилда бапро этилган Ботаника боғи шаҳарнинг марказида жойлашган. 52 гектар майдонни эгаллаган ушбу масканни тропик ўсимликлар хазинаси деб ҳам атайдилар. Айниқса, унинг ичидаги Орхидея боғи, Оққуш кўли, Симфония кўли,

<sup>143</sup> Дипломатлар кутлови // Халқ сўзи. 2014 йил, 25 март. 57 (5987) - сон.2-бет.

<sup>144</sup> Ўзбекистон эришган муваффақиятлар малайзиялик мутахассислар нигоҳида // Халқ сўзи. 2014 йил, 25 январь 18 (5948)-сон. 1-бет.

Занжабил боғи, Пальмалар водийси, 4 гектарлик экваториал ўрмон кишини хайратга солади. Орхидея Сингапурнинг рамзларидан биридир. Мамлакатга ташриф буюрган ҳар бир нуфузли меҳмон Орхидея боғига боради. У ерда мазкур гулнинг янги навлари яратилади. Бу сафар яратилган янги нав Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номи билан аталди. Осиё цивилизациялари музейининг экспозицияларида эса қитъа халқларининг маданий мероси акс эттирилган: турли халқлар амалий санъати намуналари, кумуш ва чиннидан ясалган нодир буюмлар, ранг-баранг галереялар, ёш зиёратчилар учун ташкил этилган махсус марказ.

“Азиа Линкс” компанияси бошқарувчиси Даран Равин(Сингапур) эса ўз компаниясининг ваколатхонаси Ўзбекистонда саккиз ойдан буён фаолият кўрсатаётганини айтди. Унинг таъкидлашича, Ўзбекистон сайёҳлик соҳасида улкан имкониятларга эга. -Ўзбекистонлик шериклар билан юртингизда сайёҳлар соҳасида менежмент – бошқарув санъатини ривожлантириш йўналишида ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз, - деди Д.Равин.

Ўзбекистон ва Сингапур туризм ҳамда сайёҳлик соҳасида мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйган. Яқинда Сингапурда чоп этиладиган оммабоп нашрларда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган қатор суратли мақолалар эълон қилинди. Хусусан, “Sports & Travel” журнали ва сайёҳлик масалаларини ёритишга ихтисослаштирилган “Asian Geographic” журнали ўз ўқувчиларини юртимизнинг беқиёс табиати, бой тарихий-маданий ва маънавий мероси, шунингдек, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги билан таниширди<sup>145</sup>.

“Sports & Travel” журналида ёзилишича, сўнгги йилларда Ўзбекистон сайёҳлар учун тобора жозибадор мамлакатга айланмоқда. Журнал саҳифаларида қайд этилишича, “Ўзбекистон, бу – сеҳрли диёрга саёҳат бўлиб, Буюк ипак йўлининг асосий чорраҳаларини, моддий-маданий бойликлар – турли тарихий даврлар ва сулолалардан асрлар оша бизгача етиб

---

<sup>145</sup>Қурбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Сингапур – Ўзбекистоннинг Жанубий-Шарқий Осиёдаги ишончли ҳамкори. // “Тарих тилга кирганда...” (Илмий мақолалар тўплами). Даврий тўплам №8. “Наманган”. 2016.- Б.324-329.



келган ҳашаматли ёдгорликларни ўз кўзинг билан кўришинг ва уларни ҳис қилишинг учун ноёб имкониятларни тақдим этадиган мамлакатдир. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистоннинг замонавий шаҳарлари – Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Тошкент тасаввуримизда шарқона гўзаллик ва мўъжизавийлик тимсоли сифатида яшаётир. “Asian Geographic” журналида келтирилишича эса, “Хорижлик сайёҳлар учун Қизилқум ва Қорақум саҳроларида изланишлар олиб бориш ҳамда отда саёҳат қилиш, Фарбий Тянь-Шань тоғларида альпинизм билан шуғулланиш имконияти мавжуд. Қолаверса, Ўзбекистоннинг миллий қўриқхоналари ва дам олиш масканлари ҳам сайёҳларни бирдек жалб этади. Тошкент ва Жиззах вилоятларининг табиати гўзал жойларида дам олувчилар барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилган махсус экология ҳудудлари ташкил этилган. Бундан ташқари, минерал булоқлар ёнида замонавий даволаш муассасалари ҳам фаолият юритади”.<sup>146</sup> Ҳар икки мақолада ҳам ўзбек халқининг самимий меҳмондўстлигидан хорижлик меҳмонлар доимо илиқ таассуротлар орттириши, Буюк Ипак йўли ганжиналари ҳисобланган Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларининг улуғвор гўзаллиги эса ҳеч бир Сингапур сайёҳларини бефарқ қолдирмаслиги алоҳида таъкидланади.

**Ўзбекистон-Индонезия.** Ўзбекистон ва Индонезия давлатлари маданий-гуманитар соҳаларда ҳам ҳамфикр ва ҳамқадам. 2014 йилнинг 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигаги роли ва аҳамияти” мавзуида бўлиб ўтган халқаро конференциянинг якунлари Ўзбекистоннинг Жакартадаги дипломатия ваколатхонасида Индонезия университетлари форумининг раиси Лаод Камолуддин билан бўлиб ўтган учрашув чоғида муҳокама қилинган ҳамда улуғ ватандошларимиз илмий мероси тадқиқ этилган.<sup>147</sup>

---

<sup>146</sup> Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти Сингапур матбуоти саҳифаларида. // Халқ сўзи. 2012 йил 20 июнь. № 120 (5540). –Б. 1-2.

<sup>147</sup> Лаод Камолуддин: “Юртингизда улуғ аллома ва мутафаккирлар меросига кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром таҳсинга сазовордир”. //Халқ сўзи. 2014 йил 3 июнь, № 106 (6036).-Б.1.

Бундан ташқари туризм ва сайёҳлик соҳасида ҳам мамлакатларимиз яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Буни 2014 йил 2 октябрь куни Самарқанд шаҳридаги “Форумлар мажмуаси” да БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Ижроия Кенгашининг 99-сессиясида иштирок этиш учун юртимизга ташриф буюрган Индонезия сайёҳлик вазирининг ўринбосари Сапта Нирвандарнинг фикрларидан билиб олиш мумкин: Ўзбекистон – сайёҳлик салоҳияти юқори мамлакат. Кўплаб маданий объектлар ва қадимий шаҳарлар ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилгани ана шундан далолат беради. Ер юзидаги бебаҳо обидалар, юксак меъморлик намуналари саналган Мирзо Улуғбек расадхонаси, Регистон ансамбли ва бошқа кўплаб меъморий обидаларни кўриш бахтига муяссар бўлганимдан бахтиёрман.<sup>148</sup> Бу фикрларни Индонезия Туризм вазирлигининг халқаро алоқалар бўйича департаменти директори ҳам юксак мамнуният билан билдирган эди.<sup>149</sup>

**Ўзбекистон-Вьетнам.** Мамлакатларни боғловчи муҳим ришталар, нафақат, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар алоқалар, балки туризм индустрияси ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон ва Вьетнам туризм соҳаси бўйича бой тажрибага эга мамлакатлардир. Ҳар икки мамлакат ҳам тизимни ривожлантиришга, ўзаро тажриба алмашиш ва мустақкам ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда ялпи маҳсулотнинг 10, хизматлар экспортининг 30, иш билан банд бўлганларнинг 9, инвестицияларнинг 11, солиқ тушумининг 5, хизматлар савдосининг эса 33 фоизи айнан туризм ҳиссасига тўғри келмоқда<sup>150</sup>. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон 1993 йилда Жаҳон сайёҳлик ташкилотига аъзо бўлиб кирди. Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан, аввало туризм соҳасининг ҳуқуқий асоси яратилиб, 1999 йилда “Туризм тўғрисида”ги

<sup>148</sup> “Ўзбекистоннинг туризм имкониялари бизни хайратга солди”. // Халқ сўзи. 2014 йил 3 октябрь. № 191 (6121). –Б.3.

<sup>149</sup> БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси. Тошкент. “Ўзбекистон”.2014.-Б.46-47.

<sup>150</sup> Обиджон Ҳамидов. Бетакрор табиат, бебаҳо мерос, қулай инфратузилма туризм индустрияси ривожда катта аҳамиятга эга. // Халқ сўзи. 2016 йил, 11 февраль. № 29 (6464). 1-4 бетлар.

Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани муваффақиятларнинг бош омили бўлди. Ислохотлар самараси сифатида таъкидлаш мумкинки, биргина 2014 йилда дунёнинг 70 дан ортиқ давлатидан 2 миллиондан зиёд сайёҳ мамлакатимизга ташриф буюрган. Булар орасида вьетнамлик сайёҳлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди<sup>151</sup>.

Ўзбекистоннинг яқин ҳамкорларидан саналган Вьетнам ҳам доимий равишда туризм қўламини кенгайтириш, янги объектларни ташкил этиш, янги маршрутларни йўлга қўйиш, айниқса, экотуризмни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар олиб бормоқда. Мамлакатда яқиндагина Фонгия-Кебанг миллий хиёбони ҳудудидан дунёдаги энг катта Шондонг ғорининг топилиши билан мазкур мамлакатга сайёҳлар оқими кучайди. Вьетнамликлар тилида “Тоғ дарёси ғори”ни англатувчи Шондонг бугунги кунда туристларнинг энг гавжум масканига айланган. Фонгия-Кебанг миллий хиёбони Вьетнамнинг Куангбинь вилоятида жойлашган бўлиб, майдони – 85 минг 754 гектардир. 1993 йилда мазкур хиёбон ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган.<sup>152</sup> Ғор 1991 йилда Хо Хань исмли маҳаллий аҳоли вакили томонидан кашф этилганлиги диққатга молик. Ғорнинг узунлиги 7,2 километр. Мазкур табиат мўжизасига бир вақтнинг ўзида 450 кишини оммавий саёҳатга жалб этиш мумкин. Киши бошига тушадиган саёҳат қиймати эса камида 3 минг долларни ташкил этади<sup>153</sup>. Албатта, бу каби мафтункор ва ғаройиб масканлар сайёҳларга эстетик завқ бағишлаш билан бирга, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Мамлакат иқтисодиёти улкан бир механизм бўлса, бу машинанинг тўхтовсиз ҳаракатини ва келажак истиқболини белгиловчи асосий

---

<sup>151</sup> Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон ва Вьетнам: туризм индустрияси ривожини. // “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ҳаёт: тарих ва таҳлил” мавзuidaги республика илмий анжумани материаллари. Термиз давлат университети. 2016 йил, 10-11 май. –Б.109.

<sup>152</sup> Шахзод Ғаффоров. Тоғ дарёси ғори ғаройиботлари. // Миллий тикланиш. 2016 йил, 6 январь. №1 (373). 7-бет.

<sup>153</sup> Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон ва Вьетнам: туризм индустрияси ривожини. // “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ҳаёт: тарих ва таҳлил” мавзuidaги республика илмий анжумани материаллари. Термиз давлат университети. 2016 йил, 10-11 май. –Б.109.

ғилдираклардан бири бу туризмдир. Шу боис, ушбу соҳани янада ривожлантириш масаласига дунёдаги барча давлатлар сингари Ўзбекистонда ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили Бухоро шаҳрида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ипак ва зираворлар” халқаро туристик фестивали бунинг ёрқин далилидир. Мазкур нуфузли тадбир Бухоро вилоят ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, “Ўзбектуризм” миллий компанияси ҳудудий бошқармаси, “Ҳунарманд” ижодий уюшмаси, “Олтин мерос” халқаро жамғармаси ва қатор нодавлат-нотижорат ташкилотлар ташаббуси билан ташкил этилмоқда. Унда дунёнинг кўпгина мамлакатлари қаторида Жануби-Шарқий Осиё минтақасининг Малайзия, Вьетнам, Индонезия мамлакатлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон тенглар ичида тенг давлат сифатида тараққиётда илдам қадам ташламоқда. Бу борада давлатимизнинг Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ўрнатган туризм соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

### 3.3. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ва Ўзбекистоннинг маданий соҳадаги муваффақиятлари

Ўзбекистон ва Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари маданий, диний, этник ва руҳияти нуқтаи назардан бир-бирига яқин мамлакатлар ҳисобланади. Мамлакатлар орасидаги ушбу яқинлик эса уларнинг ўзаро маданият кунлари, турли миллий фестиваллар ва тадбирларни ташкил этишда кўзга ташланмоқда.

**Ўзбекистон-Малайзия.** Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб, дунё давлатлари билан фаол ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳаларда ҳамкорликни кенг йўлга қўйди. Айниқса, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан ўрнатган дипломатик алоқалари бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда. Ана шундай Тинч океани ҳавзаси мамлакатларидан бири Малайзия давлатидир.

Икки давлат илм-фан ва маданият жамоатчилиги ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш мақсадида 1998-йил Тошкентда “Ўзбекистон-Малайзия” Дўстлик жамияти ташкил этилди. Шунингдек, Малайзия вакиллари ҳам Самарқанддаги “Шарқ тароналари” халқаро фестивалида мунтазам қатнашиб келади. 2007 йилда Жоҳор штатидан ташриф буюрган “Газал Сери Махарани” анаъанавий миллий мусиқа гуруҳи мазкур халқаро танловда учинчи ўринни эгаллаган эди.<sup>154</sup>

Давлат арбоби, Биринчи Президентимиз, Ислом Каримовнинг асарлари, маърузалари бутун дунёда ўрганилгани каби, Малайзияда ҳам кенг таҳлил этилади. Масалан, Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси Малайзияда ташкил этилган давра суҳбатида муҳокама этилди. Бунда Малайзия ташқи ишлар

---

<sup>154</sup> Курбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон ва Малайзия давлати маданий алоқалари//Бухоро давлат университети Илмий ахбороти (илмий журнал).2016 йил 1-сон. –Б.120-124.

вазирининг ўринбосари Дато Ҳамза Зайнутдиннинг “Малайзия Ўзбекистонни ўзининг Марказий Осиёдаги муҳим шериги сифатида билади. Мамлакатларимизни тарихий, маданий ва маънавий яқинликлар боғлаб туради. Қатор халқаро муаммолар ечими бўйича яқдил нуқтаи назарга эга бўлган Ўзбекистон ҳамда Малайзия ўз минтақаларидаги тинчлик ва оқошталикни таъминлашда муҳим ўрин тутди”, сингари хулосалари бунинг яққол далилидир.<sup>155</sup>

Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан бири Тинч океан ҳавзаси мамлакатлари билан алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган. Бугунги кунда бу мамлакатлар орасида Малайзия билан давлатлараро алоқа ўрнатиш алоҳида аҳамиятга эга.

XXI аср иккинчи ўн йиллигида Малайзия ҳукумати мамлакат иқтисодийетини ривожлантиришни устувор вазифа қилиб қўйди. Ушбу дастур “Перспектива-2020” деб номланган. Мазкур вазифалар орасида энг муҳими – замонавий технологияларни қўллаш, кадрлар тайёрлаш тизимини яхшилаш, уларнинг умумтаълим даражасини ошириш, ғарбий ва шарқий Малайзия худудларининг бир меъёрда тараққий этишига эришишдир.<sup>156</sup>

Шунингдек, Ўзбекистон ва Жанубий Шарқий Осиё мамлакатлари кино санъати соҳасидаги ҳамкорлигини ҳам таъкидлаш лозим. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Куала – Лумпурдаги элчихонаси Ўзбекистон худудида “Мўғуллар империяси. Ҳақиқат” номли хужжатли фильмини 2016 йилнинг 22 апрелидан 30 апрелига қадар тасвирга олишни режалаштирган эди. Аини шу мақсадда жорий йилнинг 26-27 апрель кунлари Малайзиянинг “TV ALHIJRAN” телекомпаниясининг 6 кишидан иборат тасвирга олиш гуруҳи Бухорога ташриф буюрди. Мазкур ташрифдан кўзланган асосий мақсад Бухоро шаҳрининг тарихий ва туристик обидалари билан Малайзия оммасини таништириб, хужжатли фильм тасвирга олиш ҳисобланади. Тошкент, Самарқанд, Андижон каби тарихий шаҳарлар қаторида Бухоро

<sup>155</sup> Малайзияда давра суҳбати // Халқ сўзи. 2014 йил, 27 февраль 41 (5971)-сон. 1-бет.

<sup>156</sup> Большой Иллюстрированный Справочник. Страны и континенты. Москва. «Махаон».2005.-С.328.

шаҳрининг диққатга сазовор жойлари Минораи Калон, Бухоро мадрасалари ҳамда шаҳарнинг тарихий маркази ижодий гуруҳнинг диққат марказида бўлди. Малайзиянинг тасвирга олиш гуруҳида продюсер Муҳаммад Юсуф Хасан, ижрочи продюсер Жасми бин Шаҳри, бош продюсер Зорая Джаинионе Вадилло, оператор Муҳаммад Жафри Ихван бин Рослан, продюсер ассистенти Нор Айми Лйана бинти Моҳд Хайрани, таржимон Изхам Истардан иборат жамоатчилик қадим Бухорода ижодий сафарини амалга оширди.<sup>157</sup>

Охирги уч йил давомида Ўзбекистон қатор нуфузли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий тадбирларга мезбонлик қилиб, уларни юқори даражада ўтказишга бошчилик қилди. Мазкур халқаро тадбирларда Жанубий Шарқий Осиё мамлакатларининг ҳам фаол иштирок этгани уларнинг мамлакатимиз билан яқин дўстона муносабатларини намоён этди. Хусусан, Тошкентдаги Симпозиумлар саройида 2016 йилнинг 18 октябр куни Ислом Ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясининг ўтказилганлиги бунга далолат. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таклиф этган “Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” шиори остида сессиянинг ўтказилганлиги унинг мазмундорлигини янада оширди. Унда Малайзия ташқи ишлар вазири Анифа Аманнинг билдирган фикрлари эътиборга молик: Ўзбекистонга ҳар гал келганимда улкан ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Бу мамлакатингиз изчил ривожланиб бораётганининг ёрқин ифодаси. Ўзбекистонда ёш авлод тарбиясига қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида таълим ва фан соҳалари яхши ривожланган. Ўзбекистон Республикаси Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашига раислигида ушбу соҳаларга аҳамият қаратиши аъзо давлатларда таълим тизими ривожига ижобий таъсир қилади, деб ўйлайман.<sup>158</sup>

---

<sup>157</sup> Бухоро вилоят ҳокимлигининг Бухоро давлат университетига йўллаган хати. // Бухоро вилояти ҳокими ўринбосарининг 2016 йил, 14 мартдаги 3 / 1258-сон.

<sup>158</sup> Анвар Самадов, Умар Асроров. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. // Бухоронома. 2016 йил, 22 октябр. № 86-87-сон. –Б.2.

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда 2015 йилнинг 4 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юқори даражада ташкил этилди. Сайловда халқаро кузатувчиларнинг иштирок этиши ҳам сиёсий жараёнларнинг очиклиги ва шаффофлигини тасдиқлайди. Хорижий экспертларнинг мазкур муҳим сиёсий тадбир юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалари дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Ана шундай экспертлардан бири Малайзия парламенти Сенати президентининг ўринбосари Абдул Ҳалим бин Абд Самадир: Ўзбекистон Президенти сайлови боришини мониторинг қилиш учун тўрт нафар сенатордан иборат Малайзия делегациясига раҳбар бўлиш менга катта масъулият юклайди, айтиш чоғда, бу – шараф. Ушбу масъулиятли миссияга тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистоннинг сайлов тизими ва Президент лавозимига кўйилган номзодларнинг дастурларини батафсил ўрганиб чиқдим. Фикримча, Ўзбекистон сайлов тизими ўзбек давлатчилиги анъаналарини ҳамда барча сайловчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ўзида тўла акс эттирган. Ирқи, жинси, миллати ва диний эътиқоди қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар бир фуқаро бир овозга эга эканлиги сайлов жараёни максимал даражада демократия асосида ўтишини таъминлайди. Номзодларнинг сайловолди дастурлари хусусида гапирадиган бўлсак, улар мамлакат аҳолисининг барча ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида кенг акс эттирган.<sup>159</sup>

Шунингдек, Малайзия сайлов комиссияси раиси ўринбосари Датук Сери Мохд Ҳашим Абдулла ҳам ўз кечинмаларини изҳор этди: “Сайлов куни сайлов участкалари сайловчиларни қабул қилишга тўла-тўқис тайёр ҳолга келтирилди. Жараёнлар қонунчиликка мувофиқ пухта ташкиллаштирилди. Барча сайлов участкаларида она ва бола ҳамда тиббиёт хоналарининг мавжудлиги, хавфсизлик таъминлангани катта таассурот қолдирди. Бу ҳам одамларга кўрсатилаётган ғамхўрлик намунасидир. Сайловчиларнинг сайлаш ҳуқуқларини амалга ошириш учун барча шарт-шароит яратилган. Фуқаролар

---

<sup>159</sup> Халқаро кузатувчилар: Ўзбекистон Президенти сайловида овоз берувчилар фаоллиги миллатнинг бирдамлигини намоён этади. // Халқ сўзи. 2016 йил, 25 ноябрь. № 233 (6668)-сон. –Б.4.



бундан фаол фойдаландилар. Ўзбекистон сайлов қонунчилиги, кўппартиявийлик тизимини чуқур ўргандим. Айтиш жоизки, юртингизда сиёсий кураш маданияти ва соғлом рақобат юқори даражада ривожланмоқда. Ўзбекистонга нафақат сайловларни кузатиш, балки бу борадаги ижобий тажрибани ўрганиб, уни мамлакатимизда ҳам жорий этиш мақсадида келганмиз. Юртимизда ёшларга катта эътибор қаратилади. Биламизки, Ўзбекистонда ҳам улар сони аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этади. Сайловга тайёргарлик ишларига ёш авлод вакиллари ҳам жалб қилингани диққатга сазовор. Зеро, ёшлар - ҳар қандай давлатнинг келажагидир”.<sup>160</sup>

Бундан ташқари, мамлакатимизда ҳар беш йилда бир марта ўтказиладиган Президентлик сайлови юқори сиёсий фаоллик билан ўтказилади. Мазкур сиёсий жараён нафақат Ўзбекистонда, балки хорижий мамлакатларда ҳам чуқур ўрганилиб муҳокама этилади. Биргина 2015 йил 29 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнлари борасида Куала-Лумпурда “Президент сайлови - Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги муҳим қадамдир” мазуида ўтказилган давра суҳбати диққатга сазовордир. Президент сайлови мавзусига бағишланган мазкур тадбир мамлакатимизнинг Куала-Лумпурдаги элчихонасида бўлиб ўтган эди. Унда Малайзиянинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил ва ишбилармон доиралари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мамлакатимизда тобора яқинлашиб келаётган мазкур муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик жараёни ва унинг республика келажагида тутган ўрни ҳамда аҳамияти билан боғлиқ масалалар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

Тадбирда сўзга чиққан Малайзия Тадбиркорлар ва саноатчилар ассоциацияси (ПЕРДАСАМА) раиси Дато Изат Эмир ўзининг Ўзбекистонга уюштирган кўп маротабалик сафарлари чоғида мамлакатимизда изчил ислоҳотлар ҳаётга тадбиқ этилаётгани ва бу жараёнда аҳолининг барча

---

<sup>160</sup> Ўзбекистонда сайловлар демократия талабларига уйғун тарзда ўтказилди.//Elections.uz. 2014 йил, 24 декабр.

катламлари фаол иштирок этаётганининг гувоҳи бўлгани ҳақида атрофлича тўхталди.

У мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва фуқаролар ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг мавжудлиги, юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари таъминланаётгани ва бунинг натижасида аҳоли фаровонлиги тобора юксалаётгани Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йиллари давомида эришган энг катта ютуқлари эканлигини алоҳида таъкидлади. Дато Изат Эмир Президент сайлови Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат куриш йўлидаги навбатдаги муҳим босқич бўлишига комил ишонч изҳор этди.

Парламент сайловларини ёритиш учун Ўзбекистонда бўлиб қайтган Малайзиянинг “Бернама” Миллий ахборот агентлиги муҳаррири Нор Фарид бинти Абдул Рашид Марказий сайлов комиссияси, маҳаллий ҳокимият органлари ва кўнгиллилар томонидан амалга оширилган улкан ташкилий ишлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайловларнинг муваффақиятли ўтишини таъминлаганини қайд этган эди. Малайзиялик журналистнинг фикр билдиришича, демократик сайловларни юқори ташкилотчилик даражасида ўтказиш бўйича Ўзбекистон тўплаган тажриба бошқа мамлакатлар томонидан тадқиқ этилишга, ва шубҳасиз, юқори баҳога лойиқдир.<sup>161</sup>

Таъкидлаш ўринлики, сўнгги йилларда халқимиз сиёсий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалиб, сиёсий фаоллиги ошаётганлиги халқаро миқёсида юқори баҳоланмоқда. 2016 йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳам буни яққол намоён этди. Пойтахтимизда сайлов жараёнини кенг ва тезкор ёритиш мақсадида ташкил этилган PRESS-CLUB: ELECTIONS.UZ-2016” матбуот клуби дунё

---

<sup>161</sup> "Президент сайлови - Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат куриш йўлидаги муҳим кадамдир" // "Жаҳон" Ахборот агентлиги, Куала-Лумпур. 2015 йил, 23 январ.

мамлакатлари билан бирга Тинч океани ҳавзаси мамлакатларининг оммавий ахборот воситалари, давлат ташкилотлари вакиллари бир майдонга жамлади. Малайзиянинг “Ois Today” нашри бош муҳаррири Муҳаммад Ража Толиб юртимиздаги сайлов тайёргарлиги ҳақида “Ўзбекистон президентлиги сайловида кучли рақобат бўлишини тахмин қиляпман” деган қатъий ишончини қуйидагича ифодалади: “Менинг Ўзбекистонга биринчи ташрифим. Айнан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов жараёни сабаб юртингизга ташриф буюрганимдан хурсандман. Бу ерга келиб мен юртингизда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишларни кўриб қойил қолдим. Ҳаммаси очик ва ошқора ташкил этилган. Номзодларнинг сайловолди ташвиқоти ҳам таҳсинга сазовор. Адолатлилик тамойилига асосланган ушбу сайлов жараёнига тайёргарлик кўриш ва номзодларнинг сайловолди дастурларини аҳолига тезкор ва сифатли етказиш учун ташкил этилган матбуот клубида яратилган шароит мени қувонтирди. Бу ерда журналистларнинг муҳим жараёнга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича экспертларнинг фикрини тезкорлик билан олиб, аҳолига ОАВ орқали етказишга уринишини юқори баҳолайман”. Шунингдек, хорижий журналист бундан аввал Ҳиндистон ва Сингапур мамлакатларида ўтказилган сайлов жараёнида ҳам иштирок этганлиги, юртимиздаги сайлов жараёни ўша мамлакатларникидан кўра анча юқори эканлигини билдирди. Ҳиндистон ва Сингапурда бўлиб ўтган сайлов жараёнида иштироки давомида Ўзбекистонники каби шароит ва имкониятларга гувоҳ бўлмаганман. Мамлакатимиз бу борада анча юқори салоҳиятга эга эканлигини алоҳида эътироф этди.

Мухтасар айтганда, юртимиздаги демократик жараёнларнинг дунё давлатлари баробарида Жануби-Шарқий Осиё минтақаси, айниқса, Малайзия ва Индонезия давлатлари томонидан юксак эътироф этилиши давлатларимиз ўртасидаги фаол ва дўстона муносабатларни ифодалайди. Бу эса келгусида мамлакатларимиз ривожига муҳим асос бўлиши муқаррар.

Ўтган 23 йил давомида Ўзбекистон ва Малайзия давлатининг маданий-гуманитар алоқалар соҳасидаги ижобий ўзаро яқинлашуви мамлакатларимиз тинчлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ривожлантириш, хусусан, таълим соҳасидаги инновацияларни ҳаётга тадбиқ этишнинг мустаҳкам кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

**Ўзбекистон-Сингапур.** Ўз навбатида, Ўзбекистон вазирлик ва идоралари вакиллари ҳам “Singapore Cooperation Programme” – Техникавий кўмак бўйича Сингапур ҳукумати дастури доирасида уюштирилган давлат бошқаруви, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг изчил ривожланаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, Тошкент давлат педиатрия тиббиёт институти ва “Operation Smile” ташкилотининг Сингапур бўлими ўртасида ўзаро алоқалар йўлга қўйилган. Сўнгги уч йил давомида сингапурлик шифокорларнинг Ўзбекистонга икки мартаба дўстона ташрифи уюштирилгани ҳолда, ёш болаларда 160 дан зиёд операциялар ўтказилди<sup>162</sup>.

Ўзбекистон ва Сингапур давлатлари маданият соҳасида ҳам ҳамкорликни жадал суръатларда ривожлантиришмоқда. 2009 ва 2011 йилларда Сингапур ижодий жамоалари “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида қатнашдилар. 2011 йил июлида Сингапур фотография жамияти бир гуруҳ аъзоларининг Буюк Ипак йўли ганжиналари – Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хивага сафари уюштирилди. Сафар якунлари бўйича Сингапурда “Ўзбекистон сингапурликлар нигоҳида” номли фотосуратлар кўргазмаси ташкил этилди<sup>163</sup>.

Ўзбекистон ёшлар жамоаларининг Сингапурда 2009 йилда бўлиб ўтган Ўсмирлар ўртасидаги Биринчи Осиё ўйинлари ва 2010 йилдаги Ўсмирлар ўртасидаги Биринчи Олимпиада ўйинларидаги муваффақиятли иштироки нафақат икки мамлакат спорт федерациялари ҳамкорлигининг

---

<sup>162</sup> Ўзбекистонда соғлом бола камолотига қаратилаётган эътибор. // “Глобаллашув даврида ёшларда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш кўникмаларини шакллантириш: назария ва амалиёт”. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Қарши. “Насаф”. 2016. –Б.190-194.

<sup>163</sup> Қурбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Сингапур – Ўзбекистоннинг Жанубий-Шарқий Осиёдаги ишончли ҳамкори. // “Тарих тилга кирганда...” (Илмий мақолалар тўплами). Даврий тўплам №8. “Наманган”. 2016.- Б.328.

мустаҳкамланишига, балки умумтаълим ва спорт мактаблари ўртасида дўстона алоқаларнинг йўлга қўйилишига ҳам хизмат қилди.<sup>164</sup>

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Сингапур халқларининг ўзаро манфаатли, тенг томонлама ҳамкорлигининг янада мустаҳкамланиб боришида, Ўзбекистоннинг ташқи фаолият концепциясининг тўғри ишлаб чиқилганлиги, давлат раҳбарларининг самарали келишувлари ҳамда тараққиётимизнинг “Ўзбек модели”нинг нечоғли тўғри ва аниқ ишлаб чиқилганлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

2013 йилда 15-22-март кунлари Тошкент шаҳрида “Оила саломатлиги” лойиҳаси доирасида хайрия акцияси ташкил этилди. Ушбу акция “Аёллар кенгаши” РЖБ ҳамда “Operation Smile Singapore” ҳамкорлигида ўтказилди. “Operation Smile” - бутунжаҳон болалар тиббиёти хайрия ташкилоти бўлиб, юзида нуқсонли бор болаларни бепул операция қилиш билан шуғулланади. Мазкур дастур доирасида Туркия, Сингапур, Филиппин, Малайзия, Ҳиндистон, Россия ва АҚШдан ташриф буюрган 30 нафар мутахассис Тошкент педиатрия тиббиёт институтида Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи 180 нафар юзида нуқсонли бор болаларни тиббий текширувдан ўтказилиб, 17-22 март кунлари малакали мутахассислар томонидан операциялар қилинди.

Ўтган йилларда “Operation Smile Singapore” билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳамкорлигида бу каби хайрия акциялари уч маротаба амалга оширилган эди. Ушбу аксияда 387 нафар болалар тиббий текширувдан ўтказилиб, улардан 215 нафари бепул операция қилинди<sup>165</sup>.

Ўзбекистон ва Сингапур давлатларининг вақт синовидан ўтган 18 йиллик ҳамкорлик тажрибалари бундан кейин ҳам янада ривожланиб, халқларимизнинг фаровон турмуши, жамиятимизнинг янада тараққий

---

<sup>164</sup> Ўзбекистон – Сингапур: Самарали ҳамкорликнинг 15 йили. //Халқ сўзи. 2012 йил 10 апрель № 69 (5489)-сон.-Б.2.

<sup>165</sup> Ўзбекистонда соғлом бола камолотига қаратилаётган эътибор. // “Глобаллашув даврида ёшларда диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш кўникмаларини шакллантириш: назария ва амалиёт”. Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Қарши. “Насаф”. 2016. –Б.190-194.

топишида, мамлакатларимизнинг юксак ривожланган давлатлар қаторига кўшилишида муҳим дастуриламал бўлиши, шубҳасиз.

**Ўзбекистон-Индонезия.** Индонезия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси бўлган Муҳаммад Асрухиннинг “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида ҳам Ўзбекистон Конституциясининг юртимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрнини юксак эътироф этган эди. Индонезиялик дипломатнинг билдиришича, Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни демократик давлат қуриш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлашдек олий мақсадларга эришишнинг муҳим кафолати ҳисобланади. “Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини бапро этиш йўлидаги муваффақиятларига Конституциянинг меъёр ва тамойилларига сўзсиз амал қилиниши туфайли эришилди”, дейди ўз сўзида Индонезия дипломати<sup>166</sup>.

М.Асрухин суҳбат якунида Индонезия Республикаси ҳукумати ва халқи номидан Ўзбекистон аҳлига ўзининг самимий тилаklarини билдирар экан, “Мен бундан кейин ҳам ўзаро манфаатли шерикликни мустаҳкамлаш, Индонезия ва Ўзбекистон халқларининг фаровон келажаги йўлида икки мамлакатнинг улкан салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш борасидаги саъй-ҳаракатларимни аямайман”, дея таъкидлаган эди.<sup>167</sup>

Мамлакатимизда ўз-ўзини бошқариш органи, демократия дарсхонаси ҳисобланган маҳалла институтининг, унинг аҳоли фаровонлигини таъминлаш, айниқса, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги ўрни ва аҳамияти Индонезия давлатида ҳам намоиш этилди. Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари. Маҳалла институти: тарихий тажриба ва замонавийлик”

<sup>166</sup> Қурбонова М.Б., Бобожонов Ш.У. Ўзбекистон ва Индонезия: ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий кафолати//“Конституция – жамиятнинг бугунги ривож ва истиқболдаги тараққиётининг кафолатидир” мавзусидаги республика илмий-назарий анжуман материаллари. Бухоро. 2015.Б.13-16.

<sup>167</sup> “Ўзбекистон Конституцияси – мамлакатда олий мақсадларга эришишнинг муҳим кафолати”. // Халқ сўзи. 2013 йил 11 декабрь. № 242 (5916). –Б.4.

мавзуидаги давра суҳбати Ўзбекистон Республикасининг Индонезиядаги элчихонаси томонидан Гунадарма университети билан ўзаро ҳамкорликда уюштирилди. Йиғилишда сўзга чиққан давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари эътирофи диққатга сазовордир. Индонезия Ташқи ишлар вазирлиги эксперти, ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Муҳаммад Асрухин: “...ўз моҳиятига кўра ноёб ҳисобланган бу институт ёшлар тарбияси, жамиятда хотин-қизлар мавқеини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда” деса, Маланг университети профессори Лаоде Камолиддиннинг фикрича, “Ўзбекистон халқи асрлар давомида маҳаллада истиқомат қилиб келган. Фуқаролар аждодларининг бой маданий меросини авайлаб асрашмоқда ва уларни янда бойитмоқда, мустаҳкам ҳамда соғлом оилани шакллантиришда, ҳар томонлама баркамол ёш авлодни тарбиялашда фаол иштирок этмоқда”.<sup>168</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар очик, ошкоралик, шаффофлик, кўппартиявийлик ва адолат руҳида ўтиши барча маҳаллий кузатувчилар, шунингдек хорижий экспертлар қаторида Жанубий Шарқий Осиё минтақаси мамлакатлари вакилларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Маълумки, юртимизда парламент сайлови 2014 йилнинг 21 декабр куни ўтказилган эди. Унда иштирок этган халқаро кузатувчилар бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловлари демократия талабларига уйғун тарзда ўтганлигини эътироф этишди. Индонезия халқ вакиллари Палатаси спикери ўринбосари Фадли Зоннинг таассуротлари фикримиз далилидир. “Сайлов куни Тошкент шаҳридаги бир қатор сайлов

---

<sup>168</sup> Индонезияда маҳалла институтининг тақдими бўлиб ўтди. // Маҳалла. 2015 йил, 26 декабрь. № 105 (1177)-сон. 1-2 бетлар.

участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёнини кузатдим. Мен кўпгина мамлакатларда бўлганман. Аммо сайловга шу қадар пухта ҳозирлик кўрилгани ҳамда фуқароларнинг юқори даражадаги фаоллигини камдан-кам кузатганман. Сайлов участкаларида халқаро кузатувчилар, сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари, журналистлар иштирок этгани сайлов жараёнларининг чинакам очиқлигини таъминлади. Ўз миссиямизни бажаришга сайлов комиссиялари яқиндан кўмаклашди. Қонунчиликда парламент қўйи палатасида Экоҳаракат вакиллари учун 15 депутатлик ўрнининг квоталаниши назарда тутилгани эътиборлидир. Бу атроф-муҳит ва инсон саломатлиги муҳофазаси йўлида кенг жамоатчиликни бирлаштирган ушбу ташкилотнинг нуфузини, давлат ҳокимияти унинг фикрларини инобатга олишга тайёрлигини кўрсатади”<sup>169</sup>.

**Ўзбекистон-Таиланд.** Ўзбекистон Республикаси ва Таиланд Қироллиги ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 20 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида Таиландда “Ўзбекистон маданияти кунлари” ҳам ўтказилди. “Сурхон” ва “Сабо” гуруҳлари ижросидаги ўзбек анъанавий кўшиқлари, халқ ашулалари ҳамда жозибали миллий рақслардан иборат чиқишлар, халқ амалий санъати буюмлари кўргазмаси “Ўзбекистон маданияти кунлари” дастуридан ўрин олди. Мамлакатимиз маданияти кунларига бағишлаб Паттая шаҳридаги “Централ” савдо маркази ҳамда Бангкок миллий театри биносида ташкиллаштирилган тадбирлар маҳаллий аҳоли ва мамлакатга келган кўп сонли сайёҳларда улкан таассуротлар қолдирди.<sup>170</sup>

2012 йилнинг май ойида Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистонда Таиланд кунларининг очилишига бағишланган маросим бўлди. Тадбирда мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари, юртимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари,

<sup>169</sup>Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги. 2014 йил, декабр.

<sup>170</sup> Миллий анъаналаримиз Таиландни мафтун этди. // Халқ сўзи. 2012 йил, 25 май, №102 (5522),-Б.2.



санъатшунос олимлар иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси билан Таиланд Қироллиги ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 20 йиллигига бағишланган ушбу анжуманда Ўзбекистон Бадиий Академияси раиси Акмал Нуриддинов, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Баҳодир Аҳмедов, Таиланд Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Итти Дитбанчонг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар сингари маданият, санъат ва спорт йўналишида ҳам ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлашди. Шунингдек, мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари, юртимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари ҳамда санъатшунос олимлар иштирок этган мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси ва Таиланд Қироллиги ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 20 йиллиги давомида эришилган ютуқ ва муваффақиятлар таҳлил этилди. Юртимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида маънавият ва маърифат, маданият ва спорт соҳаларини, ёшларни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар жаҳон миқёсида катта қизиқиш уйғотаётгани ҳам қайд этилди. Ўзбекистон ва Таиланд ўртасидаги халқаро фестиваллар, санъат ҳафталиклари, йирик танлов ва спорт мусобоқалар муваффақиятли ташкил этилиб, бу тадбирлар ёшларни Она Ватанга муҳаббат, юртга садоқат руҳида тарбиялаётганлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди.<sup>171</sup>

Ўзбекистон Республикаси ва Таиланд Қироллиги ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг 20 йиллиги муносабати билан Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ҳам қатор тадбирлар бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан Таиланд қироллиги ташқи ишлар вазири С.Товичакчайкул икки мамлакат ўртасидаги маданият ва таълим алмашинувлари янада давом этиб, мазкур ҳамкорлик ёшларимизни юксак интеллектаул авлод бўлиб шаклланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилишини таъкидлади. Чулалонгкорн

---

<sup>171</sup> Нодира Манзунова. Ўзбекистонда Таиланд кунлари. // Халқ сўзи. 2012 йил, 26 май, № 103 (5523)-сон. 3-бет.

университетининг Европа муаммолари тадқиқоти маркази директори Чарит Тингсабадх ҳам сўзга чиқиб, “турли цивилизациялар чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон минтақадаги стратегик мамлакатдир, шу боис маданият ва таълим йўналишидаги ўзаро икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш зарур”, дея таъкидаган эди.<sup>172</sup>

Ўзбекистон билан Таиланд ўртасидаги дўстона алоқалар самарасида икки давлат мусаввирлари, фото ва спорт усталари ўтказилаётган халқаро фестиваллар, санъат ҳафталиклари, йирик спорт мусобоқаларида муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Маданият ва санъат жамоаларининг ўзаро гастроллари ташкил қилинмоқда, таиландлик санъаткорлар “Шарк тароналари” халқаро мусиқа фестивалида фаол қатнашиб келаётирлар.

Ўзбекистон ва Таиланд ҳамкорлигида қатор маданий тадбирларнинг ўтказилиши маданий-гуманитар алоқаларнинг изчил тараққий этиб бораётганидан далолатдир. Жумладан, 2010 йилнинг октябрь ойида мамлакатимизда Таиланд Қироллиги маликаси Маха Чакли Сириндорннинг “Ўзбекистон ҳақида дoston” мавзуидаги фотокўргазмаси, 2011 йилнинг сентябрида эса Таиланд Қироллиги, фотография санъати бўйича “FotograNica” халқаро мукофотининг совриндори Пхумипон Адулядет – Рама IX фотоасарларининг кўргазмаси ташкил этилди. 2011 йилнинг сентябрь ойида муайтай спорт тури бўйича жаҳон чемпионатининг Тошкентда ўтказилгани ҳам спорт соҳасидаги самарали ҳамкорлигимизнинг ёрқин намунасидир.

Таиландда ҳам мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 20 йиллигига бағишлаб қатор тадбирлар, жумладан, Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Пойтахтимизда 2012 йил май ойида Таиланд маданияти кунлари ташкил этилганлиги мамлакатларимиз ўртасида ривожланиб бораётган алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Тадбирлар давомида

---

<sup>172</sup> Миллий анъаналаримиз Таиландни мафтун этди. // Халқ сўзи. 2012 йил, 25 май, № 102 (5522)-сон. 1-2 бетлар

Тошкент Фотосуратлар уйида таиландлик ижодкорларнинг кўргазмалари, Таиланднинг муайтай ва муайборан кураш санъати ҳамда миллий таомлари намойиши бўлиб ўтди. Ушбу тадбирлар Таиланд халқининг ҳаёти, тарихи ва бугунги куни, маданияти, урф-одатлари билан янада яқинроқ танишиш имконини беради.

Ўзбекистонда Таиланд кунлари доирасида Таиланд Қироллиги делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Маданият ва спорт ишлари вазирликларида музокаралар ўтказди.<sup>173</sup>

2014 йилнинг 6-20 сентябрь кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида футбол бўйича ўн олти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ўтказилган навбатдаги Осиё чемпионатида ҳам ёшларимиз фаол иштирок этишди.<sup>174</sup>

Ўтган 24 йил давомида Ўзбекистон ва Таиланд Қироллигининг маданий-гуманитар алоқалар соҳасидаги ижобий ўзаро яқинлашуви мамлакатларимиз тинчлигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётини ривожлантириш, хусусан, сайёҳлик ва туризм соҳасидаги инновацияларни ҳаётга татбиқ этишнинг мустаҳкам кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

**Ўзбекистон-Вьетнам.** 1995 йил 22 декабрда “Ўзбекистон — Вьетнам” дўстлик жамияти тузилган<sup>175</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ўсмир ва ёшлари Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида спорт соҳасида ўтказилиб келинаётган жаҳон чемпионатларида ҳам фаол иштирок этиб келишмоқда. 2012 йилнинг май ойида, Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида таэквондо (WTF) бўйича ўсмирлар ва катталар ўртасида ўтказилган Осиё чемпиоантида вакилларимиз иккита кумуш ва олти бронза медалини қўлга киритиб, юксак иқтидор соҳиби эканликларини исботлашди. Дунёнинг 34 давлатидан 1200 нафар спортчи иштирок этган мазкур мусобақада таэквондонинг

<sup>173</sup> Манзурова Н. Ўзбекистонда Таиланд кунлари. // Халқ сўзи. 2012 йил, 26 май. №103 (5523).-Б.3.

<sup>174</sup> Фазлиддин Абилов. Ўсмирларимиз китъа чемпионлиги учун беллашади. // Халқ сўзи. 2014 йил, 6 сентябрь. № 173 (6103). 4-бет.

<sup>175</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти.2001.т.2. –Б.511.

“пумсе” йўналиши бўйича яққалик чиқишларида Александр Ни ҳамда Зафар Сатторов бронза медалини қўлга киритишди. Шунингдек, жамоавий баҳсларда Александр Ли, Александр Ни ҳамда Виктор Цой бронза медалига сазовор бўлдилар. “Кёрюги” йўналишида Гўзал Норбобоева кумуш, Сарвар Шералиев эса бронза медали билан тақдирланди. Худди шу йўналишнинг катталар ўртасидаги баҳсларида Жасур Бойқўзиев иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Дилобар Саъдуллаева ҳамда Владислав Ханлар бронза медалини қўлга киритдилар.<sup>176</sup>

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари соғлиқни сақлаш, спорт, мусиқа, санъат, умуман, маданиятнинг турли соҳалари билан кенг қамровда алоқалар олиб бориб, халқларни ва дилларни бирлаштирди.

---

<sup>176</sup> Шавкат Ортиқов. Таэквондочиларнинг яна бир муваффақияти. // Халқ сўзи. 2012 йил, 17 май. № 96 (5516)-сон. 4-бет.

## ХУЛОСА

“Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ва мустақил Ўзбекистон: ўзаро ҳамкорликнинг ютуқ ва муаммолари (1991-2015 йй.)” мавзuidaги магистрлик диссертацияси тадқиқи жараёнида чорак аср давомида Ўзбекистоннинг АСЕАН мамлакатлари билан ўрнатган дипломатик муносабатлари нечоғли ўзининг амалий натижаларини, юксак самараларни берганлиги фактлар, далиллар, ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳамкорликнинг турли соҳаларида олиб борилган кенг муносабатлар мисолида кўриб чиқилди. Ушбу тадқиқот юзасидан тўпланган материаллар асосида Ўзбекистоннинг Малайзия, Сингарур, Индонезия, Таиланд, Филиппин, Вьетнам, Камбоджа, Лаос, Бруней, Мьянма давлатлари билан олиб борган ижтимоий-гуманитар, иқтисодий-савдо, маданий-маърифий, фан-техника, таълим, туризм, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги юксак тараққиёт босқичига аъён бўлди.

Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган асосий хулоса ва таклифлар куйидагилардан иборат:

**1.** Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган, давлат ва жамиятни барча жабҳаларда, жумладан сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан янгиланишнинг стратегик вазифаларини аниқлаб олди.

**2.** Мамлакатимиз ўз ташқи сиёсий фаолиятида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига алоҳида эътибор қаратди. Бунинг боиси ривожланиш ва янгиланиш сари одимлаб бораётган Ўзбекистон учун минтақа давлатлари босиб ўтган тараққиёт йўлини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

**3.** Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўзининг бой тарихи, маданий-маънавий турмуш тарзи, айниқса замонавий ривожланиш даражаси билан Ўзбекистон учун катта қизиқиш уйғотган мамлакатлардан бири эди.

4. Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигини ўрганиш жараёнида давлатлараро алоқаларда кўпроқ иқтисодий соҳа устивор эканлиги маълум бўлди.

5. Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигини мустаҳкамланишида маданий соҳадаги алоқалар алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада халқ дипломатиясини шаклларида кенг фойдаланиб келинмоқда. Мазкур ҳамкорлик фан ва таълим соҳаларида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигини ўрганиш жараёнида мамлакатларимиз орасида турли соҳаларда ҳамкорлик босқичма-босқич ривожланиб бормоқда. Бироқ томонлар алоқаларида маълум маънода ҳали ишга солинмаётган имкониятлар мавжудлиги ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги келгусида ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга доир қуйидаги таклифлар илгари сурилди:

**Биринчидан,** Ўзбекистон Республикаси ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигини ташқи иқтисодий фаолиятининг Жануби-Шарқий Осиё йўналиши ўз потенциали, турли шакл ва мазмуни оламшумул мақсадларга йўналтирилганлиги, айнан жамиятда иқтисодий ислохотларни амалга оширишга таъсир этиши билан келажакда буюк истиқболга эга. Ташқи савдо соҳасидаги ислохотлар барқарорликка эришишнинг қисқа муддатли масалалари ечимига эмас, балки узоқ муддатли стратегик йўналишга эга бўлса, бу шак-шубҳасиз, ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигининг кўтарилишига имкон беради.

Иқтисодиётни ривожлантиришда жаҳон хўжалигининг капитал ва илғор технологиялар соҳасидаги салоҳиятидан унумли фойдаланиш ҳамда сифатли ва рақобатбардош товар ва хизматларни дунё бозорига таклиф қилиш муҳим аҳамият касб этади.

**Иккинчидан,** Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо, инвестицион, молиявий ҳамкорлик муносабатларига

таъсир кўрсатадиган омиллар таъсирини эътиборга олиб, ягона фаолият механизмини ишлаб чиқаришни тақозо этади.

**Учинчидан,** Ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, мавжуд муаммоларни илмий тадқиқ этиш ва иқтисодий - таҳлилий ўрганиш давлатларнинг икки томонлама интеграциялашуви самарадорлигини оширувчи тарифли ва тарифсиз усуллар асосида ҳаракатланувчи воситалар белгилайди.

**Тўртинчидан,** АСЕАН давлатлари, хусусан, Малайзия, Сингапур, Индонезия, давлатларнинг иқтисодий имкониятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Жануби-Шарқий Осиё йўналишини янада фаоллаштириш мақсадга мувофиқдир.

**Бешинчидан,** Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий сиёсатининг Жануби-Шарқий Осиё йўналиши ўз потенциали, шакл ва йўналишларнинг хилма-хиллиги билан келажакда катта истиқболларга эга ва мамлакатимиздаги ислоҳотларни амалга оширишга ёрдам бериши муқаррар.

**Олтинчидан,** Ўзбекистоннинг иқтисодий потенциали ҳақида хорижий шерикларнинг хабардорлигини ошириш юзасидан мамлакатимизнинг имкониятини ўрганиб чиқиш лозим.

**Етинчидан,** халқаро даражадаги компанияларни жалб қилиш ёки инновацион характердаги ўз компаниясини ташкил этиш орқали жаҳон бозорида Ўзбекистон маҳсулотлари ва хизмати ҳаракатланишининг механизмини яратиш имкониятини кўриб чиқиш зарур.

**Саккизинчидан,** магистрлик диссертацияси матнлари асосида фундаментал монография яратиш;

**Тўққизинчидан,** Илмий иш янгиликларини интернет тармоғи бев-сайтига киритиш;

Ўзбекистон Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларини келгусидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигини тадқиқ қилиш ва илмий ўрганиш лозим. Зеро,

мамлакатимиз ташқи сиёсатида Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан алоқаларга алоҳида эътибор билан қарайди. Шу билан бирга бугунги халқаро муносабатлар доирасида ушбу минтақа ўзига хос ўрин ва мавқега эга бўлиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан қаралса, Ўзбекистон ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ҳамкорлиги мамлакатларимиз тараққиёти учун бирдек муҳим аҳамиятга эга.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Раҳбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз // Янгича фикрлаш ва ишлаш даври талаби. 5 жилд.-Т: Ўзбекистон., 1997.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. “Шарқ”.1998.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.// Ўзбекистон буюк келажак сари.Т.,Ўзбекистон. 1999.
5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Асосий мақсадимиз – юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. - Т: Ўзбекистон., 2007.
7. Каримов И.А. “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийетимизни барқарор ривожлантириш йўлида” –Т.16 –Т.: “Ўзбекистон”, 2008.
8. Президент Ислом Каримовнинг Бухоро шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. // Бухоро ҳақиқати. 1997 йил, 21 октябрь. № 85 (20. 984) – сон.
9. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2017 йил, 7 февраль.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. // Халқ сўзи. 2016 йил, 19 октябрь. № 206 (6641).
11. Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи. 2017 йил, 23 май.

### II. Асосий адабиётлар

12. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “Ўзбекистон”.2015.
13. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Т.: Академия, 2005. –Б.13.
14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги. <http://mfa.uz>
15. АСЕАН и ведущие страны АТР: проблемы и перспективы. Сборник статей. - М. «Гуманитарий» Академия гуманитарных исследований, 2002 г.
16. Аширов А. Этнология. Т., “Янги нашр”.2014.
17. Большой Иллюстрированный Справочник. Страны и континенты. Москва. «Махаон».2005.
18. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси. Тошкент. “Ўзбекистон”.2014.

19. Государства Юго-Восточной Азии// Страны мира. Новейший энциклопедический справочник (Авт.-сост. Д.О.Хвостова). М. ОЛМА Медиа Групп. 2007.-С.119.
20. Этнические процессы в странах Юго-Восточной Азии. М., 1974.
21. Жабборов И. Жаҳон этнологияси асослари. Т. 2008.
22. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари. Қисқача сиёсий иқтисодий справочник (А.Ф.Маловнинг умумий таҳрири остида). “Ўзбекистон” нашриёти. Т. 1967.
23. Жаҳон мамлакатлари: Қисқача маълумотнома (масъул муҳаррир А.Ҳазраткулов). Т.: “Шарқ”. 2006.
24. Каримов К. Обеспечение безопасности в азиатско-тихоокеанском регионе и роль АСЕАН// Ijtimoiy fikr, 2000. N3.
25. Касымов Р. Особенности экономической стратегии стран Юго-Восточной Азии// Экономика и статистика. 1997. N2., 32-34с
26. Кўчаров Ч.Ш. Марказий Осиёнинг минтақавий интеграцион жараёни муаммолари. Т. “Фан” нашриёти. 2008.
27. Курбанов Ф. Опыт развития стран Юго-Восточной Азии и возможности его применения в Узбекистане// Vozor, pul, kredit, 2003 3-son.
28. Малетин Н.П. АСЕАН: три десятилетия (1967-1997)-три политика. Учебное пособие (часть I). М., МГИМО, 1997.
29. Намозов Н. Индонезия. Самарқанд, 2007.
30. Плеханов Ю. А., Рогожин А. А. Экономика и политика АСЕАН. М., “Мысль”, 1985.
31. Самойленко В. В. АСЕАН: политика и экономика. М., “Наука”, 1982.
32. Сиражиддинов Н. Экономическая политика в Малайзии после обретения независимости и ее результаты// Экономические обозрения, 2003. N8.
33. Сулицкая Т. И. Страны АСЕАН и международные отношения в Юго-Восточной Азии. М., “Наука”, 1985.
34. Новейший энциклопедический справочник Страны Мира. М. ОЛМА Медиа Групп. 2007.
35. Тараққиёт ва ҳамкорлик йўлларида. Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатияси. Тошкент. Ўзбекистон. 1993.-Б.
36. Шпажников Г.А. Религии стран Юго-Восточной Азии. М., 1980.
37. Ўзбекистон: мустақиллик одимлари. Тошкент. “Ўзбекистон”. 1995.
38. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. т. 2,4,5,6,7,8. 2003.

### **III. Диссертациялар ва авторефератлар**

39. Саидазимова Г.С. Интеграция глобал жараён сифатида ва унинг Марказий Осиё давлатлари учун аҳамияти (АСЕАН давлатлари мисолида) Сиёсий фанлар номзодлигини олиш учун диссертация автореферати. Тошкент, 2001.
40. Усаров Ф.У. Ўзбекистон Республикаси ва Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик

(Малайзия давлати мисолида: 1991-2005 йиллар) тарих фанлари номзодлигини олиш учун диссертация автореферати. Тошкент, 2010.

#### **IV. Даврий нашрлар**

41.Абилов Ф. Ўсмирларимиз қитъа чемпионлиги учун беллашади. // Халқ сўзи. 2014 йил, 6 сентябрь. № 173 (6103).

42.Абдуллаева Д. Мянма. Жуғрофий саёхат. // Хуррият. 2015 йил, 2 декабрь.

43.Бобоев А. Ҳамкорликнинг янги уфқлари. Тошкент-Сингапур-Тошкент. // Туркистон. 2007 йил, 27 январь. №9 (15025)-сон.

44.Бухоро вилоят ҳокимлигининг Бухоро давлат университетига йўллаган хати. // Бухоро вилояти ҳокими ўринбосарининг 2016 йил, 14 мартдаги 3 / 1258-сон.

45.Давлат ташрифи бошланди. // Ўзбекистон овози. 2007 йил, 25 январь. 11 (27.656)-сон.

46.Дипломатлар қутлови // Халқ сўзи. 2014 йил, 25 март. 57 (5987) - сон.

47.Жабборов И. Жаҳон этнологияси асослари.Т., “Ўқитувчи”, 2008.

48.Жумабоев Д. Ўзаро ҳамкорлик янада кенгайди. // Халқ сўзи. 2014 йил, 1 апрель. № 62 (5992).

49.Индонезияда маҳалла институтининг тақдимоти бўлиб ўтди. // Маҳалла. 2015 йил, 26 декабрь. № 105 (1177)-сон.

50.Ишончли ва барқарор банк тизими фаолияти маҳаллий ишбилармонларимиз ва хорижий экспертлар томонидан юқори баҳоланмоқда // Халқ сўзи. 2015 йил 1 апрель, № 64 (6247) .

51.Истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди. // Бухоронома. 2016 йил, 28-сентябр. № 78 (21. 920).

52.Камолуддин Лаод: “Юртингизда улуғ аллома ва мутафаккирлар меросига кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром таҳсинга сазовордир”. //Халқ сўзи. 2014 йил 3 июнь, № 106 (6036).

53.Малайзия делегацияси Ўзбекистонда // Халқ сўзи.2014 йил, 6 май. 87 (6017)-сон.

54.Малайзияда давра суҳбати // Халқ сўзи. 2014 йил, 27 февраль 41 (5971)-сон.

55.Манзурова Н. Ўзбекистонда Тайланд кунлари. // Халқ сўзи. 2012 йил, 26 май. №103 (5523).

56.Маҳкамова Ф. Миллий тизим ва самарадорлик. // Халқ сўзи. 2016 йил, 22 октябр. № 209 (6644)-сон.

57.Миллий анъаналаримиз Таиландни мафтун этди. // Халқ сўзи. 2012 йил, 25 май, №102 (5522).

58.Ортиқов Ш. Таэквондочиларнинг яна бир муваффақияти. // Халқ сўзи. 2012 йил, 17 май. № 96 (5516)-сон.

59.Президент Сингапурга жўнаб кетди. // Ўзбекистон овози. 2007 йил, 25 январь. 11 (27.656)-сон.

- 60."Президент сайлови - Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидаги муҳим кадамдир" // "Жаҳон" Ахборот агентлиги, Куала-Лумпур. 2015 йил, 23 январ.
- 61.Қуёш энергетикаси ривожда янги босқич. // Халқ сўзи. 2013 йил. 27 ноябрь. № 232 (5906).
- 62.Раҳмонов С. Она заминимиз мева-сабзавотлари – юқори сифатли ва харидоргир. // Халқ сўзи. 2016 йил, 9 ноябрь. № 221 (6656)-сон.
- 63.Самадов А., Асроров У. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. // Бухоронома. 2016 йил, 22 октябрь. № 86-87-сон.
- 64.Симпозиум қатнашчилари Самарқандда. // Халқ сўзи. 2016 йил, 15 ноябрь. № 225 (6660)-сон.
- 65.Тараққиёт ва ҳамкорлик йилларида. Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатияси. Тошкент. Ўзбекистон. 1993.
- 66.Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. // Халқ сўзи. 2016 йил, 19 октябрь. № 206 (6641).
- 67.Халқаро кузатувчилар: Ўзбекистон Президенти сайловида овоз берувчилар фаоллиги миллатнинг бирдамлигини намоён этади. // Халқ сўзи. 2016 йил, 25 ноябрь. № 233 (6668)-сон.
- 68.Ҳамидов О. Бетакрор табиат, бебаҳо мерос, қулай инфратузилма туризм индустрияси ривожда катта аҳамиятга эга. // Халқ сўзи. 2016 йил, 11 февраль. № 29 (6464).
- 69.Ғаффоров Ш. Тоғ дарёси ғори ғаройиботлари. // Миллий тикланиш. 2016 йил, 6 январь. №1 (373).
- 70.Ўзбекистон-Малайзия: самарали ҳамкорликнинг 20 йили. // Халқ сўзи. 2012 йил, 23 февраль. №38 (5458)..
- 71.Ўзбекистон сайёҳлик имкониятлари Куала-Лумпурда тақдим этилди // Халқ сўзи. 2014 йил, 22 апрель. 77 (6007)-сон.
- 72.Ўзбекистон эришган муваффақиятлар малайзиялик мутахассислар нигоҳида // Халқ сўзи. 2014 йил, 25 январь 18 (5948)-сон.
- 73.Ўзбекистон – Сингапур: Самарали ҳамкорликнинг 15 йили. //Халқ сўзи. 2012 йил 10 апрель № 69 (5489)-сон.
- 74.Ўзаро ҳамкорлик янада кенгайди // Халқ сўзи. 2014 йил 1 апрель, № (62) 5992.
- 75.Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти Сингапур матбуоти саҳифаларида. // Халқ сўзи. 2012 йил 20 июнь. № 120 (5540).
- 76.Ўзбекистон – Сингапур: Самарали ҳамкорликнинг 15 йили. //Халқ сўзи. 2012 йил 10 апрель № 69 (5489)-сон.
- 77.“Ўзбекистон Конституцияси – мамлакатда олий мақсадларга эришишнинг муҳим кафолати”. // Халқ сўзи. 2013 йил 11 декабрь. № 242 (5916).
- 78.“Ўзбекистон билан муқобил энергетика соҳасида ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз”. Сўз форум иштирокчиларига. // Халқ сўзи. 2013 йил 23 ноябрь № 230 (5904).
- 79.“Ўзбекистоннинг туризм имкониялари бизни хайратга солди”. // Халқ сўзи. 2014 йил 3 октябрь. № 191 (6121).

80.Ўзбекистоннинг жаҳон пахта ва тўқимачилик бозоридаги мавқеи мустаҳкамланмоқда. // Халқ сўзи. 2016 йил, 13 октябрь. № 202 (6637)-сон.

81.Ўзбекистон пахта толаси – дунё эътирофида. // Халқ сўзи. 2016 йил, 14 октябр. № 203 (6638)-сон.

82.Ўзбекистон-Малайзия: самарали ҳамкорликнинг 20 йили. // Халқ сўзи.2012 йил, 23 февраль. №38 (5458).

83.“Ўзбекистон билан муқобил энергетика соҳасида ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз”. Сўз форум иштирокчиларига. // Халқ сўзи. 2013 йил 23 ноябрь № 230 (5904).

84.Ўзбекистонда сайловлар демократия талабларига уйғун тарзда ўтказилди.//Elections.uz. 2014 йил, 24 декабр.

## ИЛОВАЛАР

### Ўзбекистон – Малайзия ўзаро товар айрбошлаш динамикаси\*

(млн АҚШ дол. ҳисобида)

| Йиллар          | 2004 й. | 2005 й. | 2006 й. | 2007 й. | 2008 й. | 2009 й. |
|-----------------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Товар айланмаси | 12,1    | 16,2    | 25,5    | 33,3    | 48,3    | 32      |
| Экспорт         | 2,9     | 3,9     | 11,5    | 11,7    | 14,4    | 8,4     |
| Импорт          | 9,2     | 12,3    | 14      | 21,6    | 33,9    | 23,6    |
| Сальдо          | -6,3    | -8,4    | -2,5    | -9,9    | -19,5   | -15,2   |

### Ўзбекистон – Сингапур ўзаро товар айрбошлаш динамикаси\*

(млн АҚШ дол. ҳисобида)


| Йиллар          | 2004 й. | 2005 й. | 2006 й. | 2007 й. | 2008 й. | 2009 й. |
|-----------------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Товар айланмаси | 24,1    | 76,1    | 113,6   | 157,9   | 169,4   | 90,3    |
| Экспорт         | 20,1    | 71,2    | 105,3   | 147,2   | 165,5   | 67,5    |
| Импорт          | 4       | 4,9     | 8,3     | 10,7    | 3,9     | 22,8    |
| Сальдо          | 16,1    | 66,3    | 97,0    | 136,4   | 161,6   | 44,7    |

\* Мазкур маълумотлар Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлигидан олинди

\* Мазкур маълумотлар Ташқи иқтисодий алоқалар, савдо ва инвестициялар вазирлигидан олинди



**АСЕАН ташкилотига Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг аъзоликка кириш тарихи**



**Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг давлат байроқлари**



## АСЕАН ташкилоти - Жануби-Шарқий Осиё давлатлари таянчи



## АСЕАН иқтисодий жамияти






**АСЕАН халқаро ташкилотининг рамзий тамғаси**



**АСЕАН ташкилотининг байроғи**



**Тинч океани ҳавзасидаги Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари  
географик харитаси**



**АСЕАН мамлакатлари 29-саммити. Лаос. 2016 йил, 7 сентябр.**



**Тинч океани хавзасининг “Осиё йўлбарслари” давлатлари**



**Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлар уюшмасига аъзо мамлакатлар**



Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига саёхат – дунёнинг мўъжизаларига саёхат



**ASEAN**  
**A FUTURE COMMUNITY**  
**OF GREAT OPPORTUNITIES**





**АСЕАН келажаги буюк ташкилот. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари  
халқлари бирдамлиги**

**Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари бир-бирига этник ва рухий  
жихатдан яқин мамлакатлар**



**АСЕАН мамлакатларига саёхат**



**Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти**



**Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг 2016 йил  
битирувчилари**

